


↔(ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)↔

ОГАҲИЙ

**ЖАМОЛИНГ
ЖИЛВАСИ**



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2013

УЎК:821.512.133-1
КБК 84(5Ў)1

О-21

- Ўзб. агад.

Тузувчи:
Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

Огаҳий

- О-21 Жамолинг жилваси / Огаҳий; тўпловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Э. Очилов. — Тошкент: Ўзбекистон, 2013. — 176 б. — (Жаҳон шеърияти дурдоналари).

Тонг эрмас, Огаҳий, аҳли жаҳон шеърингга майл этса,

Нединким ҳар сўзинг назм ичра бир гавҳарга ўхшайдур, — деб ёзган Мухаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий чиндан ҳам нафакат ўзбек, ёнки Шарқ мумтоз сўз санъати, балки жаҳон адабиёти хазинасидан муносиб ўрин олишга арзирли кўплаб баркамол бадиият дурдоналарини яратган забардаст шоирлардан хисобланади. Ушбу тўплам Шарқ шеъриятининг деярли барча жанрларида қалам тебратган серкирра ва сермаҳсул қалам соҳибининг етук газал, рубоий ва китъалари ҳамда мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, таржеъбандларидан намуналарни ўз ичига олади. Бу шаклан гўзал, мазмунан теран, бадиий юксак адабий обидалар диди баланд назм ихлосмандларига муносиб тухфа бўлиши шубҳасиз. Кўпчилиги кўшикка айланиб, ҳофизлар репертуаридан мустаҳкам ўрин олганлиги жиҳатидан улар маданият ва санъат аҳлининг ҳам мумтоз ашуалалар матнига бўлган эҳтиёжини муайян даражада кондиради, деб ўйлаймиз.

УЎК 821.512.13-1
КБК 84(5Ў)1

10 41883
281

ISBN 978-9943-01-925-6

Alis'... Voiy

номидаги

2014/8

A

646

C'zhekiston MK

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013

«ШОИРИ ДОНОЙИ ДАВРОН»

Мутафаккир шоир, етук муаррих, забардаст мутаржим сифатида XIX аср ўзбек адабиёти тарихида катта ўрин тутган Мухаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий 1809 иили Хива шаҳри яқинидаги Киёт қишлоғида мироб хонадонида дунёга келди. Унинг ота-боболари узоқ йиллар мобайнида Хива хонлигига мироблик вазифасида ишлаб келганлар. Амакиси — машхур шоир ва муаррих Шермуҳаммад Мунис ҳам мироб эди. Уч ёшида отасидан етим қолган Мухаммад Ризо унинг кўлида тарбияланади.

Зехни ўткир, тиришкок бўлган Мухаммад Ризо аввал бошланғич мактабда савод чиқариб, кейин мадрасада таҳсилни давом эттиради. Ўз даврининг барча асосий илмларини ўзлаштиради, форс ва араб тилларини чукур ўрганади. Асарларидаги тегран билим, катта ҳаётий тажриба, кенг дунёқараш маҳсули бўлган хикмат даражасидаги шеър ва байтлари унинг мутафаккир шоир эканлигига ёркин далиллар. Шоирнинг ўз таъбири билан айтганда:

Ҳаддин афзунроқ берибдур Тангри истеъдод анга.

Ўз замонасининг машхур шоири бўлган Мунис хонадонида тез-тез олимлар, шоирлар, ҳофизлар,

адабиёт ва санъат мухлислари тұпланиб, илмий-адабий сұхбатлар, күшик ва мусика базмлари бўлиб турарди. Улар бу давраларнинг доимий иштирокчи-си бўлган Огаҳийнинг ўз даврининг зиёли ва ижодкор кишиси ўлароқ шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

1829 йили Мунис вафот этгач, унинг ўрнига тайинланган Огаҳий қарийб ўттиз йил бош мироб бўлиб ишлайди, лекин бу лавозим шоир учун унча хайрли бўлмайди — хизмат вазифасини адо этаётганида отдан ийқилиб, оёғидан қаттиқ жароҳатланади. Шунга қарамай, у бир неча йил хизмат вазифасини давом эттиради ва соғлиғи ёмонлашгач, 1857 йили ўз лавозимидан истеъро бериб, ҳаётининг қолган қисмини тамомила илму ижодга бағишлиади. Узок йиллар тинимсиз заҳмат чекиб, кўплаб дурдона асарлар яратади ҳамда 1874 йили 65 ёшида вафот этиб, ўзи туғилган Қиёт кишлоғида дағн этилади.

Огаҳий ижодига Алишер Навоийнинг таъсири катта. У ўзининг бу буюк салафидан бир умр ўрганди, ундан таъсиrlанди, унга эргашди, ғазалларига татаббуълар ёзди, мухаммаслар боғлади. Жумладан, шоирнинг 90 мухаммасидан 30 дан ортиғи Навоий, қолганлари эса Жомий, Саъдий, Фузулий, Комрон, Амирий, Бедил, Равнақ, Мунис, Ғозий, Рожий, Феруз ва бошқаларнинг ғазалларига боғланган.

*Огаҳий, ким топқай эрди сози назмингдин наво,
Баҳра гар йўқтур Навоийнинг навосидин сенга, –
деб ёзади бу ҳақда шоирнинг ўзи.*

Шоху амалдорлар Огаҳийни моддий жиҳатдан күллаб-куватлаб турган бўлсалар-да, уларнинг бу ёрдамлари «сабаби тирикчилик» тарзида бўлган. Аксинча, шоир касидаларидан бирида мана бундай мисраларни битмас эди:

*Агарчи илтифотидин эрур вақтим багоят хуш
Ва лекин боз ер йўқлиги кўнглумда армондур.*

Парадоксни қаранг: бир умр мироблик қилган кишининг ўзида суғориш учун бир кулча ер бўлмаса!

*Ер юзида, Огаҳий, чун йўқ санго бир кулча ер.
Барча умрингда не ҳосил айласанг мироблиг.*

«Боғ» радифли ғазалидан маълум бўлишича, Огаҳий бир умр мўъжаз бир боғи бўлишини орзу килиб ўтган:

*Лек умрум аро мани маҳзун
Билиадши не эканин асло боғ.*

Огаҳийнинг назмий меросини ўзида жамлаган «Таъвиз ул-ошикин» («Ошиклар тумори») девони 447 ғазал, 3 мустазод, 90 мухаммас, 5 мусаддас, 2 мураббаъ, 3 мусамман, 4 таржеъбанд, 7 қитъа, 80 рубоий, 10 туюқ, 1 муламма, 4 чистон, 80 муаммо, 4 маснавий, 1 баҳри тавил, 1 мусовий ут-тарафайн, 2 марсия, 2 фард, 1 сокийномаи мураббаъ, 1 ошик ва маъшук савол-жавоби, 19 касида — жами 18 минг мисра шеърни ўз ичига олади. Унга «Ашъори форсий» номи билан шоирнинг форсий тилдаги 1300 мисрадан иборат шеърлари ҳам илова қилинган

бўлиб, 23 ғазал, 5 мухаммас, 1 мусамман, 1 муножот, 20 таърихдан иборат¹. Уларнинг бир қисми таникли шоир ва таржимон Матназар Абдулҳаким томонидан ўзбек тилига таржима килинган².

Огаҳий Шарқ мумтоз шеъриятиниң йигирмага яқин жанрида маҳорат билан қалам тебратган. Шоир девонида ғазал, мустазод, қасида, мухаммас, мусаддас, мураббаъ, мусамман, таржеъбанд, китъа, рубоий, туюқ, маснавий, муаммо каби жанрларда ёзилган шаклан гўзал, мазмунан теран, бадиий баркамол на муналар кўп. У ўзининг бир мусамманида, ижодида асосий ўрин тутган жанрлар хусусида шундай ёзади:

*Иш манга бўлмиши ул ой кўйида маскан айламак,
Дардлиғ абёт ўқуб, ҳолимга шеван айламак,
Хусни васфини газал бирла мубайян айламак,
Маснавий ичра гами ишқин мубарҳан айламак,
Огаҳий янглиғ рубоий санъатин фан айламак,
Фикр ила дилкаш мухаммаслар музайян айламак,
Лек эмас эрди ҳадим назми мусамман айламак,
Бўлди бу журъатга боис ҳукми султон, эй кўнгул.*

Ўз-ўзидан, ишк мавзуи Огаҳий асарларининг ўзагини ташкил этади. У ўз девонини «Таъвиз ул-ошиқин» деб аташи бежиз эмас. Чунки шоир шеърияти ҳассос ошиқ қалбининг тебранишлари, туйғукечинмаларининг ёник ва гўзал бадиий ифодасидан иборат.

¹ Бу маълумотлар ҳакида каранг: *Абдугафуров А. Мұхаммад Ризо Огаҳий*. — Т.: «Халқ мероси», 1999. 60–61-бетлар.

² *Мұхаммад Ризо Огаҳий*. «Ашъори форсий»дан. Урганч. 1999.

Огаҳий, дилсўз назмингни эшиитса ағли ишқ,
Бўйнига таъвиздек айтарлар ашъорингни банд. –

деб ёзади бу ҳақда шоирнинг ўзи.

Албагта, тариқатга бевосита алокаси бўлмасада, Огаҳий ижодида кўплаб тасаввуфий тимсол ва истилоҳлар учрайди: илми ладуний, пири дайр, сўфий, зоҳид, зуҳд, жоми Жам, кўзгу, актоб, автод, факр, фано, тажарруд олами, тааллук, гўшаи факр, май, майхона, сокий, хумор, кадаҳ, фано хайли, фано қасри, жунун, таваккул, Хизр, оби ҳаёт, шам ва парвона, оғиз, лаб, хол, қад, бел ва бошқалар шулар жумласидандир. Унинг ғазалларида ҳатто Навоий шеъриятида кўп учрайдиган «синғон сафол» иборасига ҳам дуч келамиз. Лекин бу термин-тушунчалар «нечоғлик» кўп ва такрор-такрор кўлланилган бўлмасин, Огаҳийни сўфийлик маслагига соҳиб шоир дейишга ҳеч асос бермайди¹.

Дунёда санъаткор шоир **кўп** ўтган, лекин муттафаккир адаб ҳамиша санокли бўлган. Чунончи, ўзбек адабиётида Навоийдан кейин Огаҳий ижодида ҳикматли сўзларга кўп дуч келамиз. Қомусий билим, теран тафаккур, кенг дунёқарааш, катта ҳаётий тажриба соҳиби бўлгани, донишманд мақомига етгани учун ҳам шоирнинг кўплаб байту мисралари ҳикматдай, ҳалқ мақолларидај жаранглайди:

Илм андоқ ғанжи ноғеъдур бани одамгаким,
Кимда ул бўлса, ики олам бўлур обод анга.

¹ Ҳаққул И. Тасаввуф ва Огаҳий шеърияти // «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 2009, 6-сон, 6-бет.

* * *

*Камига еткан киши, тонг йўқ, жаҳонда топмасане –
Ким, бу олам, Огаҳий, бир кўнга ҳасратхонадур.*

* * *

*Сўздур инсон кўнглида бир гавҳари қийматбаҳо,
Они хор этма дебон ҳар ҳуши йўқ ҳайвонга сўз.*

* * *

*Кўкка чиқсане ҳам қуёштек тушкасан ер остига,
Иззу жоҳи даҳрдин кибру ҳаво қилмоқ ғалат.*

Баъзи ғазаллари эса бутунисича панд-насиҳат асосига қурилган: «сўз», «ганж», «эҳтиёж», «арзимас» радифли, «Кишиким, толеъи фархундаву баҳти ҳумоюндир», «Хароб ўлсун, илохи, гунбази даввори чархи дун» мисралари билан бошланадиган ғазаллари шулар жумласидандир.

Огаҳий анъанавий мавзу ва услубда кўплаб шеърлар ёзган бўлса-да, лекин шеъриятни ҳётга бир қадар яқинлаштирган шоирлардан ҳисобланади. Шоир ижодида ҳёттий асосга эга, бевосита турмушдан олинган шеърлар ҳам анча-мунча. «Бадиий сўзнинг халқчил рух эгаллашида, шеъриятни омма ҳёттига, жамият муаммоларига, кундалик турмуш жумбокларига бевосита яқинлаштириша Огаҳийнинг хизматлари жуда катта»¹.

Огаҳий Шарқ адабиётининг 19 та дурдона асарини ўзбек тилига таржима килган забардаст ва сермаҳсул таржимон ҳам ҳисобланади. «Огаҳий таржима қилган китобларнинг тўккизтаси бади-

¹ Абдурағуров А. Муҳаммад Ризо Огаҳий. 34-бет.

ий, олтитаси тарихий ва тўрттаси ахлокий ёки фалсафий-ахлокий характердаги асарлардир. Огахий бажарган ижодий ишнинг кўлами хам, савияси хам кишини ҳайратга соладиган даражада улуғдир. Адабиёт тарихида ҳеч бир адаб таржима соҳасида бунчалик катта маҳсул яратган эмас¹. Бу таржималар орасида Кайковуснинг «Қобуснома», Саъдийнинг «Гулистон», Низомийнинг «Ҳафт пайкар», Хусрав Дехлавийнинг «Ҳашт биҳишт», Абдураҳмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо», «Саламон ва Абсол», «Баҳористон», Зайниддин Восифийнинг «Бадоев ул-вакоевъ», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Мухсиний», Бадриддин Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо», Шарафиддин Али Яздийнинг «Заварнома» каби Шарқ оламида машҳур адабий ва тарихий асарлар мавжуд.

Огахий беш тарихий асар муаллифи ҳамдир. Улар: «Риёз уд-давла», «Зубдат ут-таворих», «Жомеъ ул-вокеоти Султоний», «Гулшани давлат» ва «Фирдавс ул-иқбол». «Риёз уд-давла» 1844 йилда ёзилган бўлиб, унда Оллокулихон ҳукмронлиги (1825–1842) даврида Хоразмда юз берган воеалар тасвирланади; «Зубдат ут-таворих» (1845–1846) да Раҳимкулихон ҳукмронлиги (1843–1846) вактидаги воеа-ҳодисалар акс эттирилади; 1856 йилда ёзилган «Жомеъ ул-вокеоти Султоний»да

¹ Мажсидий Р. Огахий // Ўзбек адабиёти тарихи. Беп жилдлик. 4-жилд (XVIII асрнинг охири — XIX асрнинг биринчи ярми). — Т.: «Фан», 1978. 433–434-бетлар.

Муҳаммад Аминхон II салтанати (1846–1855) даврида бўлиб ўтган воқеалар баёни берилган; Сайд Муҳаммадхон ҳукмронлиги даврида (1856–1865) Хоразм ҳаётида содир бўлган воқеалар «Гулшани давлат» (1865 йилда ёзилган) китобида ўз аксини топган бўлса, «Иқболи Фирузий» ёки «Шоҳиди иқбол» деб номланган асар (1873 йилда ёзилган) Хоразм хонларидан Муҳаммад Раҳимхон II ҳукмронлиги даврининг (1865–1872) воқеалари тасвирига багишланган»¹.

Оғаҳийнинг машакқатли ҳаёти-ю, мураккаб тақдири, серқирра ижоди-ю, етук асарлари хусусида хоҳлаганча гапириш мумкин. Лекин биз сўзни мухтасар килиб, колганини зукко ўқувчиларнинг ўзига ҳавола киласиз.

*Оғаҳий ҳолини гар ишқ ичра билмак истасанг,
Чашми ибрат бирла дардангиз девонимга бок. –*

деб ёзган эди шоирнинг ўзи ғазалларидан бирида.

Ҳақиқатан ҳам, девонини синчиклаб, теран мутолаа қилган киши шоир яшаган давр талотумлари-ю, замондошларининг аҳвол-рухияси, Оғаҳийнинг ранжу машакқатлар ичра кечган оғир турмуши-ю, аччик ва мураккаб тақдири тўғрисида, меҳнат фаолияти-ю, шоху амалдорлар билан муносабати, сермаҳсул ижод йўли-ю, серқирра мероси, адабиётдаги устозлари-ю, ҳаётдаги ҳомийлари, сўз

¹ Мажсидий Р. Оғаҳий // Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 4-жилд (XVIII асрнинг охири — XIX асрнинг биринчи ярми). — Т.: «Фан», 1978. 438-бет.

санъатига эътиқоду ихлоси-ю, замондошлари билан алокалари, замон ва айрим кимсалар туфайли чеккан ранжу азоблари-ю, қашшоклигу касаллик ичра кечган сўнгги йиллари, оламу одам тўғрисидаги кенг ва чукур фикру мушоҳадалари-ю, ошик қалбининг турфа тебранишлари, кўнглининг кат-катидаги туйғу-кечинмалари, кувонч-ташвишлари-ю, орзуармонлари, қўйингки, шоир билан боғлиқ ҳамма-ҳамма нарса хакида биз айтгандан ҳам кўпроқ нарса билиб олади — Огаҳий ҳолини бутун теранлиги ва мураккаблиги билан идрок этади.

Ушбу тўпламни тузишда Огаҳий олти жилдлик «Асарлар» тўпламининг шоир шеърий меросини ўз ичига олган биринчи ва иккинчи жиллари, «Таъвиз ул-ошиқин» девони нашри ҳамда «Ишқ ахлининг тумори» номли «Танланган асарлар»идан фойдаланиб¹, мутафаккир адабининг жаҳон шеъриятининг энг сара дурдоналари билан бўйлашадиган энг етук ва машҳур ғазал, қитъа ва рубоийлари, шунингдек, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас ва таржеъбандларидан намуналар танлаб олдик.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

¹ Карап г: Мұхаммад Ризо Мироб Эрниёзбек уғли Огаҳий. Асарлар. Олти жилдлик. 1-жилд. Девон (Нашрга тайёрловчи Ғулом Каримов). — Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашристи, 1971; 2-жилд. Девон (Нашрга тайёрловчи Субутой Долимов). — Т.: 1972; Мұхаммад Ризо Огаҳий. Таъвиз ул-ошиқин (Нашрга тайёрловчи Ҳуршид). — Т.: «Фан», 1960; Мұхаммад Ризо Огаҳий. Ишқ ахлининг тумори. Танланган асарлар. — Т.: «Халқ мероси», 1999.

ҒАЗАЛЛАР

Мунчаким, эй дил, етишти ҳажридин заҳмат санга,
Узмадинг ҳаргиз¹ умидинг васлидин, раҳмат санга!

Ёр васлин айларам, дединг, талаб жон борича,
Топғасен кому муродинг гар будур химмат санга.

Олдинга ғайратни қалқон этдинг, асло етмагай
Тийрборони² ҳаводисдин³ даме оғат санга.

Сабрни қилдинг шиоринг — эмди эрмастур, ажаб,
Айшу ишратға бадал бўлса ғаму кулфат санга.

Ишқ аро Фарҳод ила Мажнунга ҳаргиз етмади
Мунчаким етди фалакдин дард ила меҳнат⁴ санга.

Нўш этиб⁵ жоми ҳакиқат, доим ўлғил тоза рух,
Ҳамсафоли⁶ нафс ўлурға бўлмасун рағбат санга.

Тангрига айлаб таваккул⁷, кил каноатни шиор,
Икки оламда керак бўлса агар иззат санга.

¹ Ҳаргиз — ҳеч качон, асло.

² Тийрборон — ўқ ёмғири.

³ Ҳаводис — ҳодисалар, воеалар.

⁴ Меҳнат — 1) мусибат, бало; 2) гам, дард; 3) машаккат, кийинчилик.

⁵ Нўш этмоқ (қизмоқ, айланмоқ) — ичмоқ.

⁶ Ҳамсафол — ҳамтовок, шерик.

⁷ Таваккул — таваккал: тариқат мақоми.

Ранжлар тортиб туну кун ҳосил этсанг ганжлар,
Борчаси сандин қолиб, ҳамроҳ борур ҳасрат санга.

Бағринга тиш беркитиб сабр айла жўъу¹ фокаға² –
Ким, ўлум яхши егандин нон чекиб миннат санга.

Борди навбат бирла оламдин бори ҳамроҳлар,
Йўл ярогин тутки, эмди етгуси навбат санга.

Оғаҳий, жаҳд эт — мусоҳиб³ бўл ҳақиқат ахлиға⁴,
Тобакай⁵ бўлғай мажоз ахли⁶ била улфат санга.

* * *

Гар етар юз минг алам жавру жафосидин санга,
Эй кўнгул, бил, яхшидур ҳижрон балосидин санга.

Жон қачон топқай ўлук жисминг Масих⁷
анфосидин⁸,
Қилмаса гар чора лаъли⁹ жонфизосидин¹⁰ санга.

¹ Жўъ — очлик.

² Фоқа — камбағаллик, мухтоҷлик, бечоралик.

³ Мусоҳиб — сұхбатдош.

⁴ Ҳақиқат ахли — орифлар, авлиёлар.

⁵ Тобакай — қачонгача.

⁶ Мажоз ахли — оддий одамлар, авом.

⁷ Масих — Исо пайғамбар. Унинг қўли теккан — силаган ўлика жон кирап экан. Шунинг учун ҳам ул зот ал-Масих — силовчи деб улуғланган. Нафаси ошикка жон бағишлийдиган маъшукага ҳам Масих сифатини беришади.

⁸ Анфос — нафаслар, дамлар.

⁹ Лаъл — қизил рангли ялтирок кимматбаҳо тош. Мажозан: қизил ранг. Маъшуканинг чўғдай лаби ва қизил майнинг сифати бўлиб келади.

¹⁰ Жонфизо — жонга роҳат берувчи, ҳаёт бағишлийчичи.

Захминга¹ бутмак эмас мумкинки, марҳам ўрниға
Ғамза ўки етмагунча қоши ёсидин² санга.

Ул қаро кўз бокмаса баҳтинг қароси бўлмас ок,
Бу қаро етмиш онинг кўзи қаросидин санга.

Шоми ҳажрингға сахар йўқ етмаса то ламъае³
Орази⁴ хуршидининг⁵ нуру зиёсидин санга.

Йўқ жунунингға⁶ илож ахли башардинким, бу ҳол
Воқеъ ўлмиш бир пари нозу адосидин санга.

Етса гар жавру жафоси — шод ўлуб, килғил қабул,
Гар умид ўлса онинг меҳру вафосидин санга.

Қасди жон ул кўзлар этмиш — эмди йўқ чиқмок
амон,
Бермайин жон ул ики золим аросидин санга.

Қаррилар ҳолиға бок лутфунг кўзидин, эй йигит —
Ким, камоли ҳусн ожизлар дуосидин санга.

Чун қаро ер ости охир бўлғусидур манзилинг,
Бас, не осиг⁷ гулшани олам сафосидин санга.

Огаҳий, ким топқай эрди сози назмингдин наво,
Баҳра гар йўқтур Навоийнинг навосидин санга.

¹ Захм — 1) яра, жароҳат; 2) озор, хафалик.

² Е — ёй, камон.

³ Ламъа — шуъла, нур.

⁴ Ораз — юз, жамол.

⁵ Хуршид — күёш, офтоб.

⁶ Жунун — ошиқлик, бекарорлик; савдоиилик, телбалик.

⁷ Осиг — фойда, манфаат, наф.

* * *

Ошиқ ўлдинг, эй кўнгул, жонинг керакмасму санга?
Ўтға кирдинг – жисми урёнинг¹ керакмасму санга?

Истабон ул юз тамошосини кўздин дам-бадам
Кон тўкарсан – чашми² гирёнинг³ керакмасму
санга?

Ҳар дам эткунг орзу кофир кўзи наззорасин⁴,
Кил ҳазарким, нақди иймонинг керакмасму санга?

Лутфинг этдинг хаста кўнглумдин дариг⁵, эй шохи
хусн,
Бу гадойи зору ҳайронинг керакмасму санга?

Ўзгаларга илтифотинг айладинг маҳсус, бу
Мустаҳики⁶ лутфу эҳсонинг керакмасму санга?

Сели ғамдин хонавайрон ўлдиму ёд этмадинг,
Айтким, бу хонавайронинг керакмасму санга?

Оғаҳий ҳолин кўруб, дойим тағофил⁷ килғасен,
Шоири донои давронинг керакмасму санга?

¹ Урён — ялангоч.

² Чашм — кўз.

³ Гирён — йигловчи, йиглаб турган.

⁴ Наззора — караш, томоша қилиш.

⁵ Дариг — аяш, кизганиш; афсус, надомат.

⁶ Мустаҳик — ҳакли, лойик, саъовор.

⁷ Тағофил — ўзни билмасликка солиш, эътиборсиз бўлиш, беларволик.

* * *

Ваҳки, айлаб лутфу эҳсон ёр мандин ўзгага,
Айламас зулму ситам изхор мандин ўзгага.

Захри ҳажрини берур ҳар дам мангаю, васлиниинг
Нўшини¹ инъом этар бисёр² мандин ўзгага.

Куймасун кўнглум на янглифким, қовуб ман
хастани,

Сухбатига йўл берур дилдор мандин ўзгага.

Булбулосо³ нолам, эрмас тонгки⁴, хори⁵ ҳажр уруб,
Жавр қилмас ул чаманрухсор мандин ўзгага.

Ваҳки, мандин ёрни бегона айлаб, ошно
Айлади чархи ситамкирдор⁶ мандин ўзгага.

Олди жонимни ғами фуркат карам айлаб бу дам,
Берма, соқий⁷, май⁸ бурун зинхор мандин ўзгага.

¹ Нуш — асал, ширин.

² Бисер — кўп, ортиқ, зиёда.

³ Булбулосо — булбулга ўҳшаган, булбул каби.

⁴ Эрмас тонг (Тонг эрмас, Не тонг) — ажаб эмас.

⁵ Хор — тикан.

⁶ Ситамкирдор — ситамни одат килган, ситамгар, золим.

⁷ Соқий деганда сўфийлар Аллоҳни, Мұхаммад алай-хиссаломни, матьшуқани, пир ёки комил инсонни назарда ту-тадилар. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига илохий файз бағишлийдилар, ҳакиқий ишқ ўтини со-ладилар, ғайб маърифатидан баҳраманд этадилар.

⁸ Май ва унинг шароб, бода каби маънодошлари тасаввуф адабиётида илохий тажаллий тимсоли, ишқ ва ирфон (маърифат) рамзи бўлиб келади. Шунга мувофиқ, мастлик илохий маърифатдан ҳузурланишни, маънавий завқ дарёсига гарк бўлишни билдиради.

Огаcий, гар үиғласам тун-кун, ажаб йўқ, негаким,
Манга жавру лутф айлар ёр мандин ўзгага.

水 水 水

Эй шүх, күзу кошинга олам гадо, ман ҳам гадо!
Лаъли лаби дурпошинга¹ олам гадо, ман ҳам гадо!

Гохи капоғинг² жон олур, гохи кошиңг яғмо³ солур,
Бүйла⁴ қалоғу кошинга олам гадо, ман ҳам гадо!

Қадду лабинг фошу ниҳон, элдин олур тобу тавон,
Ушбу ниҳону фошинга олам гадо, ман ҳам гадо!

Бошдин-аёғинг жон эрур, жонлар санга курбон
эрур,

Жоно, аёку бошинга олам гадо, ман ҳам гадо!

Ҳар неча отсанг ўку төш, айлаб газаб оламға фош,
Бүлғуси ўку тошинга олам гадо, ман ҳам гадо!

Жонларда фикри суратинг кўзларда нақши коматинг,

Суратгару нақкошинга олам гадо, ман хам гадо!

Үн түртдин ёшинг ўтуб, хуснинг жаҳонни ёрутуб,
Бу хуснингу бу ёшинга олам гадо, ман ҳам гадо!

Давлат санга йўлдош эрур, лутфи Худо кўлдош
эрур,

Йўлдошингу кўлдошинга олам гадо, ман ҳам гадо!

¹ Дурнош — дур сочувчи.

² Капо — қабоғ (күз билең көш орады).

³ Я́мо — талон-торож, форшт, вайронгар или

⁴ Бүйлә — бунақа, бу каби, бу хил, бүйдәй, шунгашник.

Оху ёшингға, Огахий, раҳм этти ул хўблар¹ шаҳи,
Таъсири оху ёшинга олам гадо, ман ҳам гадо!

* * *

Токи бўлдим ул лаби жонбахш дилбардин жудо,
Бўлдилар жону кўнгул мен зору музтардин² жудо.

Тушкали ул юздин ойру бўлмушам маҳву³ адам⁴,
Зарра ул янглиғки, бўлғай меҳри анвардин⁵ жудо.

Гунгу лол ўлсам, не тонг, ширин каломин
топмайин,

Сўз дегайму тўти ўлган чоғда шаккардин жудо?

Не ажаб, сарву⁶ суманға⁷ бокмасам, эй боғбон —
Ким, эрурман бу кун ул сарви суманбардин⁸ жудо.

Базми васлидин на ҳосил нўши лаъли етмаса,
Жаннат ахлиға на ҳаз⁹ гар бўлса кавсадин¹⁰ жудо.

Толпиниб кўнглум ета олмас муроди боғиға,
Кўйи бу күш бўлди ғам чангига шахпардин¹¹ жудо.

¹ *Хўблар* — 1) гўзаллар; 2) яхшилар.

² *Музтар* — ночор, ноилож.

³ *Маҳв* — йўколиш, йўкотиш.

⁴ *Адам* — йўқ, йўклиқ.

⁵ *Меҳри анвар* (*Хуршиди анвар*) — энг порлок куёш.

⁶ *Саря* — кишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган ин-набаргли гўзал ва күшкомат даракт.

⁷ *Суман* — хушбўй оқ гул, ёсмин, ёсуман.

⁸ *Суманбар* — оқбадан; гўзал маҳбуба.

⁹ *Ҳаз* — хузур, халоват.

¹⁰ *Кавсад* — жаннатдаги ховуз, булок. Унинг суви асалдан ширин, кор ва сутдан оқ бўлиб, ичган киши агадулабад ташни-лик нималигини билмайди.

¹¹ *Шахпар* — улкан қанот, энг узун пат.

Етди жоним оғзима даврон ғамидин, сокиё,
Рахм этиб бир дам лабимни қилма соғардин¹ жудо.

Келди шахлар хизмати иксирі² давлатким, киши
Бўлмасун гар Хизр³ хам бўлса, Скандардин⁴ жудо.

Оғаҳийнинг ашқидур раҳмат саҳоби⁵ ёмғури,
Ё Раб, они қилма бир дам дийдаи тардин⁶ жудо.

* * *

Чун бу кун ул ҳусн шоҳи ёри ҳамдамдур манга,
Гўиё мулки жаҳон яксар⁷ мусалламдур⁸ манга.

Давлати васлидин эл ичра Сулаймонлиғ⁹ топиб,
Ҳалқаи бахти қавий¹⁰ илкимда¹¹ хотамдур¹² манга.

¹ Соғар — май ичадиган идиш, пиёла, жом, қадаҳ.

² Иксир — афсонавий жавҳар — унинг воситасида гўё мисни олтинга айлантириш мумкин эмиш; мажозан: жуда фойдали дори.

³ Хизр — оби ҳаёт — тириклик сувини излаб топган ва ундан ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган пайғамбар.

⁴ Скандар — Шарқда Искандар Зулкарнайн номи билан машҳур македониялик саркарда ва давлат арбоби Александр Македонский (милоддан аввалги — 356–323).

⁵ Саҳоб — булут.

⁶ Дийдаи тар — ёшли, йиғлоки кўз.

⁷ Яксара (Яксар) — бу ерда: бошдан-оёқ, батамом.

⁸ Мусаллам — тобе бўлган, таслим бўлган.

⁹ Сулаймон — шон-павкатли подшоҳ ва пайғамбар. Унинг мол-мулки ҳад-хисобсиз бўлган. Унга Ҳудонинг сирли ва муқаддас исми — Исми Аъзам маълум бўлган ва бу исм унинг сеҳрли узугига нақш килинган. Бу узук воситасида у нафакат одамлар, балки ҳайвонлар, қушлар, барча инсу жинсларга, табиат ҳодисаларига ҳам хукмини ўтказа олган.

¹⁰ Қавий — кучли, кудратли.

¹¹ Илик (илиг) — кўл.

¹² Хотам — узук.

Жоми Жамға¹ илтифотим бўлмаса, йўқ айбким,
Косай базми висоли согари Жамдур манга.

Истабон жаннатниким, ул гул баҳори ҳуснидин,
Базми ишрат гулшани сарсабзу² хуррамдур манга.

Сарбаланд³ ўлсам, ажаб эрмас, бани одам⁴ аро –
Ким, муайян ул сарафroz⁵ насли одамдур манга.

Ишқ мулки шохиман, ишқ ахлидурлар чокарим⁶,
Токи ёр эҳсонидин шаъну муаззамдур манга.

Эй фалак, ҳар кун манга арз этма хуршидингниким,
Ул қуёшнинг меҳри афзунрок⁷ дамодамдур манга.

Чун манга лутф айлаб ул марғуби олам⁸ бўлди дуст,
Барча олам ахли душман бўлса, не ғамдур манго!

Оғаҳий, ул ой қилибму илтимосимни қабул,
Ё мутеъи ҳукми жумла ахли оламдур манго.

¹ Жоми Жам — Жамшид жоми. Қадимги Эроннинг афсонавий подшохи Жамшид «Жоми жаҳоннамо» — жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро килган бўлиб, унда дунёдаги нафакат ҳозирги, балки ўтмишда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам акс этар экан. Май кадаҳи ва комил инсон калбини ҳам илохий сирларни ўзида саклани жиҳатидан Жамшид жомига нисбат берадилар. Жамшид жомидаги май ичган билан сира тугамас эмиш.

² Сарсабз — бу ерда: хушу хуррам, хушхол, хурсанд.

³ Сарбаланд — боши баланд, юксак, донгдор.

⁴ Бани одам — одам авлоди.

⁵ Сарфароз (сарафроз) — баланд, юксак, магрут.

⁶ Чокар — хизматкор.

⁷ Афзун (футун) — кўп, ортиқ, зиёда.

⁸ Марғуби олам — оламнинг севимлиси.

* * *

Ҳар кимки, факт гўшаси¹ бўлмиш макон анга,
Хотир ҳамиша даҳр² ғамидин амон анга.

Сайр эт фано тарабгаҳини³, эй кўнгулки, ул
Бир боғдурки, етмагай асло ҳазон анга.

Киргил, васеъ⁴ ер тиласант, ажз⁵ мулкига –
Ким, бир камина⁶ касрдуур осмон анга.

Дайри қаноат⁷ ичра мудом ул муқимким⁸,
Лабрез⁹ жоми¹⁰ роҳат эрур жовидон¹¹ анга.

Бир судманд¹² пешадуур¹³ хоксорлиғ –
Ким, ҳодисоти даҳр етурмас зиён анга.

¹ *Факр гўшаси* — факт бурчаги, кунжи. *Факр* — тариқатнинг тўртингчи макоми. Дунё неъматлари, вужуд эҳтиёжларидан қўл тортиб, фактат Ҳакка мухтоҷ бўлиши.

² *Даҳр* — 1) дунё, олам; 2) давр, замон.

³ *Фано тарабгаҳи* — илохий ҳузур маъвоси. *Фано* — ўлиш, йўқ бўлиш. Тасаввуфда банданинг Ҳакда фано бўлиши, яъни башарий ҳусусиятларнинг илохий сифатлар ичра маҳв бўлиши.

⁴ *Васеъ* — 1) кенг, ёйик, бепоён; 2) катта, улуғ.

⁵ *Ажз* — ожизлик, заифлик.

⁶ *Камина* — бу ерда: паст, арзимас, ҳакир.

⁷ *Дайри қаноат* — қаноат уйи. *Дайр* — оташпаратлар ибодатхонаси; мажозан: майхона. Сўфийлар истилоҳида орифлар мажлиси ва зоти аҳадиятдан ҳузурланишни билдиради.

⁸ *Муқим* — турғун, событ.

⁹ *Лабрез* — тўла, лиммо-лим, лаболаб.

¹⁰ *Жом* ва унинг кадаҳ, коса, паймона, пиёла каби маъно дошлари тасаввуфда маърифат зиёсига лиммо-лим кўнгил маъносига келади.

¹¹ *Жовидон (жовид)* — бокий, мангут, абадий.

¹² *Судманд* — фойдали.

¹³ *Пеша* — иш, амал; ҳунар, одат.

Осудалиғ макоми зур хилвати фано,
Юз жон беріб етүшсанг, зур ройгон¹ анга.

Хар кимки, даҳр шохлигин айлади ҳавас,
Бордур насиб гуссаи фикри жаҳон анга.

Султондур ул гадоки, бузук кулбаси аро
Осудадур топилса бирор пора нон анга.

Ё Раб, ҳулул² гўшасида Огаҳийни қил
Андок адамки, қолмасун асло нишон анга.

* * *

Олур ҳар лаҳза юз жон — чашми фаттонингға³
салламно!⁴

Тўкар ҳар дамда минг қон — тифи мужгонингға⁵
салламно!

Жаҳон бозорида синдуруди ёқуту гухар кадрин,
Дурафшон⁶ нукта бирла лаъли хандонингға
салламно!

Асир айлаб камандига⁷, паришон кўнглум этди
жамъ,
Мусалсал⁸ ҳалқаи зулфи паришонингға салламно!

¹ Ройгон — текин, муфт.

² Ҳулул — бирлашиш, қўшилиш, сингиш.

³ Фаттон — фитна солувчи, мафтун килувчи, жозибали.

⁴ Салламно — оғарин, тахсин.

⁵ Мужгон — киприк, мижона.

⁶ Дурафшон — дур сочувчи, парлок, равшан.

⁷ Каманд — банд, тузок; ҳалка, сиртмок.

⁸ Мусалсал — ҳалка-ҳалқа, тулаш, бир-бирига уланган.

Юзунгдин заррача партав¹ етишкак тийра² кулбамға,
 Ёрутди жажр шомин — меҳри рахшонингға³
 салламно!

Сиҳи⁴ кадларни кумри янглиғ этди ишқида нолон,
 Назокат боғида сарви хиромонингға⁵ салламно!

Агар кўрса эди Юсуф⁶ малоҳатлиғ жамолингни,
 Дер эрди сидқ ила рухсори тобонингға⁷ салламно!

Лабинг ширин такаллумдин ўлукни тиргизуб,
 айлар,
 Суханвар⁸ тўтиосо⁹ шаккаристонингға¹⁰ салламно!

¹ Партақ — нур, шуъла, ёғду.

² Тийра — 1) кора, коронги, хира, нурсиз; 2) қайгули, гамгуссали.

³ Рахшон — ялтироқ, порлок, жилваланувчи.

⁴ Сиҳи — тик, тўғри, баланд.

⁵ Сарви хиромон (сарви равон) — хиром айлайдиган сарв, яъни гўзал юришли маҳбуба.

⁶ Юсуф — Юсуф алайхиссалом. Маълумки Аллоҳ таоло ҳуснни юз ҳисса килиб, тўксон тўққизини Момо Ҳавога, қолган бир қисмини бани башарга раво кўрган. Шу бир қисминя яна ўнга бўлиб, тўққиз қисмини Юсуф алайхиссаломга, қолган бир қисмини бутун инсониятга берган. Бинобарин, Юсуф алайхиссаломда жами одамларга караганда тўққиз баробар кучли ҳусн мавжуд. Шунинг учун у гўзаллик тимсоли хисобланади.

⁷ Тобон — ёркин, порлок.

⁸ Суханвар — фасоҳат ва балогат сохиби.

⁹ Тўтиосо — тўтидек, тўтига ўхшаган.

¹⁰ Шаккаристон — 1) шакарзор; 2) севишганлар сұхбати.

Чу¹ эҳсон нақдини сочдинг жаҳонға ганжи
лутфунгдин,
Бори ҳалқ ўлди банданг — нақди эҳсонингға
салламно!

Риёву ужб² бирла бир сурук жоҳилни, эй зоҳид³,
Мутеъу муҳлис эдинг, макру дастонингға
салламно!

Уруб дам ғайб сирридин ҳам эткунг даъвийи
иймон,
Бу янглиғ⁴ куфр бирла турган иймонингға
салламно!

Чекарсан, Огаҳий, тун-кун ул ой жавру жафосини,
Бу қоттиғ меҳнат ичра чикмаган жонингға
салламно!

* * *

Дедим: Лабинг ширинлигин, эй шўх, билдур
үрготиб,
Деди: Била олмас киши то кўрмаса они тотиб.

¹ Чу (Чун) — 1) ки, чунки, шу сабабдан; 2) агар; 3) вактиki, модомики; 4) ўхшаш, монанд, бамисоли.

² Ужб — манманлик, ўзига бино кўйиш.

³ Зоҳид — узлат ва тақвони касб килиб олиб, дунё лаззатидан юз ўгирган киши. Бу тоифа ишқ ва ирфондан бехабар бўлиб, мақсади тақво билан охират мағфиратини қозониш, Куръонда ваъда килингган жаннатнинг хузур-ҳаловатига етишиш. Сўфийларнинг ҳар икки дунёдан максади Худонинг ўзи, унинг дийдори бўлғанлиги учун зоҳидларнинг бу ишини тамагирлик деб ҳисобладилар ва уларни танқид қиласдилар.

⁴ Янглиғ (ёнглиғ) — каби, ўхшаш, монанд.

- Дедим: Кўзингнинг захридин ман хаста етдим
 ўлгали,
Деди: Зулоли¹ лаълима жон шарбатин бергум
 қотиб².
Дедим: Масиҳоға лабинг бўлғайму ташбих
 айламак?
Деди: Масиҳони қачон бўлғай ўлукка ўҳшотиб?
Дедим: Матоъи хуснингга, жоно, харидор ўлмишам,
Деди: Бериб жон нақдини, олурмисан они сотиб.
Дедим: Бўлурман ғам била доим бузук кулбам аро,
Деди: Етушкил базмима, ўлтурма кулфатға ботиб.
Дедим: Мани манъ этгуси базминга кирмакдин
 ракиб,
Деди: Чикорғум ташқори они уриб хам судротиб.
Дедим: Белинг шавқида йиғлардин бир оқшом
 тинмадим.
Деди кулуб: Кўб йиғлама, бу тун белим қучғил
 ётиб,
Дедим: Белинг кучмок била сабр этмаса кўнглум,
 нетай?
Деди: Тилим шаҳдини сўр, кўксингда жисмим
 оғнатиб,
Дедим: Сени гар ногаҳон уйқуда кўрса на қилай?
Деди: Юзим оҳиста ўп, тасдеъ³ берма уйғотиб.

¹ Зулол — тоза, тиник сув. Бу ерда: май, шароб. Мажозан лаб маъносида ҳам келади.

² Қотмоқ — кўшмоқ, аралаштиромок.

³ Тасдеъ — ташвиш ортириш, ҳаловатни бузиш.

Дедим: Не айлай гар юзинг ёпса муанбар¹
кокилинг?

Деди: Кўзим оч кокилим кўл бирла ҳар ён тарқотиб.

Дедим: Бу сўзлар Огаҳий ҳакқида чиндурму экан?

Деди: Қилурман шод они ёлғон сўз ила олдотиб.

* * *

Юз очиб келгил, эй маҳваш², куёш янглиғ хиром
айлаб,
Бошимға солди савдо фурқатинг субҳимни³ шом
айлаб.

Чу сансан ҳусн мулки шоҳиким, хоки жанобингға⁴
Кўяр ҳар лаҳза бошин хўблар ўзни ғулом айлаб.

Бу раъно қад била гар боға кирсанг, сарв ила
шамшод⁵

Бўлуб банда, турарлар бир аёқда эхтиром айлаб.

Висолинг истай-истай жонға етдим, раҳм этиб
келгил,

Мани, жоно, муродимға етурмак илтизом⁶ айлаб.

Не қаҳр эрдики, бир бокмассану бир дам ҳам
урмассан,

Бош оллингда кўёрман кунда юз йўли салом айлаб.

¹ Муанбар — хушбўй, муаттар.

² Маҳваш — ойга ўҳшаган, ойдай гўзал маҳбуба.

³ Субҳ (сабоҳ, субҳидам) — тонг, эрталаб.

⁴ Хоки жаноб — бу ерда: эшик (остона) тупроғи.

⁵ Шамшод — кичик ва хушбўй гулли, ҳамиша кўм-кўк яшнаб турадиган хушқомат ва чиройли дараҳт.

⁶ Илтизом — бирор ишни ўз зиммасига олиш.

Жамолинг партавидин ийд¹ субхидек мунааввар кил
Қорарғон кулбам ичра меҳри анвардек маком
айлаб.

Бошимни садқа айлаб, нақди жонимни қилай исор²,
Агар базмимда ўлтурсанг замоне нўши жом айлаб.

Не журмим³ борки, ташларсан мани зинданни
ҳажрингға,
Висолинг базми ичра муддайни⁴ шодком⁵ айлаб.

Ўкуғил бу ғазални, Огаҳий айтибдур, эй дилбар,
Ўзин зикри, лабинг шаҳди била ширин калом
айлаб.

* * *

Жоним ўртанди сенинг ўтлуғ жамолингни кўруб,
Кўнглум ичра тушти ўт рухсори олингни⁶ кўруб.

Исию⁷ Марям⁸, не тонг, сандин хижолат чексаким,
Жон топар bemорлар ширин зулолингни кўруб.

Жилва қилсанг бўстон ичра, кўяр оллингда бош
Ажз ила сарви сиҳи⁹ наврас¹⁰ ниҳолингни кўруб.

¹ Ийд (Ид) — байрам, ҳайит.

² Исор — сочиш, бағишлиш, инъом.

³ Журм — айб, гуноҳ.

⁴ Муддай — даъвогар, ракиб.

⁵ Шодком — шод, хурсанд.

⁶ Ол — кизил.

⁷ Иси — Исо алайҳиссалом.

⁸ Марям — Исо алайҳиссаломнинг онаси.

⁹ Сарви сиҳи — тик ва баланд сарв; мажозан: баланд бўйли,
тик коматли маҳбуба.

¹⁰ Наврас — янги ўсиб келаётган, ёш.

Киргуси хуру пари девоналиғ саҳросиға –
Ишваю нозингни ўанжу далолингни¹ кўруб.

Шаккаристон сори тўти боқмаса, эрмас ажаб,
Шаҳддек лаълинг уза жонбахш болингни кўруб.

Бўлди кўнглумда аён ишқинг ўтидин доғлар,
Лола янглиғ юзда анбарбўй холингни кўруб.

Тоза жон топғумдуур беморлиғ ҳангомида²,
Ичсам илгингдин қадаҳ базми висолингни кўруб.

Жамлик этсам дайр кўйида, не тонг, эй пири дайр³,
Соғинурмен⁴ жоми Жам синғон сафолингни⁵ кўруб.

Огаҳий жону жаҳон нақдин нисор айлар санга,
Рұҳафзо⁶ лаълингу зебо жамолингни кўруб.

* * *

Агар боғ ичра ул гул ноз бирла килса хандон лаб,
Куларга ғунча очмоқдин бўлур усру⁷ пушаймон лаб.

¹ Ўанжу далол — нозу карашма.

² Ҳангом — вакт, фурсат.

³ Пири дайр (дайр пири) — майхона пири, яъни тарикат пири, маънавий раҳбар.

⁴ Соғинмоқ — бу ерда: ҳисобламоқ, ўйламоқ, гумон килмоқ.

⁵ Синған сафол — тасаввуф тимсолларидан бўлиб, синник, дардли кўнгилни билдиради. Кўнгли бутунлик — илохий жазба ва ишқдан бехабарликни, кўнгли синниклик — илохий ишқ шавқига ошноликни англатади.

⁶ Рұҳафзо — рухлантирувчи, жонлантирувчи, тирилтирувчи.

⁷ Усру (асру) — кўп, ортиқ, зиёда.

Назокат махзанида¹ оғзидур дуржи адам², лекин, Сочарда сўз дурини қилғуси они намоён лаб.

Хаёти тоза топгум хар қачон лаълини зикр этсам,
Масиховаш³ нигоримға магар эрмишдуур жон лаб.

Эмас чарх офтоби ул қуёшға ўхшамок мумкин,
Магар бўлса анга сарви сихикад оби ҳайвон⁴ лаб.

Хиром айларда-ю, сүзларда чун қадду лабин
күрдим,

Қарорим олди қадду айлади аклимини ҳайрон лаб.

Керакдур оби ҳайвондин оғиз ҳам қылса жондин тин,

Эмастур кимсаға очмок лаби васфыда осон лаб.

Жаҳолат бир давосиз дард эрур жоҳилға,
билилким,

Кулок солмас илож дардига гар очса Лукмон⁵ лаб.

¹ *Махзан* — хазина, ганж.

² Дуржы адам — йүклик макони.

³ *Масиҳоваш* — Масиҳ каби.

⁴ Оби ҳайвон — оби ҳаёт, оби бако, зулоли ҳайвон, Хизр суви, Хизр чашмаси номлари билан юритиладиган мангулик суви. Оби ҳаёт тасаввуфда саъй-харакат билан эришиб бўлмайдиган, Аллоҳ томонидан ўзи хоҳлаган бандаларига бериладиган ладуний (илохий) илм маъносида келади.

⁵ Луқмон — Эроннинг каёнийлар сулоласига мансуб шоҳ. Кайкубод даврида яшаб ўтган машхур табиб ва донишманд. Ривоятларга кўра, Луқмони ҳаким минг ёш умр кўрган бўлиб, Аллоҳ у зотга нарсалар ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятига этиш ва энг тўғри ҳукм чикариш қобилиятини ато этган.

Керакдур хизмат аҳлиға замона қилмаса таъхир¹,
На хизмат амиға тебратса гар ҳар гоҳ султон лаб.

Бўлуб карам тафаккур, Огахий, қил пухта сўзниким,
Сўзингға сўз топарға очмасун ҳеч бир сухандон²
лаб.

* * *

Эй кўнгул, бўлса мұяссар, ёрнинг руҳсорин ўп,
Ҳам солиб бўйниға қўл, лаъли шакаргуфтторин³ ўп.

Гах кучиб нозук белин, гоҳи шимиб шириң тилин,
Гах қапоғин бўса кил, гах нарғиси хумморин ўп.

Гах юзига юз қўюб, гоҳи қапоғини сўруб,
Гах лабиға еткуруб лаб, хатти⁴ анбарборин⁵ ўп.

Гоҳ мушкин сочини сунбул масаллик⁶ ислабон,
Гоҳ пурчин⁷ зулфининг ҳар бир муанбар торин ўп.

Завқ ила гоҳи этур оғзинг занахдон себиға⁸,
Шавқ ила гах булбулосо жабҳаси⁹ гулзорин ўп.

¹ Таъхир — кейинга суриш, пайсалга солиш.

² Сухандон — сўзни нозик тушунувчи.

³ Шакаргуфттор — шириңсўз.

⁴ Хат (т) — кизларнинг лаби устидаги майин туклар. Тасаввуф истилоҳида гайб олами.

⁵ Анбарбор — анбар ёғдирувчи, ёкимли хид таркатувчи.

⁶ Масаллик — ўхшаш, монанд, каби.

⁷ Пурчин — ҳалка-ҳалка, ўралиб-чирманиб кетган.

⁸ Себи занахдон (себи зақан) — ияқ, бағбака.

⁹ Жабҳа — пешона, манглай.

Гах аёқига тушуб, туфроқдек ўпгил изин,
Гах бошига эврулуб, парвонадек¹ дасторин² ўп.

Гоҳ пири дайрнинг ўпгил муборак илгини,
Гоҳ сокийнинг кўлида соғари саршорин³ ўп.

Қилма ҳаргиз бас буларнинг бирини ўпмак била,
Гар санга бўлса мұяссар қайта-қайта борин ўп.

Оғаҳий, гардун⁴ агар ушбу муродинг бермаса,
Зор йиғлаб шоҳнинг даргоҳи лутфосорин⁵ ўп.

* * *

Гар манга икки кўзингдиндур мамот⁶ узра мамот,
Лек топғум икки лаълингдин ҳаёт узра ҳаёт.

Учса кўйинг ошёниға, не тонг, кўнглум қуши –
Ким, анго шавқу талаб бўлмиш қанот узра канот.

Тонг эмас, ишқ ичра ширинком⁷ эсамким, бордур
Лабларингнинг зикри оғзимда набот узра набот.

Қисматим гар субхи васлинг неъмати бўлса,
не тонг –

Ким, ики зулфинг манга бўлмиш барот⁸ узра барот.

¹ Парвона — кечаси шам ёки чирок атрофида айланиб, ўзини унга урадиган ҳашарот.

² Дастор — салла.

³ Саршор — тўла, лаболаб.

⁴ Гардун — 1) осмон, фалак; 2) дунё, олам.

⁵ Лутфосор — марҳаматнишонли.

⁶ Мамот — ўлим.

⁷ Ширинком — курсанд, баҳтиёр.

⁸ Барот — ёрлик қоғози, гуноҳнинг кечирилгани ҳақидаги кужжат.

Шоми ҳажринг зулматида қолдим — ондин бер
манго

Кўргузуб икки юзинг меҳрин нажот узра нажот.

Ўлмадим чун фуркатингда дарду ғамдин, вах, мани
Бокколи рухсоринга қўймас ўёт узра ўёт.

Кимки семурғ¹ муроди васлини истар, анга,
Бил, керакдур Кофдин² ортиқ сабот узра сабот.

Мустаҳикдур бу гадойинг усру, эй султони хусн,
Ганжи васлингдин анго бергил закот³ узра закот.

Ком уза ком олмоқ этсанг орзу шах лутфидин,
Оғаҳий, назм айлагил ширин нукот⁴ узра нукот.

* * *

Ишқинг ғамида дийдаи гирёнима раҳм эт,
Ҳажринг тунида нолаи афғонима раҳм эт.

Жавринг чекибон жони ҳазин чиққоли етди,
Эй жону жаҳон, жонинг учун жонима раҳм эт.

Торожи фироқинг яланг этти тани зорим,
Бер жомаи⁵ васлинг — тани урёнима раҳм эт.

¹ Семурғ — афсонавий катта ва баҳайбат күш.

² Коф — аждодлар тасаввурига кўра бутун дунёни ўраб олган төғ.

³ Закот — ислом динида мухтожлар фойдаси учун ҳар йили умумий даромаднинг кирқдан бир улуши микдорида бериладиган солик.

⁴ Нукот (нуқат) — чукур ва нозик маъноли сўзлар. ҳикматлар.

⁵ Жома — тўн, чопон.

Дардинг чекарам гўшаи вайронада умре,
Ташриф кетур кулбай аҳзонима¹, раҳм эт.

Холимни паришон юз уза айлади зулфинг,
Жамъ эт онию ҳоли паришонима раҳм эт.

Эй гул, ғами ҳажрингда кўнгул булбули нола
Токай киладур — булбули нолонима раҳм эт.

Даврон ситами, ишқ ғами, ҳажр балоси
Қасд этти ҳазин хотири вайронима, раҳм эт.

Бежурм² мани ёзғурубон тифи жафони
Жонимға суруб колма — манинг қонима раҳм эт.

Ҳайратладуур Огаҳий то кўрди жамолинг,
Эй хурлико, дийдаи ҳайронима раҳм эт.

* * *

Эй сарви хиромони гулистони латофат,
Ширин даҳанинг³ чашмаи ҳайвони латофат.

Зулфи сиҳининг боғи назокат аро сунбул,
Зебанда⁴ лабинг ғунчай хандони латофат.

¹ Байтүл-аҳzon (байт ул-ҳазан, кулбай аҳzon) — ғам уйи, кайғу кулбаси, ҳасратхона. Бу тушунча Яъқуб пайғамбар ҳаёти билан боғлик бўлиб, севимли жигарбанди Юсуфдан ажралгач, у йўл бўйида бир уй тиклаб, унинг йўлига кўз тикиб, кеча-кундуз йиглай-йиглай кўр бўлиб колади. Бу уй байт ул-аҳzon номи билан машҳур. Мумтоз адабиётда сўнгсиз дарду ғамда, чорасиз аҳволда қолган кишининг уйини, ҳаётини, дунёни байт ул-аҳzonга нисбат бериш бир анъана тусини олган.

² Бежурм — айбсиз, гуноҳсиз.

³ Даҳан — оғиз.

⁴ Зебанда — ярашган, келишган.

Лаълинг суйидир кавсар — атрофида онинг
Хупбўй хатинг сабзай¹ рапхони латофат.

Холинг юз уза нур китоби уза туғро²,
Пайваста³ кошинг мисраи девони латофат.

Гулзори руунатда⁴ кадинг сарви сарафроз,
Фархунда⁵ узоринг⁶ гули бўстони латофат.

Ишқ ахлиға базм ичра лабинг шарбати бирла
Себи заканинг атъимай⁷ хони⁸ латофат.

Огаҳий, не тонг, чаҳ-чаҳ урор булбули табъим —
Ким, маскан ангодур чаманистони латофат.

* * *

Менга йўл сухбатига бермади дилдор бир соат,
Висоли бодасидин килмади саршор бир соат.

Туну кун ман чекиб ғамхонаи ҳижрон балосини,
Эмаслар базми васлидин жило ағёр⁹ бир соат.

Куёшдек юз очиб ҳар тун ёрутти ўзгалар базмин,
Менинг кулбамда лекин очмади рухсор бир соат.

¹ Сабза — майса, кўқат, яшиллик.

² Туғро — бу ерда: сарлавҳа.

³ Пайваста — бу ерда: боғланган, уланган, тутап.

⁴ Руунат — ўзига зеб бериш.

⁵ Фархунда — баҳтли, толели, кутлуғ.

⁶ Узор — 1) юз, чехра; 2) хусн, жамол.

⁷ Атъима — овқатлар, егуликлар.

⁸ Хон — дастурхон.

⁹ Ағёр — бегоналар, бошқалар, ракиблар.

Тұқар қонимни тиғи ишқи ҳар дам, вахки, ул золим
Бу ҳолимға тараҳхұм¹ килмади изхор бир соат.

Нечук бўлғай мұяссар ишрати васлики, ҳажрида
Чекардин ғұсса ҳаргиз бўлмоғум бекор бир соат.

Туганди умр даврони, vale айланмади ҳаргиз
Менинг комим била бу гунбази даввор² бир соат.

Күнгүл күзгусиға бердим агарчи юз карат сайқал, Бўло олмас ва лекин қобили дийдор бир соат.

Агар бўлмок тиларсан ҳодисоти даҳрдин фориғ, Бу кўхна дайр³ ичидагиларни бўлмағил хушёр бир соат.

Килиб жаҳд, Огаҳий, шах хизматида аржуманд⁴
ўлким,
Ёмон юз маргдин⁵ оламда чекмак ор бир соат.

卷二

Даврондин агар, эй дил, етса санга бир рохат,
Чекмакка мухайё бўл юз кулфату минг меҳнат.

Гар дахр элидин олсанг ўлмакка етиб бир нон,
Бир лаҳза кутулмассан ўлгунча чекиб миннат.

Юз ваъда била хизмат ҳар кунда буюргайлар,
Ер тутмас агар килсанг ҳар ваъдаға юз хизмат.

Тараңұм — раҳм этиш, шафқат қилиш.

² Гунбази даввор — айланувчи фалак, ўзгарувчан дунё.

³ *Дайр* — бу ёрда: дунё, замон.

⁴ Аржуманд — азиз, муҳтарам, машхур.

⁵ Марг — ўлим, ажал.

Бу турфаки, юз хизмат буткаргали жон чексанг,
Бир хизмат учун кўргунг ҳар лаҳзада минг тухмат.

Ҳар лаҳза агар сўздин юз дурру гуҳар сочсанг,
Бир кўхна ҳазағ¹ чоғлиғ топмас эл аро киймат.

Гар киприк ила қозсанг юз тоза қудук, ондин
Сероби мурод ўлмок кўргузмагуси сурат.

Гўёки сени Тангри меҳнат учун этмиш ҳалк,
Йўқса санга ҳам элдек бермасму эди давлат?²

Гар ҳалқ жафосидин осудалиқ истарсан,
Тут дайри фано² ичра бир гўша аро хилват.

Ё Огаҳий янглиғ тут шаҳ даргахида маскан,
Даҳр аҳли³ жафосидин то кўрмагасен офат.

* * *

Лутф айлаб, эй пайки⁴ сабо, ҳолимни султонимға
айт,
Яъники, жоним дардини ишкида жононимға айт.

Хижрон тунида заррадек бесабру ором ўлғоним
Авжи латофатда юзи хуршиди тобонимға⁵ айт.

¹ Ҳазағ — сопол.

² Дайри фано — фоний дунё. Тасаввуфда ориғ ва авлиёлар давраси, мажлиси.

³ Даҳр аҳли — замона аҳли.

⁴ Пайк — элчи, хабарчи.

⁵ Хуршиди тобон — порлок куёш; мажозан: гўзал маҳбуба.

Шавк ўтиға парвонадек күйган күнгүлнинг ҳолини
 Ҳар тун бошиға эврулуб, шамъи шабистонимға¹
 айт.

Оху фигоним булбулу қумрини хомуш этканин
 Ул қомати сарву юзи гулбарги хандонимға айт.

Ман лол ўлуб кўрган чоғи бир сўз худ² айта
 олмоғум,
 Боре³ сан аҳволимни ул ошуби давронимға⁴ айт.

Эҳсони ўзга қул киби нечун манга вофир⁵ эмас,
 Йиғлаб бу кулнинг арзини шоҳи қадрдонимға айт.

Зинданни ғамдин Огаҳий топғай қачон озодлиғ,
 Лутф айлаб, эй пайки сабо, ҳолимни султонимға
 айт.

* * *

Хўблардин орзу меҳру вафо қилмок ғалат,
 Ул вафосизларға ўзни мубтало қилмок ғалат.

Гар жафо таркиға ваъда килсалар алданмагил —
 Ким, олардин бир нафас тарки жафо қилмок ғалат.

Айласанг юз жон фидо — бир айламаслар илтифот,
 Ул ситамгарларга нақди жон фидо қилмок ғалат.

¹ Шамъи шабистон — тунни ёритувчи шамъ; мажозан: ой юзли маҳбуба.

² Худ — 1) албатта, ҳакиқатан; 2) ёлғиз, факат; 3) ўзи, ўзгинаси; 4) худди, каби, дес.

³ Боре — бу ерда: энди.

⁴ Ошуби даврон — дунёга фитна солувчи, ҳаммани ўзига ошиқ қилувчи.

⁵ Вофир — мўл, кўп, бениҳоя, чексиз.

Одату ойинларидур¹ айламок жавру жафо,
Орзу ул хайлдин² лутфу ато килмок ғалат.

Дардманд ўлғон киши кирпикларининг нишидин,
Лаблари нўшидин уммиди даво килмок ғалат.

Ошнолардин тиларлар доимо бегоналиғ,
Ўзни ул бегоналарға ошно килмок ғалат.

Ўқ киби қоматларин чекмок тилаб оғуш аро,
Шавқ бозуси³ кучидин қадни ё қилмок ғалат.

Кўкка чиксанг ҳам күёшдек тушгосан ер остиға,
Иззу жоҳи⁴ даҳрдин кибру ҳаво килмок ғалат.

Огаҳий, назм ила сўзким назм аро фазл ахлиға⁵
Сен киби зоҳир⁶ каломи жонфизо килмок ғалат.

* * *

Эй окил, этма золи⁷ жаҳон бирла ихтилот⁸,
Билқасд⁹ килма қосиди¹⁰ жон бирла ихтилот.

¹ Ойин — 1) расм, одат; 2) йўл, йўрик.

² Хайл — 1) туда, гурух, тоифа; 2) эл, жамоа.

³ Бозу — билак.

⁴ Иззу жоҳ — иззат ва мартаба.

⁵ Ахли фазл — фазилат згалари, илму маърифат соҳиблари, донишмандлар.

⁶ Зоҳир — 1) куриниб турган, очик, ошкор, аён; 2) ташки кўриниш, сирт, юза.

⁷ Зол — кария (кампир, чол).

⁸ Ихтилот — алоқа, аралашниш.

⁹ Билқасд — касдан, атай.

¹⁰ Қосид — элчи, хабарчи.

Шак йўқтурурки, захридин охир бўлур ҳалок
Ҳар ғофилки, килса йилон бирла ихтилот.

Яхшидур ўлса яхши била мухталит¹ ёмон,
Яхши ёмондур этса ёмон бирла ихтилот.

Туз юрмак истасанг, коридин қочма, эй йигит –
Ким, ўқ борур туз этса камон бирла ихтилот.

Лек аҳли акл оллида муздин совукдуур,
Пири куҳанға² тоза жувон³ бирла ихтилот.

Ҳиммат агар баланд эса беваҳм қилғуси,
Мўру⁴ заиф шери жаён⁵ бирла ихтилот.

Етса мадад агар нафасе факт⁶ пиридин⁶,
Қилғуси пашша фили дамон⁷ бирла ихтилот.

Чин англаким, тамаъдур ўту обрў самон,
Ул ўтға берма ушбу самон бирла ихтилот.

Гар истар эрсанг икки жаҳон комин, Огаҳий,
Қилма замоне аҳли замон бирла ихтилот.

¹ Мухталит — аралашган, бирлашган.

² Пири куҳан — кекса, кария.

³ Жувон (жавон) — ёш.

⁴ Мўр — чумоли.

⁵ Жаён — даҳшатли, кўркинчли, газабли.

⁶ Факт⁶ пири — тарикат пири, муршид, раҳнамо.

⁷ Дамон — даҳшатли, кўркинчли.

* * *

Гар истар эрсанг, эй кўнгул, қиммок сани масрур
ганж,
Тутғил қаноат кунжиниким, ул эрур мавфур¹ ганж.
Гар окил эрсанг, сийму² зар жамъиға ғарра³
бўлмаким,
Faflat била кўп кимсани қилмишдуур магрур
ганж.
Килма ҳавас юз ҳирс ила ганж асрароқ афъи⁴ киби,
Коминг тўло заҳр айлабон жисминг қилур ранжур⁵
ганж.

Кўр шомити⁶ хиссатниу⁷ хосияти химматниким,
Корунғадур⁸ таҳтуссаро⁹, Мусоға¹⁰ фавқи тавр¹¹
ганж.

¹ *Мавфур* — фаровон, зиёд.

² *Сийм* — 1) кумуш; 2) кумуш танга, пул; 3) оқлик, оқбадан.

³ *Farra* — ғуурур, магрурлик.

⁴ *Афъий* — заҳарли илон.

⁵ *Ранжур* — дардманнд, эзилган.

⁶ *Шомит* — масхара қилиб кулуичи.

⁷ *Хиссат* — хасислик.

⁸ *Корун* — Мусо алайхиссалом даврида яшаган, ҳад-хисобсиз бойлигини хайрли ишларга сарфламай, хасисликда ном чикарган шахс. Бу такаббур кимсани охир-окибат бутун мол-дунёси билан бирга ер ютган. У Шарқ адабиётидаги ҳарислик ва хасислик тимсоли хисобланади.

⁹ *Таҳтуссаро* — ер ости.

¹⁰ *Мусо* — Мусо алайхиссалом. Қўлидаги таёкнинг илонга айланиши, чўнтағидан кўлинин чикарганида, ойна каби ялтираб, кўзларни қамаштириши унинг мўъжизаларидан хисобланади.

¹¹ *Фавқи тавр* — зоҳирий нарса, сурат.

Бу шукр учун бўл, эй ғаний¹, афтолаларға² дастгир³ –
Ким, давлатинг бозусини қилмис қавию зўр ганж.

Вайрон кўнгулларни карам ганжи била обод қил,
Гар истасанг Ҳақ лутфидин бўлғай санга маъмур
ганж.

Кўнглунг тут оғаҳлиғ била фосид⁴ хавотирдин
амон –
Ким, бўлғуси зоёв агар ғофил эсанг ганжур⁵ ганж.

Гар файзи маъни истасанг, дарвешлардин⁶
истагил –
Ким, бўлғуси албатта вайронлар аро маҳсур⁷ ганж.

Фош этма кўнглунг сиррини амн⁸ истасанг
оламдаким,
Кўб фитнага боис бўлур гар бўлмаса мастур⁹ ганж.

Ул юз тамошоси била кўзингни равшан айлаким,
Айлар назар килғон киши кўзига афзун нур ганж.

¹ Ганий — бой-бадавлат,

² Афтола — заиф, нотавон, бечора.

³ Даствир — ёрдамчи, кўлловчи, йўл кўрсатувчи.

⁴ Фосид — бузук, ножўя.

⁵ Ганжур — хазиначи.

⁶ Дарвеш — тасаввуф истилохотида изловчи, истовчи маъносини ифодалаб, сўфий, факир, ошик, ориф, соҳибдил, соҳибназар каби ўзини Ҳаққа бағишлилаган кипи-ларнинг тимсоли бўлиб келади.

⁷ Маҳсур — ихота қилинган, муҳофаза этилган.

⁸ Амн — тинчлик, омонлик, осойишталик.

⁹ Мастур — бу ерда: ёзилган, битилган.

Беганж иззат истама оламда маҳзи¹ фазл ила –
Ким, бу замона аҳлиға бўлмишдуур манзур ганж.
Гар хуш ўлса, сийму зар жамъ айламакдин қил
хазар –
Ким, тонгла² бўлғай сарбасар³ гўрингда мору⁴ мўр
ганж.

Амн истар эрсанг, Огаҳий, факру қаноат пеша қил –
Ким, нақд роҳатдин килур жоҳ ахлини⁵ маҳжур⁶
танж.

* * *

Йўқ манда факр кўйида гардунға эҳтиёж,
Бўлмас қаноат ахлида ҳар дунға⁷ эҳтиёж.

Ҳар одамеки, давлату химматға топди даст⁸,
Йўқтур анга ҳазинаи Қорунға эҳтиёж.

Ичканға факр Кулзумидин⁹ сув жаҳон аро,
Бўлғай качон Фурот¹⁰ ила Жайхунға¹¹ эҳтиёж.

¹ Маҳз — 1) холис, соф; 2) ёлғиз, факт, биргина.

² Тонгла — 1) эртага; 2) киёмат куни.

³ Сарбасар — бошдан-оёқ, бутунлай.

⁴ Мор — илон.

⁵ Жоҳ аҳли (жоҳ эли) — бойлар, мансабдорлар, юкори лавозимдагилар.

⁶ Маҳжур — айрилиб колган, маҳрум, йирок.

⁷ Дун — пасткаш, разил, ярамас.

⁸ Даст топмоқ — қўлга киритмоқ.

⁹ Кулзум — 1) денгиз; 2) Қизил дengiz.

¹⁰ Фурот — Ғарбий Осиёдаги энг катта дарё. Туркия, Сурғя ва Ирок худудларидан окади.

¹¹ Жайҳун — Амударё

Мажнун агарчи Лайлиға мухтождур, vale,
Лайлида ҳам топулғуси Мажнунға эҳтиёж.

Васл истар эрсанг, эт жигаринг конки, бўлғуси
Ишрат килурда бодаи гулгунға¹ эҳтиёж.

Мўйи сафиддур² сабаби тавбай гунох,
Ким ювса чирк³, бўлғуси собунға эҳтиёж.

Зоҳирни тузмак истасанг, эт ботинингни туз⁴,
Бўлғай иборат аҳлида⁵ мазмунға эҳтиёж.

Моли фузун агарчи эрур аҳли ҳирснинг⁶,
Афзунрок ондадур яна афзунға эҳтиёж.

Қонеъ⁷ гадоға ушбу жаҳон ичра йўқтурур
Мулки Кубоду⁸ жохи Фариудунға⁹ эҳтиёж.

Бешак муроди ҳосил ўлур сидки дил била –
Ким, арз қиласа кодири бечунға¹⁰ эҳтиёж.

¹ Гулгун — пуштиранг, кизил.

² Мўйи сафид — ок соч.

³ Чирк — кир, ифлос.

⁴ Туз — бу ерда: тўғри, рост, келиншган.

⁵ Аҳли иборат — шоирлар, адиллар.

⁶ Ҳирс аҳли — дунёга берилганлар, очкўзлар, тамагирлар, харислар.

⁷ Қонеъ — каноат килувчи, рози бўлувчи.

⁸ Кубод — кадимий Эрон шоҳларидан бири.

⁹ Фариудун (Африудун) — пешдодийлар сулоласига мансуб олтинчи подшоҳ. У адолат рамзи ҳисобланади.

¹⁰ Кодири бечун — ўхшashi, назири йўқ — Худонинг исм ва сифатларидан бири.

Назминг дурини, Огаҳий, базл¹ айлагил анга,
Хар кимда бўлса нуктаи мавзунга эҳтиёж.

* * *

Борди сабрим ул пари базм ичра ором айлагач,
Ақлу хушим кетти майли бодаву жом айлагач.

Жону кўнглум шавқ ўтиға ўртаниб, бўлди кабоб,
Очиб ўтлуғ юз, ўзини бодаошом² айлагач.

Зор кўнглум булбулин килди асиру мубтало,
Юзи гулзорида зулфи сунбулин дом айлагач.

Олди жоним сайдидин³ бисмилдек⁴ орому шикеб⁵,
Лаъли узра донаи холи била ром айлагач.

Кўнглума ортиб фараҳ⁶, жоним доғи⁷ қувват топар,
Чун шитоб айлаб бокиб юзимга дашном айлагач.

Ваҳ, не ҳол ўлғай экан ман хастағаким, ногахон
Лутф айлаб, лаълидин бир бўса инъом айлагач.

Хони васли неъматин қилма, кўнгул, кўб илтимос –
Ким, гадо мардуд⁸ ўлур албатта ибром⁹ айлагач.

Юз йил этса саъй етмас Каъбаи максудиға,
Етмади ҳар кимки онда қасди эҳром айлагач.

¹ Базл — 1) сарф, харж; 2) инъом, эксон.

² Бодаошом — майпараст.

³ Сайд — ов, шикор.

⁴ Бисмил — сўйиш, бўғизлаш.

⁵ Шикеб — сабр, тоқат, чидам.

⁶ Фараҳ — шодлик, курсандчилик

⁷ Доғи (даги) — яна, тағин.

⁸ Мардуд — рад килинган, инкор этилган.

⁹ Ибром — кисташ, зўрлаш, жонга тегиш.

Қоридим деб бўлма маъюс, Огаҳий, айлар йигит
Бир назар ҳолингға ул шўхи гуландом айлагач.

* * *

Ман лутф кўз тутарман, ул дилрабони кўргач,
Ул кўргузур жафолар ман мубталони кўргач.

Кўргач кўнгул қилур майл гисуи¹ тобдорин²,
Гарчи бўлур гурезон³ эл аждаҳони кўргач.

Тортиб фифону нола борғумдуур ӯзумдин,
Ҳар вакт ул кўзи шўх, коши карони кўргач.

Ҳар кеча йиғларимни ҳар кимки айб қилди,
Бўлди хижил ул ишдин ул маҳликони кўргач.

Ул бут⁴ жамолидин гар зоҳид қочар, тонг эрмас –
Ким, тушмағуси шабпар⁵ нуру зиёни кўргач.

Кўйи итини кўргач, юз айланиб ёлинғум,
Ул навъеким, ёлингой ит ошнони кўргач.

Масрур ўлурман ондин кўрсам жафою бедод,
Оё, не ҳолат ўлғай меҳру вафони кўргач.

Носиҳки⁶, манъим айлар майдин бўлуб муқаддар⁷,
Нодим⁸ бўлур май ичра мавжу сафони кўргач.

¹ Гису (гесу) — соч, зулф, кокил.

² Тобдор — бу ерда: ўрилган, буралган.

³ Гурезон — кочувчи

⁴ Бут — 1) санам; 2) маҳбуба.

⁵ Шабпар (шаппарак) — кўршалалак.

⁶ Носиҳ — насиҳаттўй.

⁷ Муқаддар — хафа, ғамгин.

⁸ Нодим — афсусланувчи, пушаймон бўлувчи.

Айб этманг Огаҳийни ҳам тоғ борғай ўздин,
Ул ҳурваш¹ паридин нозу адони кўргач.

* * *

Килиб бир жилва ақлим олдинг, эй шўх.
Дилу жонимға яғмо солдинг, эй шўх.

Не тонг, султонлиғ этсанг хўбларға –
Ки, яксар ҳусн мулкин олдинг, эй шўх.

Бориб Юсуф жаҳондин, ўрниға сан
Бу кун кўси² хилофат³ чолдинг, эй шўх
Итиқ⁴ килдинг чу нозу ғамза тифин,
Халойик қонлариға колдинг, эй шўх.

На ўҳшолди санга ҳусн ичра бир ёр,
На сан бир ёрга ўҳшолдинг, эй шўх.

Юзунгда лутф осори⁵ аёндур,
Магар жавр айламакдин толдинг, эй шўх.

Аён бир жилва айлаб Огаҳийнинг,
Бошиға не балолар солдинг, эй шўх.

* * *

Кўйидин айру кўнгулға боғи ризвондин⁶ на суд?⁷
Бўлмаса васли мұяссар хуру ғилмондин⁸ на суд?

¹ Ҳурваш — хурга ўҳшаган, гўзал.

² Кўс — кўнғирок.

³ Хилофат — халифалик.

⁴ Итиқ — тез, ўтқир.

⁵ Осор — белги, нишона, аломат.

⁶ Ризвон — жаннат.

⁷ Ғилмон — жаннатдаги хизматкор бола.

⁸ Суд — фойда, наф, манфаат.

Топмаса лаъли шаробидин агар сероблиғ,
Ташна жонимға зулоли оби ҳайвондин на суд?

Гар қуёшосо¹ юз очиб келмаса хижрон аро,
Тийра бўлғон шомима хуршиди тобондин на суд?

Нутки шаҳдидин жудо тўтийи табъим лол эрур,
То онга ул шаҳд етмай шаккаристондин на суд?

Лаълидин топмай табассум инбисотин² ғунчадек,
Тонг бўлғон кўнглума гулбарги хандондин на суд?

Гар тамошо қилмасам кўйида зебо қоматин,
Гулшани жаннат аро сарви хиромондин на суд?

Ёр васли гулшанининг айшидин ком олмағон
Ошики бечораға сайри гулистондин на суд?

Тийра гўр ичра бўлур чун манзил охир тийра хок,
Қасри Баҳроми³ аро тахти Сулаймон на суд?

Чун ўқубон ул пари қилмас амал мазмуниға,
Бас, санга, эй Огаҳий, тартиби девондин на суд?

* * *

Парда бирла қилмоғил хуршидруҳсорингни банд,
Гар десангким, айлайнин бу зарраи зорингни банд.

Истабон кўрмак жамолинг тун-кун ўлмиш бекарор,
Эй пари, мажнун кўнгулга қилма дийдорингни
банд.

¹ Қуёшоса — қуёшта ўхшаган, қуёш каби.

² Инбисот — ёилиш, ёзилиш.

³ Баҳром — сосонийлар сулоласига мансуб Эрон подшохи
Баҳром Гўр — 421–439 йилларда хукмронлик қилган.

Сўз эшитиб лабларингдин тоза-тоза жон топай,
Килма, жоно, нуктадин¹ лаъли шакарборингни²
банд.

Кўзларингким раҳм қилмай дам-бадам коним ичар,
Айла бир тадбир ила икки хунхорингни³ банд.

Ишқ кўйига чу кирдинг, эмди қилма, эй кўнгул,
Ўзинга бу кўй аро номус ила орингни банд.

Йўқ вафо бу боғ аро бир гулда, қилғил ноладин –
Булбули шайдо, онинг шавкида минқорингни⁴ банд.

Оғажий, дилсўз⁵ назмингни эшитса аҳли ишқ.
Бўйниға таъвиздек⁶ айларлар ашъорингни⁷ банд.

* * *

Бўлса ҳар одам қаноат нуридин равшанзамир⁸,
Улдуур иззат сипехри⁹ авжидаги мөхри мунир¹⁰.

Чун тамаъ бирла агар олдинг биравдин бир дирам,
То киёмат бегумон, билгил, онга бўлдинг асир.

Бир дирам ҳар кимга гар инъом қилдинг, то абад
Ул санинг маъмулинг¹¹ ўлди, сан онга бўлдинг амир.

¹ Нукта — нозик ва чукур маъноли сўз, хикмат.

² Шакарбор — шакар ёғдирувчи, шириңсўз.

³ Хунхор — кон тўкувчи.

⁴ Минқор — тумшук.

⁵ Дилсўз — жон куйдирувчи, жонкуяр.

⁶ Таъвиз — тумор.

⁷ Ашъор — шеърлар.

⁸ Равшанзамир — покдил, равшанфикр.

⁹ Сипехр — 1) осмон; 2) замон, дунё.

¹⁰ Мөхри мунир — порлок қуёш.

¹¹ Маъмур — мутеъ, итоаткор.

Жоҳ¹ учун оламда ҳар нокасга таъзим айлама,
Истамас эрсанг агар жуххоларо² бўлмок ҳакир.

Обрўйинг тўкма ҳар дам ҳар эшик туфрокиға,
Топмасанг бағрингға тиш беркит куруғ нони фатир.

Ҳожатингни иста ул соҳибарам даргоҳидин –
Ким, онинг муҳтожидурлар ҳам ғанию ҳам факир.

Кўрмайин десанг ики олам аро афтодалиғ,
Бўл кўлингдин келғуча афтодаларға дастгир.

Истасанг роҳат улусдин³, гўша тутким, ҳар гадо
Бордуур ӯз кулбасида бир шаҳи соҳибсарир⁴.

Боғлағил тоатға бел, майл этма эл таъзимиға,
Огахий, гар Ҳакка эрсанг бандай фармонпазир⁵.

* * *

Эй юзинг шавки танимдин олди жон, бир бўса бер,
В-эй лабинг завқи ичимни қилди кон, бир бўса бер.

Тобакай қаҳринг била ноком⁶ ўлайким, гаҳ-гаҳи
Тил учидин лутф этиб, очиб даҳон, бир бўса бер.

Ҳасталарға нўши лаълингдур равонбахш⁷ абад,
То топай ман ҳам ҳаёти жовидон, бир бўса бер.

¹ Жоҳ — 1) амал, мартаба; 2) давлат, бойлик; 3) буюклиқ, шавкат.

² Жұххол — жоҳиллар, нодонлар.

³ Улус — халқ, эл, омма.

⁴ Соҳибсарир — таҳт соҳиби, подшоҳ.

⁵ Фармонпазир — итоат қилувчи.

⁶ Ноком — максадига стмаган, маҳрум, маъюс.

⁷ Равонбахш — жонбахш.

Гар тани беморима бермак тиларсан тоза жон,
Жон киби кўксум аро айлаб макон, бир бўса бер.

Бўсаи лаълинг наботиға гар истарсан баҳо,
Мандин олиб ҳосили жону жаҳон, бир бўса бер.

Йўқса изҳор айлабон меҳру мурувват расмини,
Ман ғариби бедилингға¹ ройгон, бир бўса бер.

Лаҳза-лаҳза тўтийи табъимни гўё истасанг,
Шаккаристони лабингдин ҳар замон, бир бўса бер.

Шавқ ила завқимни афзун гар тиларсан ҳар нафас,
Ишваву нозу адо айлаб аён, бир бўса бер.

Жон топар ўлган таним бир бўса бирланким, агар
Бовар² этмас эрсанг, айлаб имтихон, бир бўса бер.

Ошкоро бўса бермакдин агар шарм айласанг,
Хилвате ичра келиб элдин ниҳон, бир бўса бер.

Огаҳий пиру³ заиф ўлмиш чекиб ишкинг юкин,
Истасанг они қавию навжувон⁴ бир бўса бер.

* * *

Келгил, эй ороми жон, олди карорим интизор,
Йўлим узра туфрок этти жисми зорим интизор.

Тун-кун афғонлар чекиб, эл ичра расво бўлмишам,
Қўймамиш ишкинг аро номусу орим интизор.

¹ Бедил — дилини бой берган, дилсиз, ошиқ, мубтало.

² Бовар — ишониш.

³ Пир — кари, кекса.

⁴ Навжувон — ёш, ёш йигит.

Ҳар дам оғзинг сиррию қаддинг хироми фикрида,
Айлади нобуд, билкул¹, йўку борим интизор.

Интизоринг торта-торта бўлмишам зору заиф,
Оҳким, охир менинг кетти мадорим интизор.

Айладинг куб ваъда лутфингдин мани шод этгали,
Рахм қилким, олғуси жони низорим² интизор.

Умрлардурким, вафойи ваъданг уммиди била,
Кечаю кундуз бўлубдур коруборим³ интизор.

Сарғайиб эл ичра манда юз қизиллик қолмади,
Қилди табдил⁴ ул ҳазонға бу баҳорим интизор.

Неча алвон ваъда бирла то манга бердинг фириб,
Тийрароқ оҳимдин этти рўзгорим⁵ интизор.

Оғаҳийни илтифотингдин агар шод этмасанг,
Бегумон ўлтургай они, эй нигорим, интизор.

* * *

Даҳр қасриким, ҳакиқатда кухан⁶ вайронадур,
Они ҳар ким маскан этмак истади девонадур.

Сақфида⁷ ер сарбасар ондин ёғар гарди хатар,
Амниятдин⁸ йўқ асар, вах, не ажаб кошонадур.

¹ Билкул — бутунлай, тамомила.

² Низор (назор) — озғин, заиф.

³ Корубор — ишлар, машгулликлар.

⁴ Табдил — ўзгартириш, алмаштириш.

⁵ Рўзгор — 1) давр, замон; 2) тақдир, кисмат; 3) турмуш, хаёт.

⁶ Кухан — эски, кўхна, қадими.

⁷ Сақф — 1) шифт, том; 2) осмон.

⁸ Амният — тинчлик, омонлик, хотиржамлик.

Фитна афвожи¹ онинг сокинлари қасди учун
Тортибон онда жафо тифин мудом айлонадур.

Онда ҳар шамъеки, равшан бўлғусидир кечалар,
Коврилиб ўз ёғига бошдин-аёғи ёнадур.

Шуълаи ҳирмон² аро чурконгусидур³ оқибат,
Онда роҳат шамъига ҳар жон куши парвонадур.

Они ғафлатда каю қушким нишиман⁴ айлади,
Ҳасрат ашкидин анга, билгилки, обу донадур⁵.

Ким онинг ахлиға бўлди ошно истаб вафо,
Тортибон турлук жафолар жонидин бегонадур.

Таркини онинг кишиким билди роҳат мужиби⁶,
Оlam ахли ичра они онглаким фарзонадур⁷.

Комига еткан киши тонг йўқ жаҳондин топмасанг
Ким, бу олам, Огахий, бир кўҳна ҳасратхонадур.

* * *

Ҳаётим боиси ширин тилидин бир такаллумдур⁸,
Нишотим⁹ мужиби рангин¹⁰ лабидин бир
табассумдур.

¹ Афвож — гурухлар, тўдалар.

² Ҳирмон — маҳрумлик, бебаҳралик, умидсизлик.

³ Чурконмоқ — куймок, ёнмок, ковурилмок.

⁴ Нишиман — уя, ин, ошён, макон.

⁵ Обу дона — сув ва дон.

⁶ Мужиб — сабаб, боис.

⁷ Фарзона — оқил, доно, донишманд.

⁸ Такаллум — сўз, нутк.

⁹ Нишот (нашот) — шодлик, хурсандчилик.

¹⁰ Рангин — бу ерда: гўзал, ширин.

Ўлумдин ман гадони ишқ дарди ичра қуткорғон
Ҳамул¹ хусн ахли шоҳи зоҳир эткан бир
тараҳхумдур.

Кўзум ёшин кўруб ҳижронда, тонг йўқ, келса
кулбамға –
Ки, раҳравнинг² далили кеча манзил сори
анжумдур³.

Ўлар ҳолатда топдим тоза жон мутриб⁴ навосидин,
Тилимда бу жиҳатдин шукри Ҳак доим
тараннумдур.

Хату холинг⁵ хаёли кирмаса кўз кўр бўлур бешак –
Ки, кўзинг эътибори мужиби мужтони мардумдур⁶.

Деса сўз муддай ҳар бобдин солма қулоқ ҳаргиз –
Ки, умрида онинг билган иши макру ташаъумдур⁷.

На сўрғунг зоҳид аҳволинки, онинг фикрию зикри
Такаббурдур, тафаръундур⁸, таҳашшумдур⁹,
таъаззумдур¹⁰.

¹ Ҳамул — шундай, ўша, худди ўзи.

² Раҳрав — йўловчи.

³ Анжум (нужум) — юлдузлар.

⁴ Мутриб — чолғувчи ва қўшиқчи, мұғаний.

⁵ Ҳол — тасаввуфда илохий зотнинг ягоналиги тимсоли, вахдат нұктаси. Йўқлик оламини хам англалади.

⁶ Мардум — 1) киши, инсон; 2) кўз корачиғи.

⁷ Ташаъум — шумлик, бадбаҳтлик.

⁸ Тафаръун — кибр, манманлик.

⁹ Таҳашшум — бойлик, давлат.

¹⁰ Таъаззум — улуғлик.

Танаъум¹ ахли бўлмок истасанг кил сидқ ила
хизмат,
Оларким қилди хизмат сидқ ила ахли танаъумдур.
Улусга олам ичра ҳосил этмоқ нон эмас осон –
Ки, боис чикколи фирмавсдин² одамға гандумдур³.
Эр эрсанг тут баробар чархнинг лутфу жафосини,
Йўқ эрса доимо элга ишинг арзи тазаллумдур⁴.
Агарчи хушдил ўлмиш Огаҳий анвои лутфингдин,
Вале, кўнглида онинг макри ҳосиддин⁵
таваҳхумдур⁶.

* * *

Даҳр бир майхонадурким, кулфат онинг жомидур,
Кўз ёши бирла кўнгул кони майи гулфомидур⁷.
Ҳар кишиким онда кирди ичмак истаб жоми айш,
Неча турлук ғусса захрининг қадаҳашомидур⁸.
Кимса не навъ ичкай онда амният сахбосини⁹,
Кўнглида доим ҳаводис шаҳнаси¹⁰ авҳомидур¹¹.

¹ Танаъум — баҳраманд бўлиш.

² Фирдавс — саккизинчи жаннатнинг номи.

³ Гандум — буғдой.

⁴ Тазаллум — шикоят, адолат исташ.

⁵ Ҳосид — ҳасадгўй.

⁶ Таваҳдум — вахимага тушиш, кўркиш.

⁷ Гулфом — гулранг, қизил.

⁸ Қадаҳашом — қадаҳ ичувчи.

⁹ Саҳбо — олий сифатли кизил май.

¹⁰ Шаҳна — посбон, коровул.

¹¹ Авҳам — вахмлар, кўркув.

Кимки, роҳат нўшидин бир катра ичти, то абал
Жонида юз дарду меҳнат нишининг оломидур¹.

Фурсати айшиға мағрур ўлмаким, андоқки барқ²,
Турфат ул-айнин³ онинг оғозию⁴ анжомидур⁵.

Умрлар гар хар ким онда комронлиғ⁶ айласа,
Оқибат максад васли комининг нокомидур.

Бўлмағил эмин⁷ замони ҳодисоти даҳрдин,
Гар жаҳон Искандари, гар худ фалак Баҳромидур.

Чораси йўқтур ҳаводиснинг магар сабр айламак –
Ким, бу иш ул дард доруий фараҳ фаржомидур⁸.

Огахий, тутғил фано кунжинки, даҳр андухидин,
Фориғ ул озодаким⁹ ул гўшада оромидур.

* * *

Юзунг авжи сабоҳатда¹⁰ маҳи анварға ўхшайдур,
Сўзунг хони малоҳатда тузу шаккарға ўхшайдур.

¹ Олом — дард, озор, ранж.

² Барқ — чақмок, чақин, яшин.

³ Турфат ул-айн — кўз очиб-юмгунчалик фурсат.

⁴ Оғоз — бошланиш, киришиш.

⁵ Анжом — оқибат, охир, поён, натижа.

⁶ Камрон — 1) баҳтиёрлик, максадга эришганлик; 2) қудратлилик, ҳукмронлик.

⁷ Эмин — тинч, осуда, ҳафсиз.

⁸ Фаржом — оқибат, натижа.

⁹ Озода — дунёвий боғликлардан кутулган, тарки дунё килган, жавонмард, дарвем.

¹⁰ Сабоҳат — оқлик, гўззалик.

Мусаффо кўйинг ичра жилва килгоч чехраи олинг,
Эрам¹ боғида очилғон гули аҳмарға² ўхшайдур.

Жамолинг бοғи ризвон — онда лаълинг ичра
ширин сўз
Тўла ёкут соғар шарбати кавсарға ўхшайдур.

Лабингким, жонфизолиғда нечукким чашмаи
хайвон,
Хатинг ул чашма узра Хизр пайғамбарга ўхшайдур.

Юзунгда печу хамлиғ³ кокулингнинг шакли ганж
узра,
Саросар⁴ ҳалқа урғон тоблиғ аждарға ўхшайдур.

Қошинг узра ики холинг биайниҳ⁵ Каъба токида,
Билолосо⁶ биридур ҳам бири Қамбарға⁷ ўхшайдур.

Мунаввар чеҳранг узра кўзларинг ислом мулкида
Таваттун⁸ айлаган котил ики кофарға⁹ ўхшайдур.

¹ Эрам бοғи — афсонавий гўзал бοғ. Уни Ямандаги Од кавмининг хукмдори Шаддод ер юзида жаннат яратиш даъвоси билан барпо этган эмиш.

² Аҳмар — кизил.

³ Печу хам — эгилган, буралган; мажозан: ранжу азоб.

⁴ Саросар (сартосяр) — бопидан-оёқ.

⁵ Биайниҳ — худди ўзи, айнан, бамисоли.

⁶ Билолосо — Билол каби. Билол — ислом тарихидаги биринчи муazzин. Баланд, ширали, таъсири овозга зга бўлган, асли ҳабашистонлик. Мухаммад алайҳиссаломга бир неча йил муаззинлик килган (вафоти — 641).

⁷ Қамбар — Ҳазрат Алиниң жиловдори.

⁸ Таваттун — жой олмоқ, макон тутмоқ.

⁹ Кофар — кофир.

Кўз атрофида мужгонинг улусни катл қилмокға
Ҳамул қотиллар илгидаги итик ханжарға ўхшайдур.

Тонг эрмас, Огахий, аҳли жаҳон шеърингға майл
этса,
Нединким, хар сўзунг назм ичра бир гавҳарға
ўхшайдур.

* * *

Дедим ул шўхға: Ишқингда хаста жони зоримдур,
Деди: Онинг давоси нўши лаъли шаҳдборимдур¹.

Дедим: Тинмай чекар кўнглум dame оҳу фифон,
эй гул,
Деди: Ул андалиби² зору бесабру қароримдур.

Дедим: Нури тажаллий³ айлади кўнглум уйин
равшан,
Деди: Фикри шуоъи⁴ партави меҳри узоримдур.

Дедим: Жоним уйин қилдинг хароб, эй хўблар
шохи,
Деди: Мулкимдур, они ҳарна қилсан ихтиёrimdур.

¹ Шаҳдбор — шакар тўкувчи, ширин.

² Андалиб — булбул.

³ Тажаллий — кўриниш, жилваланиш. Ғайбдан келадиган ва калбда намоён бўладиган илохий нур ва сирлар. Ҳак таоло ҳамиша ҳамма ерда турли даражада тажаллий этади.

⁴ Шуоъ — нур, шуъла.

Дедим: Бу кеча тушда қилмишам афлок¹ сайрини,
 Деди: Таъбири тавфи² даргахи рифъат³
 мадоримдур.

Дедим: Мен бенавони базми васлингдин даме шод
 эт,
 Деди: Ҳамсухбат ўлмок сан киби мискинга
 оримдур.

Дедим: Шаҳди лабингдин лутф ила бир бўса кил
 инъом,
 Деди: Бу кисмати ушшоқи⁴ сохибэътиборимдур.

Дедим: Ҳар дам рақибингдин етар жонимға юз
 озор,
 Деди: Ман гул эруман, ул манинг теграмда
 хоримдур.

Дедим: Ҳар дам нединдур Оғаҳийға лутфу эхсонинг,
 Деди: Боре⁵ ғами ишким чекарда устуворимдур.

* * *

Кишиким, факт кўйида талағори қаноатдур,
 Замирига⁶ онинг макшуф⁷ асрори қаноатдур.

¹ Афлок — фалаклар, осмонлар.

² Тавф — айланиш, зиёрат

³ Рифъат — баландлик, юксаклик.

⁴ Ушшоқ — ошиклар.

⁵ Боре — бу ерда: хеч бўлмаса, лоакал, ҳар холда.

⁶ Замир — 1) дил, кўнгил; 2) ўй, фикр, хаёл.

⁷ Макшуф — очилган, кашф килинган, маълум.

Кудуроти¹ тамаъдин нуқта янглиғ тийралик кўрмас,
Бироким, дилнишини² хатти паргори³ қаноатдур.

Мазаллат⁴ ўқларидин ул диловар⁵ бўлғуси эмин –
Ки, олам размгоҳида⁶ сардори қаноатдур.

Қуёшдек авжи иззатда қилур ул покдил маскан –
Ки, онинг тийнати⁷ миরъоти⁸ анвори⁹ қаноатдур.

Бу маҳфил¹⁰ ичра роҳат нашъасидин ком олур доим
Кишиким, журъянўши¹¹ жоми саршори қаноатдур.

Етушкай тезрок максад сарҳаддиға ул солик¹² –
Ки, манзилгоҳи онинг авжи кўҳсори¹³ қаноатдур.

Кўнгул, ҳар кимсаниким, хоксori дарбадар кўрсанг,
Якин билгилким ул, албатта, безори қаноатдур.

Азиз ўлмок агар истар эсанг аҳли жаҳон ичра,
Қаноат айлаким, ул рутбаосори¹⁴ қаноатдур.

¹ Кудурот (*кудурат*) — 1) губор, хирадлик; 2) ғам, қайғу.

² Дилнишин — дилга ёқувчи.

³ Паргор — циркуль.

⁴ Мазаллат — хорлик, бечоралик.

⁵ Диловар — ботир, қаҳрамон, жасур.

⁶ Размгоҳ — кураш майдони.

⁷ Тийнат — хулқ, табиат, яратилиш.

⁸ Миръот — кўзгу, ойна.

⁹ Анвор — нурлар, ёруғликлар.

¹⁰ Маҳфил — мажлис, анжуман, базм.

¹¹ Журъянўши — оз-оз ичувчи.

¹² Солик — тарикат йўлига кирган ва Худо сари сайр килаётган киши.

¹³ Кўҳсор — тоғлик жойлар.

¹⁴ Рутбаосор — мартаба белгиси, даража нипонаси.

Биҳамдиллаҳ¹, азизу комёбу комгор² ўлмиш,
Ҳамоғуш Огаҳийға токи дилдори қаноатдур.

* * *

Келдилар карам айлаб қулбам ичра жононлар,
Ҳар бириси жонимдин ҳам азиз меҳмонлар.

Тийра шоми ҳижроним равшан эттилар кундек
Юзларин очиб ҳар ён неча мөхи тобонлар³.

Гулшан эттилар базмим равзаи⁴ Эрам янглиғ,
Орази гулидин ул рашики хуру ғилмонлар.

Ўлтуруб, куруб ҳалқа ичкали майи ишрат,
Бердилар қадаҳларға мажлис ичра давронлар⁵.

Нўш этиб неча соғар, ҳар бири бўлуб сархуш,
Бода тобидин очти юзлари гулистонлар.

Мастлик била ўйнаб, бир-бирига дахл айлаб,
Қилдилар такаллумдин лабларин дурафшонлар.

Келтуруб тўла соғар манга ҳам дедилар: «Ич!»
Ман дедим ибо айлабким: «Мани кўюнг жонлар!»

Дедилар ибо қилмай: «Бодани сумургилким,
Кулға иш қабул этмак не буюрса сultonлар».

¹ Биҳамдиллаҳ — Худога шукр.

² Комгор — максадига етган, баҳтли, саодатли.

³ Мөхи тобон — чараклаган ой; мажозан: гўзап маҳбуба.

⁴ Равза — 1) бօғ; 2) жаннат.

⁵ Даврон — бу ерда: айланиш.

Ложарам¹ ичиб бода ман оларнинг илгидин,
Кеча тонггача килдим ишрати фаровонлар.

Улчаким, эди комим айшдин бўлуб ҳосил,
Қолмади яна андак кўнглум ичра армонлар.

Огаҳий, бу ажзингким, бор санга ҳануз, оздур
Қилса ҳўблар шоҳи неча лутфу эҳсонлар.

* * *

Ул ой рухсориким, ондин хама олам мунавардур,
Латофат осмони авжида хуршиди анвардур.

Ўрулган икки зулфи жону кўнглум қасдин этмакда,
Саросар жисми печу тоб² топқан икки аждардур.

Мусаффо тишлари кулгу чоғи лаъли лаби ичра,
Дурахшон ҳуккай³ ёкут аро покиза гавҳардур.

Юзу зулфиға то килди назар девоналиғ айлаб,
Гули аҳмар яко чоку паришон сунбули тардур⁴.

Хиромон қоматиға гулшан ичра кўргузур таъзим,
Дема ел бирла мойил ҳар тараф сарву санавбардур⁵.

Кўзиким қасди жон эткуси мужгону қоши бирла,
Кўлига ўку ё олғон ситам қилғучи кофардур.

¹ Ложарам — албатта, шубҳасиз.

² Печу тоб — эгик, букик, хам.

³ Ҳуққа — кимматбахо тошлар солиб кўйиладиган қутича.

⁴ Сунбули тар — яшнаган ва тароватли сунбул.

⁵ Санавбар — арчасимон тик ўсадиган дарахт; мажозан: маъшуканинг тик, келишган қомати.

Мани бемор ўлар ҳолатға еткенда ики лаълин,
Сүруб билдим, оларнинг бири шаккар, бири
кавсардур.

Агарчи Юсуф аҳли ҳусн султону азизидур,
Нигорим оллида лекин ғулому хору камтардур.

Ул ой васфида ҳар кун Огахий шеъри топар рифъат,
Куёшдек боши ондин чарх авжиға баробардур.

* * *

Эй жони ғамгин, муждаким, бу кеча жононинг
келур,

Ғунчадаҳону¹ гулбадан сарви хиромонинг келур.

Мехру вафо расмин тузуб, жавру жафо таврин
бузуб,
Шириң табассум кўргузуб, лаъли дурафшонинг
келур.

Хинги² саодат маркаби³, себи⁴ латофат ғабғаби⁵,
Боғи малоҳатда лаби гулбарги хандонинг келур.

Онглаб ғамида мотаминг, бўлмокка бу тун
ҳамдаминг,

Ёрутғоли шоми ғаминг шамъи шабистонинг келур.

Дарди дилингни сўрғали, сориғ юзингни кўргали,
Дамсоз⁶ ўлуб ўлтурғали ёри қадрдонинг келур.

¹ Ғунчадаҳон — ғунчаогиз.

² Хинг — бўз от, кулранг от.

³ Маркаб — от, улов.

⁴ Себ — олма.

⁵ Ғабғаб — ияқ, бағбака.

⁶ Дамсоз — ҳамдам, ҳамдард, улфат.

Гар дардидин ўлсанг не ғамким, бу кеча айлаб
карам,
Ширин лабу жонбахш дам Исойи давронинг келур.

Бору йўкингни шоду хуш олдида қилғил пешкаш –
Ким, ул Азизи мисрваш¹ иззатли султонинг келур.

Йиллар ўтуб ул сиймбар² олмас эди сандин хабар,
Гўё бу тун айлаб асар кўнглиға афғонинг³ келур.

Жисминг килиб хоки раҳи⁴ жон ичра ер бер,
Огаҳий –
Ким, бу кеча хўблар шаҳи бўлмокқа меҳмонинг
келур.

* * *

Кулбама келган карам айлаб бу кун жонон эрур,
Йўқса жисми нотавоним ичра кирган жон эрур.

Юсуфи Мисрий анга гар қуллук этса, тонг эмас –
Ким, бори олам аро хусн аҳлиға султон эрур.

Беникоб ул маҳлиқони токи кўрди ҳар кеча,
Инфиолидин⁵ куёш ер остида пинхон эрур.

¹ Азизи Миср — Юсуф алайҳиссалом. Маълумки, мисрлик савдогарларга ўгай акалари томонидан арзимас пулга қул килиб сотилган Юсуф охир-окибатда Миср султони даражасига эритади.

² Сиймбар — кумушбадан, окбадан; мажозан: гўзал маъшука.

³ Афғон — нолалар, фигонлар, фарёдлар.

⁴ Хоки раҳ — оёқ ости тупроғи.

⁵ Инфиол — ҳаяжонланиш, хижолат тортиш.

Они күрганлар пари ё хур дерлар, ё малак,
Хеч ким дей олмағай ҳаргиз онга инсон эзур.

Ер тутуб гулгун узори узра мушкин холлар,
Үйлаким, гул сафхаси узра абирафшон¹ эзур.

Чун латофатлиғ лабин боғ ичра күрди ғунчалар,
Хар тарафдин оғзини очиб, онга ҳайрон эзур.

Лутф этиб, бу кун келиб холингни сүрди дилбаринг,
Огахий, эмди санта ўлгунча не армон эзур.

* * *

То бўлмишам бу олам аро ошнойи умр,
Чекмакдуур ишим кеча-кундуз жафойи умр.

Эй дилрабо, дегунг, тиласанг васлим, айла сабр,
Сабр айламакка бўлмаса, найлай, вафойи умр.

Бир лутф бирла айлагил ободким, манга
Ғам сели бирла мунҳадим² ўлди бинойи умр.

То келмишам жаҳонға адам хобгоҳидин³,
Мажжури роҳат этди мани ибтилои⁴ умр.

Ҳар лаҳза неча мунгға бўлур мубтало бопим,
Йўқтур жаҳонда ман киби чеккан балойи умр...

Ҳам қаррилиғ кудурати, ҳам даҳр қулфати,
Ваҳ, найлайнинки, кўймади, манда сафойи умр...

¹ Абирафшон — абир сочувчи. Абир — сандал, гулоб, мушк ва заъфарондан тайёрланадиган қора рангли хушбўй модда.

² Мунҳадим — вайрон бўлган, ҳароб бўлган.

³ Хобгоҳ — ухлаш жойи, ўрин, ёток.

⁴ Ибтило — мубталолик, балога гирифткор бўлиш.

Үзни жудо кил, Огахий, ташвиши дахрдин,
Ондин бурунки, дахр аро бүлғунг жудойи үмр.

寒 霜 雪

Кишиким толеи фархундаву бахти хумоюндур¹,
На ишким қылса мақбулу на сүзким деса
мавзұндур.

Мусалламдур анга зухду² фану факт атвори –
Ки, олдиға на келса розиу масрүру мамнундур.

Хакикатда гадо андок муаззаз³ подшохдурким,
Мукассир⁴ фарши⁵ ер сатхи, мухақкар⁶ касри
гардундур.

Хазар кил, эй ғаний, бўлма ҳарис амвол⁷ жамъига —
Ки, бўлғай зиллати⁸ Қорунға боис ҳирси Қорундур.

Такаббур бодасин ичмақдин эъроз⁹ айлаким,
шайтон

Бу май кайфиятидин то абад мардуд мальундуру.

¹ Хумоюн — күтлүг, муборак.

² Зүхд — дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш.

³ Муаззаз — иззатли, хурматли.

⁴ Мұқассир — нұксонли.

⁵ *Фарш* — тұшак, гилам, палос.

⁶ Мұхаққар — 1) ҳакир, арзимас; 2) кичкина.

⁷ Амвол — молу мүлк, бойлик.

⁸ Зыллат — хорлик, тубанлик, пастлик.

⁹ Эърэз — кочиш, узоклашиш, ўзини узок тутиш.

¹⁰ Офариниш — 1) яратилиш, вужудга келиш; 2) борлик, коинот.

¹¹ Важин — тескари, чаппа.

Бу гулшан сайрин этсанг, босма густохона¹
 түфрокни –
 Ки, ҳар гом² остида бир пайкари³ озода мадфундур⁴.
 Неча доно эсанг ҳам урма ғайб асроридин дамким,
 Онинг фикрида ожиз юз Арасту⁵ минг
 Фалотундур⁶.

Агар мухтож эсанг, ҳожатраволиғ иста ул шаҳдин –
 Ки, шаҳлар оллида онинг гадойи зору маҳзундур.

Тонг эрмас, бўлмасам бир лаҳза ҳосид макридин
 ЭМИН –
 Ки, шайтондин адоват тоабад одамға макрундур⁷.

Бори ҳалқ ўлса душман Огахийға заррача ғам йўқ –
 Ки, онинг ҳомию ғамхораси⁸ Халлоқи бечундур.

* * *

Манга лаълинг зулолин берсанг, эй дилбар,
 муносибдур –
 Ки, бермак ожиз ўлғон хастага шаккар муносибдур.

¹ Густохона — андишасизлик, адабсизлик билан.

² Гам — қадам, одим, оёқ.

³ Пайкар — 1) жусса, вужуд; 2) юз, чехра; 3) сурат, шакл.

⁴ Мадфун — 1) кўмилган, дағн қилинган; 2) яширилган; 3) ҳазина.

⁵ Арасту — буюк юонон файласуфи Аристотель (милоддан аввалги 384–322).

⁶ Фалотун (Афлотун) — қадимги юонистонлик машхур файласуф Платон (милоддан аввалги — 428–348).

⁷ Макрун — яқин, пайваста, восил.

⁸ Гамхора (ғамхор) — ғамхур, меҳрибон.

Етур комимга васлинг базмида лаълинг
 зулолидин —
 Ки, жаннат аҳлиға ичмак майи кавсар муносибдур.
 Юзинг наззорасидин элга бўлмиш қокилинг монеъ,
 Бу ёнглиғ ганж ҳифзиға¹ бу навъ аждар
 муносибдур.

Узорингға қулоқинг гавҳаридин ортадур зийнат,
 Кирон² ул меҳрға³ қилмок бу саъд ахтар⁴
 муносибдур.

Сўзинг шавқида ман ўлдим, чу сандурсан Масихи
 вакт,
 Мани тиргузсанг айлаб нутқи жонпарвар
 муносибдур.

Чу хусн аҳли шаҳисан — бўлса базми хосингга
 мендек
 Надими шоири махсус донишвар⁵ муносибдур.
 Карам қилким, висолинг боғи ичра ишқи печондек
 Белинг кучмок мани зорингға сартосар
 муносибдур.

¹ Ҳифз — саклаш, муҳофаза қилиш.

² Кирон — икки сайёранинг бир бурҷда тўқнаппуви. Ўтмиш мунажжимлари сайёralарни саъд (баҳт келтирувчи) ва наҳс (бадбаҳтлик келтирувчи) деб иккига ажратишган — гўё одамларнинг баҳтли ёки баҳтсиз бўлиши уларга боғлиқ эмиш.

³ Меҳр — қуёш, офтоб

⁴ Ахтар — юлдуз.

⁵ Донишвар — оқил, доно, донишманд.

Неча вақт ўлдиким, жоми тараб¹ маҳмуриман²,
Эмди
Мани маҳзунға тутсанг, соқиё, согар муносибдур.
Кам этма Огахийга шафкатингким, шохи
Лутфингдин,
Ҳамиша хуррам ўлмоқ бандар камтар муносибдур.

* * *

Эй кўнгул, одам хаёл айлаб, дема нодонға сўз,
Чунки ул инсон эмас, топсанг дегил инсонға сўз.
Сўздур инсон кўнглида бир гавҳари кийматбахо,
Они хор этма дебон ҳар хуши йўқ ҳайвонга сўз.
Вах, на янглиғ билгуси ҳайвон гуҳарнинг кадрини –
Ким, топар ҳаз етса ул кунжораю сомонға сўз.
Сўзни мағхум³ айламак нофаҳмга мушкулдуур –
Ким, бўлуб сўз ахли бағри кону ботғой конға сўз.
Сангдил⁴ жоҳилға, тонг йўқ, сўз агар қилмас асар,
Чунки таъсир айламак мумкин эмас сандонға сўз.
Ҳар хасосатшевага⁵ сўзингни зоеъ қилмағил,
Сўз демак истар эсанг, де сохиби эҳсонға сўз.

¹ Тараб — шодлик, хурсандчилик, айш-ишрат.

² Маҳмур — масть, хумор. Маҳмурлик — бехудлик мартабаси.

³ Мағхум — англанган, тушунилган.

⁴ Сангдил (сангиндил) — кўнгли каттиқ, бағритош, бераҳм, ситамгар.

⁵ Хасосатшева — нокаслик, тубанликни касб қилиб олган.

Билмаган ўз қадрини не билгуси сўз қадрини,
Ҳайфдур, доно демак нодони беирфонға¹ сўз.

Аҳмак ахли билмагай сўз ичра ўз беҳбудини²,
Ўзига килғай зарар охир чекиб ҳазёнға³ сўз.

Сўз кабул уммиди бирла демагил ҳосидғаким,
Одами маъқул эта олғай қачон шайтонға сўз.

Рахм этиб сўз холиға, жоҳилға они демагил –
Ким, бўлуб безор ондин келгуси афғонға сўз.

Оlam ичра борча ишдин коттиғу душвордур,
Огаҳий, маъқул қилмок беҳаё нодонға сўз.

* * *

Нозанинлардур санга, эй сарвиноз,
Ишқбозу⁴ ишқбозу ишқбоз.

Рахм кил — ҳажринг ўти келди басе⁵
Жонгудозу⁶ жонгудозу жонгудоз.

Илтифотинг айлагил аҳволима
Чорасозу чорасозу чорасоз.

Лутф этиб, ушшоқ аро қилғил мени
Сарфарозу сарфарозу сарфароз.

¹ *Беирфон* — билимсиз, маърифатсиз.

² *Беҳбуд* — яхшилик, хушхоллик, саломатлик.

³ *Ҳазён* — сафсата.

⁴ *Ишқбоз* — ишқка берилган, ошиқ, мубтало.

⁵ *Басе* — кўп, бениҳоя.

⁶ *Жонгудоз* — жонни қийновчи, азоб берувчи.

Муддаилар сухбатидин айлагил
Эҳтирозу¹ эҳтирозу эҳтиroz.

Ишқинг ичра йўқтуур ман зордек
Покбозу² покбозу покбоз.

Кўб бўлуб жавринг мани дилхастаға,
Лутфинг озу лутфинг озу лутфинг оз.

Қилди ишқинг хайли сабрим мулкига
Турктозу³ турктозу турктоз.

Ҳажр аро субхимни килмай шомдин
Имтиёзу⁴ имтиёзу имтиёз.

Мутрибо, созингни овозинг била
Айла созу айла созу айла соз.

Кўр ниёзин⁵ Огаҳийнинг, раҳм қил,
Килма нозу қилма нозу қилма ноз.

* * *

Навбаҳор айёми бўлса ҳар ким айшу боғсиз,
Лоладек бир лаҳза ғамдин кўнгли эрмас доғсиз.

Кимса бўлса боғу бўстонсиз агар фасли баҳор,
Ўйла нахледурки, булғой шохаю яфроғсиз.

¹ Эҳтироз — сакланиш, ўзини четта олиш.

² Покбоз — пок ишк соҳиби, беғараз ошиқ.

³ Турктоз — ҳамла, талон-торож, горат.

⁴ Имтиёз — бу ерда: фарқ, тафовут.

⁵ Ниёз — 1) эҳтиёж, мухтожлик; 2) ялиниш, ёлвориш, илтижо; 3) аташ, назр қилиш.

Ҳар кўнгулким, боф аро ишрат майдин шод эмас,
Машъаледурким, ёруғлик йўқтур онда ёғсиз.

Ҳар киши кошонасиким, бўлмаса боғи онинг,
Ёз айёмида бир дўзахдуур учмоғсиз¹.

Бордуур қишини совуқроқ сухбатин гарм²
айламак,

Ёз фасли ёр бирла уйда боғу роғсиз.

Ўйла сел оқизди кўздин боф айши-ишрати –
Ким, топилмас рубъи маскун³ ичра ер бутроғсиз⁴.

Гарчи ёрмоксиз⁵ киши эрмас кишилик сонида,
Боғсиз ўлғондин аммо яхшидур ёрмоғсиз.

Ўлса хористон⁶, не тонг, бечора булбулға ватан –
Ким, жаҳон боғида ер йўқтур хужуми зоғсиз.

Кулбай вайронда тонг йўқ, Оғаҳий, бўлса малул⁷ –
Ким, эмастур доғсиз кўнгли замоне боғсиз.

* * *

Нозу карашма боғининг сарви равони сизмусиз?
Ошики хаста жисмининг роҳати жони сизмусиз?

¹ Учиоқ (учмоғ) — жанинат.

² Гарм — иссиқ, қайнок; кизғин, жўшқин.

³ Рубъи маскун — ер шарининг ахоли яшайдиган қуруклик кисми.

⁴ Бутроғ — балчик, ботқоклик.

⁵ Ёрмок — пул, танга.

⁶ Хористон — тиканзор.

⁷ Малул — ранжиган, озор чеккан, хафа.

Куллугингизға фахр этар кўйингиз ичра хўблар,
Кишвари¹ хусн тахтининг шохи жаҳони сизмусиз?

Фамза ўқини ёшурун отибон айлаган аён,
Кўксимиз узра ҳар тараф неча ярони сизмусиз?

Ғарқаи ҳайрат айлаган кўзларимизни кўзгудек,
Кўргузубон карашмаю нозу адони сизмусиз?

Зор кўнгулни бир ниҳон дарду фигонға келтуур,
Рост денгизки, боиси дарди ниҳони сизмусиз?

Мехру вафони кўргузуб ўзга улусға дам-бадам,
Бизга ҳамиша қилғучи жавру жафони сизмусиз?

Шафқату илтифотни бизга кам айлабон басе
Ўзгага вофир айлаган лутфу атони сизмусиз?

Еткуубон ракибға васлу нишоту айшни,
Бизга ҳавола айлаган дарду балони сизмусиз?

Ишқ ўти ичра Оғаҳий кечаю кундуз ўртанур,
Упбу ўт ичра бу сифат ўртаган они сизмусиз?

* * *

Токи ул қотилғадур сандон² кўнгул, хунхор кўз,
Жавру зулмидин манга вайрон кўнгул, хунбор³ кўз.

Кўз юзин кўргач, кўнгул борди анго юз шавқ ила,
Ишқ йўлида магар султон кўнгул, сардор кўз.

¹ Кишвар — вилоят, ўлка, иклим, мамлакат.

² Сандон — темирчиликда ишлатиладиган темир тўнка.

³ Хунбор — кон йиғловчи.

Келса ул шаҳ, қилғуси бошу аёқига онинг
Жониму ашким дурин қурбон кўнгул, исор кўз.

Дарди ишқимни на янглиғ ёшурайким, халқ аро
Тутса айлар нечаким пинҳон кўнгул, изҳор кўз.

Васл субхин тутмоғил кўз токи ишқ ичра санга
Бўлмағунча ҳар кеча нолон кўнгул, бедор кўз.

Бўлма кўб дилтанг, ўзинг дилдор кўйиға етур –
Ким, бўлур солса агар шодон кўнгул, дилдор кўз.

Беадаб том урма бу данит узраким, осудадур
Ҳар қадам остида бепоён кўнгул, бисёр кўз.

Оқил эрсанг қил тааммулким¹, жаҳон раъносига
Бермаку олмоқ эрур осон кўнгул, душвор кўз.

Очмади юз шоҳиди ком² Огаҳийға нечаким,
Бўлди тортиб интизорин кон кўнгул, нокор³ кўз.

* * *

Эй чучук лаълинг зулоли оби ҳайвондин лазиз.
Балки лаззат яхшиликда шарбати жондин лазиз.

Билмайин сўрғоч лабингдин шарбати қайфиятин,
Англадим эркан фузун аъдоду⁴ имкондин лазиз.

Гарчи Исо нуткидин топғай ўлук жон лаззатин,
Лек жонпарвар сўзунг юз қатладур ондин лазиз.

¹ Тааммул — чукур ўйлани, фикрлаш.

² Шоҳиди ком — мақсад гўзали.

³ Нокор — ишсиз, бекор.

⁴ Аъдод — адад, сабок, хисоб.

Эй ғаний, ҳалвони таъриф этмаким факт аҳлиға¹,
Тортибон меҳнат топиб эрмас еган нондин лазиз.

Гар карим эрсанг даме эҳсон этардин чекма қўл –
Ким, карам аҳлиға йўқ ҳеч неъмат эҳсондин лазиз.

Огаҳий ёзди лабинг васфини то девонига,
Топмагай сўз ҳеч ким жуз² ушбу девондин лазиз.

* * *

Қўюбман то тааллук³ маҳбаси⁴ ичра қадам ёлғуз,
Чекарман ҳар нафас ғам шаҳнасидин минг ситам
ёлғуз.

На бор бир ёри ғамхорим, на дилдори вафодорим,
Етупса даҳрдин чеккум агар юз бор ғам ёлғуз.

Ғами бекаслик⁵ андок еттиким, ифрат⁶ ила ҳар тун
Тўкардин аник кўзда қолмади бир қатра нам ёлғуз.

Замоне айтишиб, ҳолимни йўқ мунглашгудек
хамдам,
Ура олмон ичим дард ўтидин гар ёнса дам ёлғуз.

¹ *Факт аҳли (факт эли)* — факт макомига мансуб кишилар; сўфийлар.

² *Жуз* — бўлак, бошқа, ўзга.

³ *Тааллук* — дунё ва нафста боғликлик.

⁴ *Маҳбас* — ҳибс, банд, кайд.

⁵ *Бекас* — ёлғиз, ғариб, кимсасиз.

⁶ *Ифрат* — ҳаддан ошиш.

Кипим йўқ олғони хуну¹ дият² катл этсалар ногах,
Кипи ман ёнглиғ үлғон топилур оламда кам ёлғуз.

На сўрғунг ушбу меҳнатхонада³ ёлғуз кипи холин –
Ки, бўлғай заҳри коми ичра ичса жоми Жам ёлғуз.

Бори илму хунар ичра эса ҳар нечаким доно,
Замон аҳли аро бўлмас замоне муҳтарам ёлғуз.

Жаҳон бозори ичра накди андок бўлғуси зоеъ –
Ки, тутмас бир пул ўрнин харж қиласа минг дирам
ёлғуз.

Эл ичра обрў топмок тилаб сарф этса амволин,
Бўлур беобрўлик бирла элга муттаҳам ёлғуз.

Агар бу эса ёлғузлиқ ғамиким ман чекибдурман,
Илохий, бўлмасин оламаро куфр аҳли ҳам ёлғуз.

Тааллук таркин айлаб, эмди тутғил ўзни осуда,
Қачонға тегру⁴ чеккунг, Огаҳий, мунча алам ёлғуз.

* * *

Кўнгул бир баҳри заҳхору⁵ андадур покиза гавҳар
сўз,
Вале шарт улки, маъни шоҳидиға⁶ бўлса зевар сўз.

¹ Хун — кон.

² Дијат — хунбахо, бирорни ўлдирганлик учун тўланадиган кон баҳоси.

³ Меҳнатхона — мусибат уйи, ғамхона, яъни бу дунё.

⁴ Тегру — ... гача, ... га кадар.

⁵ Баҳри заҳхор — лиммо-лим дентиз.

⁶ Шоҳид — бу ерда: гўзал, маҳбуба.

На мушкул дард эрурким, бир сўзимни айламас
бовар,
Ва лекин бовар айлар муддаийлар гар деса хар сўз.

Хамуш ўлсам, тонг зрмас, ёр лутфи шаҳдидин
айру –
Ки, тўти айта олмас гар эса маҳжур шаккар сўз.

Сўзиға бок агар билмоқ тиларсан кимса аҳволин –
Ки, асрори нихони суратиға келди мазҳар¹ сўз.

Ажаб эрмас, сўзим гар бовар этмас ҳосиди жоҳил –
Ки, такзиб² этгуси Бу Жаҳл³ агар деса паямбар сўз.

Дебон ғафлат элига панд зоеъ килма сўзниким,
Эшитмок мумкин эрмас гар десанг ҳар нечаким кар
сўз.

Қилиб сўзни васила⁴, истасанг оламаро иззат –
Ки, даҳр ахли кошида келди маъюбу⁵ муҳаккар
сўз.

¹ Мазҳар — кўриниш, акс. Бирор нарсанинг зухур этадиган ери.

² Такзиб — рад этиш, инкор килиш.

³ Бу Жаҳл — Мухаммад алайҳиссалом тарғиботига карши курашигани, унга душманлик килгани учун лаънатланиб, Абу Жаҳл — Жаҳолат отаси лақабини олган Макка зодагонларидан Амир ибн Ҳишом (вафоти — 624).

⁴ Васила — йўл, восита, сабаб.

⁵ Маъюб — айбли, нуксонли.

Сўзингга ахли дунё олида қадр истама ҳаргиз,
Рафеъ ул-қадр¹ эканни на билсун гов² ила ҳар³ сўз.

Дебон ҳар сангдилга, Огаҳий, синдумағил сўзни —
Ки, инсон обрўи афсариға⁴ келди гавҳар сўз.

* * *

Тарки меҳр этти ул ой, манда вафосидур ҳануз,
Хаста жоним дарди ишқи мубталосидур ҳануз.

Узди, билкулл, муддайға ёр ўлуб мандин кўнгул,
Лек васли сода кўнглум муддаосидур ҳануз.

Гарчи умредур чикармиш эрди кўйидин мени,
Лек бошимда ҳамул гулшан ҳавосидур ҳануз.

Ман бўлуб ахбобдин⁵ бегона, они истабон,
Ул мани тарк айлаб, аъдо⁶ опиносидур ҳануз.

Жавр тифин токи ул золим манга чекмиш эди,
Танда ҳар ён бутмаган онинг яросидур ҳануз.

Тўлди сартосар сиришким селидин кўк гунбази,
Билмадим, оё, недин барпо биносидур ҳануз.

Жонға етти Огаҳий тортиб жафову жаврини,
Жон била ҳам роғиби⁷ жавру жафосидур ҳануз.

¹ Рафеъ ул-қадр — қадри баланд.

² Гов — хўқиз.

³ Ҳар — эшак.

⁴ Афсар — тож.

⁵ Аҳбоб — дўст, улфат, яқин.

⁶ Аъдо — душманлар.

⁷ Роғиб — хоҳловчи, талаб килувчи, мойил.

* * *

Юзининг меҳрини кўргон маҳи анварни¹ ёд этмас,
Лабининг шаҳдини сўрғон ети кавсарни ёд этмас.

Ётиб туфрок уза кўйида бошға тошни ёстонғон
Биҳишт² ичра мулойим болишу бистарни³ ёд этмас.

Гули рухсорини ногаҳ тамошо айласа булбул,
Фигонлар тортибон ўтлуғ гули ахмарни ёд этмас.

Чу иззат аҳлиға роғибдурур ул хўблар шоҳи,
Тонг эрмасдур, агар бу бандай ахкарни⁴ ёд этмас.

Сориғ юзга ориғ⁵ ашким неча оқса эмастур суд,
Гар истиғно⁶ камолидин зару гавҳарни ёд этмас.

Агар шаҳлар боши узра аёғи туфроғи етса,
Жаҳон сultonлиғин тарқ айлабон афсанни ёд этмас.

Фигонким, ҳар кеча нўш айлабон ағёр ила соғар,
Хумор ичра агар ўлсам, мани музтарни ёд этмас.

Бурун кўп ваъда гарча айламиш эрди, вале эмди,
Бирин ҳам ёдиға солмас, демай аксанни ёд этмас.

Бас эткил, Оғаҳий, ўтлуғ фигонингким, сани ул ой,
Нечаким, ўртасанғ афлок ила ахтарни ёд этмас.

¹ Маҳи анвар — тўлин ой.

² Биҳишт — жаннат.

³ Бистар — тўшак, етар жой, кўрпа-тўшак, ўрин.

⁴ Аҳкар — факир, бечора.

⁵ Ориғ — бу ерда: соғ, покиза.

⁶ Истиғно — бу ерда: эҳтиёжсизлик.

* * *

Керакмас гул манга, ул шўхнинг гулгун янгоқи¹ бас,
Нетай шаҳду шакарни, шарбати ширин дудоқи бас.

Нетиб сарву суман сайрига майл айлайки,
ёримнинг

Тамошойи қади зебосию сиймин сақоқи² бас.

Деманг руммон³ ила бодом васфин хаста кўнглумга,
Нигорим лаъли руҳафзосиу дилкаш қапоқи бас.

Жаҳон раъноларининг сухбатин кўнглум на
қилсунким,

Анга ул дилрабонинг базми васли иштиёқи бас.

Күёш тожин бошимга гар фалак қўйса, бўюн
сунмон,

Нединким, маҳвашимнинг бошима етса аёқи бас.

Боқиб икки кўзим ою қуёш шаклига нетсунким,
Олорға шахсуворимнинг⁴ ики заррин чаноқи⁵ бас.

Қабул этман агар оғушини хур айласа жойим –
Ки, жоним роҳатиға ул парипайкар қучоки бас.

Агар ҳайвон зулолин Хизр берса оғзима олмон –
Ки, дурди⁶ бода лутф этса манга гулчехра соки(й)
бас.

¹ Янгоқ — ёнок, юз.

² Сақоқ — ияқ, бағбака.

³ Руммон — анор.

⁴ Шахсувор — 1) чавандоз; 2) маҳбуба.

⁵ Чаноқ — ҳайвонлар сув ичадиган идиш.

⁶ Дурд — май куйкаси, қолдиғи.

Хавас жоми Жам этмон, Огахий, май нүш этар
 чоғда –
 Ки, жоми Жам манга ёр итлари синфон ялоки бас.

* * *

Фарёдима бўлмишдур юз дарду бало боис,
 Юз дарду балоға, бил, ул қоши қаро боис.

Кўнглум фараҳига от сурмаклиғи боисдур,
 Очилмокиға ғунча, андокким, сабо¹ боис.

Бокғоч онга, яшурди гулгун юзини мандин,
 Билмонки, ғазабданму йўқ эрса, ҳаё боис.

Ҳам лутфи сабаб жисмим жон топмоқиға тоза,
 Ҳам қаҳри бадандин жон бўлмокқа жудо боис.

Гар йиғлар эсам тунлар айб этмангиз, эй аҳбоб,
 Найлайки, анга бордур бир моҳлиқо боис.

Кўйида ракиб айлар кўргач мани юз дашном,
 Ул навъки, бўлғай ит урмакка гадо боис.

Лутф айла, дуо олғил, эй шоҳ, гадолардин,
 Невчунки камолингага бўлғуси дуо боис.

Фазл аҳлиға хамсухбат бўлмокқа ибо қилма –
 Ким, бўлғусидур жаҳлинг орторға ибо боис.

Равшан тиласанг хотир тарки ҳавас этким, ул
 Огахий эрур кўнглунг билмоққа каро боис.

¹ Сабо — Шарқ томондан эсадиган тонғти ёқимли ва салқин шамол.

* * *

Даҳр базму айши андуҳи ғамиға арзимас,
Шарбати жонпарвари мухлик¹ самига² арзимас.

Юз йил ўлсанг ёр васлиниң сафолиғ саҳнида,
Бир замонлиғ ҳажри шоми музламиға³ арзимас.

Етса даврондин санга гар умрлар сур⁴ узра сур,
Бир нафас еткан малолу мотамиға арзимас.

Лаълидин гар жон топуб, кучсанг муродинг
шоҳидин,
Назъ⁵ вақти пайкаринг печу ҳамиға арзимас.

Мадхингга очса улус юз хуш иборат бирла тил,
Бир қабих алфоз⁶ ила қилғон замига⁷ арзимас.

Тенг тут амволи жаҳон бешу каминиким, онинг
Инбисоти беши⁸ андуҳи қамиға арзимас.

Истабон айш, Оғаҳий, ғам бошинга келтурмаким,
Даҳр базму айши андуҳу ғамиға арзимас.

¹ Мұхлик — халокатли, ўлдирувчи.

² Сам — захар.

³ Музлам (мұзлым) — коронғи, зулмат.

⁴ Сур — карнай, сурнай.

⁵ Назъ — жон чиқиши вакти, ҳолати.

⁶ Алфоз — сүзлар, иборалар, жумлалар.

⁷ Зам — күшиш, жамлаш.

⁸ Беши — кўп, ортиқ, зиёда.

* * *

Ҳар бандаки, хислатда андокки Аёз¹ ўлмас,
Хилватгахи Султонга², бил, маҳрами роз ўлмас.

Улким, киладур нозиш³ ҳалқ ичра тақаббурға,
Юз панд ила зажр⁴ этсанг, арбоби ниёз ўлмас.

Гар парвариши этсанг, жон ширин бериб афъиға.
Комида аниңг заҳри бир заррача оз ўлмас.

Чуғзеки⁵ кечакундуз вайронага унс⁶ этмиш,
Минг тарбият этсанг, ул сайд олғучи боз⁷ ўлмас.

Гар тўъма⁸ тавукка қил нуқлу⁹ шакару ҳалво,
Учмоқда ҳаво узра сайр этгучи қоз¹⁰ ўлмас.

Киши фаслики, табъининг маҳсуси бурудаттур¹¹,
Ҳар нечаки ўт ёксанг ислохиға, ёз ўлмас.

Гар Оғаҳий оламда ўртанса, тонг эрмаским,
Иш ўт аро тушиганга жуз сўзу гудоз¹² ўлмас.

¹ Аёз — Махмуд Фазнавийнинг хос надими. Кулликдан шундай улуғ мартабага кўтарилиган. Махмуд ва Аёз ўртасидаги дўстлик ва муҳаббат Шарқ адабиётида кенг кўйланган мавзулардан.

² Бу ерда: ғазнавийлар давлати ҳукмдори Махмуд Фазнавий (967—1030) кўзда тутилмоқда.

³ Нозиш — фахр, ифтихор.

⁴ Зажр — зулм, азоб, кийнаш.

⁵ Чуғз — бойқуш, бойӯғли.

⁶ Унс — улфат, яқин дўст.

⁷ Боз — яна, тагин.

⁸ Тўъма — озик, овқат.

⁹ Нуқл — газак.

¹⁰ Қоз — ғоз.

¹¹ Бурудат — совук, совуклик.

¹² Сўзу гудоз — куйиб ўртаниш.

* * *

Жафо ойини дилдоримға маҳсус,
Вафо расми дили зоримға маҳсус.

Жафодин кўл чек, эй гардунки, бу иш –
Эрур шўхи ситамкоримға маҳсус.

Лабинг сўрдурма мандин ўзгагаким,
Бу шарбат жону bemоримға маҳсус.

Ўқинг ҳар танға зоеъ қилмаким, ул
Эрур бу жисми афгоримға¹ маҳсус.

Йўлунг гарди эрур бир тўтиёким²,
Ёшорғон чашми хунборимға маҳсус.

Хироми қоматингнинг фикрин этгач,
Равонлиғ бўлди ашъоримға маҳсус.

Кет, эй хуршидким, шомим ёрутмок
Эрур ул моҳрухсоримға³ маҳсус.

Дами Исодин этман жон тамаъким,
Бу мўъжиздур лаби ёrimға маҳсус.

Сочи андишасида Огаҳийдек,
Назокат келди ашъоримға маҳсус.

¹ Афгор (*фигор*) — 1) яраланган, мажрух; 2) эзилган, ўртанган.

² Тўтиё — кўзни равшан қилиш учун ишлатиладиган мурракаб дори, сурма тоши.

³ Моҳрухсор — ой юэли, гўзал.

* * *

Ваҳки, то ағёр бўлди сухбати ёримға хос,
Рашқдин андуҳу ғамдур жони беморимға хос.

Васли иўшининг давоси хос ўлуб эл жониға,
Ҳажри нишининг яроси жони афгоримға хос.

Эй ажал, эл жонини олмоқда кўп лоғ урмағил –
Ким, бу иш ул қотили бераҳм хунхоримға хос.

Ўзга кўзга хос бўлуб кўйи аро ноз уйкуси,
Ҳар кеча бехоблиғдур¹ чашми хунборимға хос.

Соз базмидин наво ушшокға маҳсус ўлуб,
Чангдек фарёдлар маҳзун дили зоримға хос.

Ўзга дилбар сори кўнглум, вах, нечук майл
айласун –
Ким, русуми дилраболиғ келди дилдоримға хос.

Шодлиғ анвориға эл толеъи матлаъ² бўлуб,
Тийралик анвои бахти накбатосоримға³ хос.

Ишқ дарди, ҳажри андуҳи, ҳалойик таънаси,
Кўйи ичра кўнгул отлиғ хори беоримға хос.

Огахий шеърин ўки гар хушдил ўлмоқ истасанг –
Ким, тараб мазмунидур жонпарвар ашъоримға хос.

¹ Бехоблиғ — уйқусизлик.

² Матлаъ — бу ерда: чикиш жойи.

³ Накбатосор — бахтсизлик омухта.

* * *

Талаб йўлида азм айлар кишида бўлса гар ихлос,
Муроди манзилига бўлғусидур роҳбар ихлос.

Кўнгул шаҳбози¹ мақсуди шикорин сайд этар
бешак,
Ҳавойи сидк аро бўлса анго гар болу пар² ихлос.

Топар комини хар қул шоҳға хизмат килур чоғда,
Агар белиға онинг боғласа маҳкам камар ихлос.

Камол ахли аро, албатта, топғай рутбаи олий,
Маоний³ касбида хар кимсаким килди хунар ихлос.

Кўнгул, ихлосинг ўлса, ҳеч ранжинг бўлмағай
зоеъ –
Ки, харгиз қолмамиш саъю талабда беасар ихлос.

Есанг ихлосдин бар⁴ сидк боғида ажаб эрмас –
Ки, ул боғ ичра экилди бир ниҳоли борвар⁵ ихлос.

Муродингдин нишоне, тонг эмас, ихлосдин
топсанг –
Ки, толибға берур матлуб васлидин хабар ихлос.

Бўла олмас сабаб ҳеч нима мақсудингға етмакка,
Фано йўли аро бўлса куловузинг⁶ магар ихлос.

¹ Шаҳбоз — лочин.

² Болу пар — канот ва патлар.

³ Маоний — маънолар.

⁴ Бар (бор) — хосил, мева, самар.

⁵ Борвар — сермева.

⁶ Куловуз — йўлбошчи, раҳбар, раҳнамо.

Не тонг ёр илтифотин, Огахий, ҳар дам топар
күпрөк –
Ки, онинг пешасидур ишқ аро шому саҳар ихлос.

* * *

То қилмаса ўзни киши ботил тасаввурдин халос,
Бўлмақ анго мумкин эмас ҳаргиз тажаббурдин¹
халос.

Гар истамассан бўйнинга иблис янглиғ тавқи лаън²,
Кил хотирингни саъй этиб, доми такаббурдин
халос.

Ҳар кимки тоат фурсатин қўлдин берур ғафлат
била,
Бўлмас ики олам аро бир дам таҳассурдин³ халос.

Англаб ғанимат вақтни, саъй эт ишинг итмолиға⁴ –
Ким, даҳр авзои эмас ҳаргиз тағайюрдин⁵ халос.

Ҳак амрини жон бирла қил, зотин вале фикр
этмагил –
Ким, фикр қилса, они, бил, бўлмас таҳайюрдин⁶
халос.

Ғам лашкари юз-минг эса, ошиқ бўлур ёлғуз тараф,
Бўлмас dame то ўлгуча ушбу таҳаввурдин⁷ халос.

¹ Тажаббур — ғуур, кибр, манманлик.

² Тавқи лаън — тавқи лаънат, лаънат тамғаси.

³ Таҳассур — пушваймон, афсус-надомат.

⁴ Итмолом — тамомлаш, тугаллаш.

⁵ Тағайюр — ўзгариш.

⁶ Таҳайюр — ҳайратда қолиш, ҳайронлик.

⁷ Таҳаввур — ҳаддан ташкари жасорат, ортиқча жасурлиқ.

Гар коминг эрса, Огахий, бўлмоқ азизу мўътабар,
Ҳаргиз ўзингни килмоғил ажзу такассурдин¹ ҳалос.

* * *

Боғ ичра қадам, эй гул, қўйғилки, баҳор ўлмиш,
Боғ аҳли тилаб васлинг, бесабру қарор ўлмиш.

Тирноғи била йиртиб гул сийнасини сансиз,
Кўрким, тани сартосар хунобу² фигор ўлмиш.

Урён тан ила буқим, елдин қилур афғон сарв,
Қаддинг ғамиға тўзмай³ девонашиор ўлмиш.

Ҳолида паришонлиғ сунбулнинг эрур, баским,
Гисуи паришонинг савдосида зор ўлмиш.

Боши қуйию қад ҳам — наргис сори бокғилким,
Саҳбойи нигоҳингни тортарға ҳумор ўлмиш.

Ер узра тўшаб насрин⁴ яфроғларини ҳар ён,
Ўпмокға кафи пойинг⁵ йўлунгда ғубор ўлмиш.

Ишқинг ғамида тун-кун фарёду фифон тортиб,
Ҳам булбулу ҳам қумри маҳзуну низор ўлмиш.

Ман зор ила бўлмоқдин ор айлама бўстонда —
Ким, субҳу масо⁶ гулнинг ҳамсұхбати хор ўлмиш.

¹ Такассур — синиклик, шикасталик, беҳоллик.

² Хуноб (хуноба) — қонли ёш, аччиқ йигти.

³ Тўзмоқ — бу ерда: чидамок, бардош бермок.

⁴ Насрин — оқ ҳушбўй гул.

⁵ Кафи пой — товон.

⁶ Субҳу масо — тонгу шом.

Боғ ичра хиром айлаб, кел, Огаҳийни шод эт –
Ким, боғ аро ул сансиз юз ғамға дучор ўлмиш.

* * *

Эй жамолингға гар эрмас волаю¹ ҳайрон қуёш,
Айланиб бошингға неячун бўлди саргардон қуёш?!

Шуъла ичра нега ғарқ ўлмиш тани бошдин-аёқ,
Отashi ишкинг аро гар бўлмаса сўзон² қуёш?!

Юз қўюб, ҳар кун эшикинг ёстонур не важҳ ила,
Гар санга қилмок ўзини истамас дарбон³ қуёш?!

Чекмаган бўлса ўзин гар кулларингнинг силкига⁴,
Не учун анжум сипохи узрадур султон қуёш.

Истабон қилмок ўзин парвона ҳуснунг шамъига,
Тун-кун атрофингда айлар тинмайин даврон қуёш.

Гар қуёшосо юзунг очсанг, никобинг абридин⁵,
Мехр кошида сухо⁶ янглиғ бўлур пинҳон қуёш.

То кафи пойингға юзни суртди ихлос ила,
Топти рухсорини тун-кун чарх уза тобон қуёш.

Қилма саркашлик⁷ гар истарсан камоли

рифъатинг –

Ким, камолига мудом ондин топар нуксон қуёш.

¹ Вола — мафтун, шайдо, маҳлиё.

² Сўзон — ёлкинли, куйган, ёниб турган.

³ Дарбон — эшик соқчиси, дарвозабон.

⁴ Силк — 1) ип, тизим; 2) саф, катор.

⁵ Абр — булут.

⁶ Сухо — жуда кичик, арзимас.

⁷ Саркаш — ўжар, қайсар.

Огаийнинг тийра шомин юз очиб ёрутмасанг,
То киёмат субхи ёрутмоқ эмас имкон қүёш.

* * *

Тароватлар топиб сахро юзи найсон² сахобидин,
Назоҳат³ ичра жаннат гулшанидин фарки оз ўлмиш.

Берурга тоза жон эл жисмиға Исо дами янглиғ,
Насими жонфизоға ҳар тараф иш эхтизоз⁴ ўлмиш.

Күюб бош узра хар ён лолалар гулранг жомини,
Тараб ҳангомасини киздирурға тос боз үлмиш.

Пари янглиғ яшил бурқаълар⁵ ичра ёшуруб юзни,
Чаманда ғунчалар шохидлариға шева⁶ ноз ўлмиш.

Очиб хар сори гуллар боғ аро рухсори оташнок⁷,
Иш ондин зор булбулларға юз сўзу гудоз ўлмиш.

Баланд этмак учун шавқ ичра кумрилар навосини, Чекиб кад сарвлар юз зийнат ила сарфароз ўлмиш.

¹ Аноншл — булбуллар.

² Найсон — сурёний тақвими бўйича еттинчи ой — апрелга тўғри келади. Ривоят килишларича, бу ойда ёғадиган ёмғир томчиларидан садаф ичидаги марварид хосил бўлади.

³ Назоҳат — тозалик, софлик, поклик.

⁴ Эхтисоз — жунбуш, титрок, ларзага келиш.

⁵ Бурқа — парда, никоб, ҳижоб.

⁶ Шева — 1) одат, равиш, йүсін; 2) хұнар; 3) ноз, ишва.

⁷ Оташнок — утли, алангали.

Мунингдек фасл аро ком олди умридин ул одамким,
Севар ёри била гулшан аро ишраттароз¹ ўлмиш.

Муҳиб² гар Огаҳийға бўлса ул хўблар шаҳи, тонг
йўқ –
Ки, ҳусни нутқ ила Маҳмуд маҳбуби Аёз ўлмиш.

* * *

Юзунгни кўргали бўлмиш манга зулфи дуто³
монеъ,

Нечукким, истаганга ганж бўлгай аждаҳо монеъ.

Узоринг меҳридин гар муддайи бебаҳрадур, лекин –
Ки, шабпар очқоли кўз бўлғуси нури зиё монеъ.

Такаллумға тил очмассан мани кўрган чоғи,
билимон,

Ғазаб монеъму эркан, йўқ эса шарму ҳаё монеъ.

Тонг эрмас, гарди роҳинг⁴ кўзга еткач, тўхтаса
ашким –

Ки, кўз ёши оқарга бўлғусидур тўтиё монеъ.

Оёкингға юзум суртуб, тиларман обрў топмок,
Бошинг ҳакки, замоне бўлмоғил, эй маҳлико,
монеъ.

Келай деб ваъда килдинг — келмадинг ушбу
гадойингға –

Ким, ўлди билмадим, эй хўблар шоҳи, санго монеъ.

¹ Ишраттароз — ишрат қилувчи.

² Муҳиб — 1) дуст; 2) ошик.

³ Дуто — икки букилган, эгилган.

⁴ Роҳ (раҳ) — йўл.

Рақибинг монеъ ўлмиш ком олурға жоми
васлингдин,

Анга ҳам еткали максудиға бўлсун Худо монеъ.

Насибимдур азалда ишқ аро расволиг, эй носих,
Бу иш ичра, Худо ҳакки учун, бўлма манго монеъ.

Неча кўб бўлса журминг афву раҳматдин умид
узма,

Эмас бахри карам мавжиға хошоку хато монеъ.

Агар қилсанг ибодат сидки дил бирла қил, эй
зоҳид –
Ки, максадға етарга бўлғуси реву¹ риё монеъ.

Фаноу факр сори Огаҳийнинг кўнгли мойилдур,
Илоҳи, нафси шайтон макрини қилма анго монеъ.

* * *

Ҳар кеча тинмай қилур сўзу гудоз изҳор шамъ,
Гўйё мандек эрур бир ошиқи дийдор шамъ.

Не учун девоналардек йиғлабон йиртар ёко,
Ул париваш ишкида гар худ эмастур зор шамъ.

Бир нафас йўқтурки, чикмас дуду шуъла бошидин,
Куйгуси мандек магар ғам ўтиға бисёр шамъ.

Риштаи жони куюб, ҳар дам топар жисми гудоз²,
Бир ниҳони дардга гўё эрур дучор шамъ.

¹ Рев — макр, ҳийла, найранг.

² Гудоз — 1) эриш, куйиш; 2) дард, алам, андух.

Ортса ул ой юзи тоби мутарро¹ зулфидин,
Тонг эмас, равшан бўлур бўлса паришонтор шамъ.

То куюб, накши қадамни бошиға қилмас паноҳ,
Роҳат уммидин бу маҳфилда қилур бекор шамъ.

Чарх бошиға солиб доғу аёкин қилди банд,
Токи саркашлик била кўргузмагай рафтор² шамъ.

Еткура олмас улус жониға роҳат партавин,
То куюб, кўрмас рано ул жониға озор шамъ.

Оғаҳий, васл истасанг, ўт ур вужудинг бориға —
Ким, бу хислатдин ул ой базмида топти бор шамъ.

* * *

Соқиё, сандин эрур кўнглума ором тамаъ,
Яъни ичмак иликинг бирла тўла жом тамаъ.

Ишқ эли нўш қилурлар майи васлинг ҳар дам,
Ман ҳам они қилурам айламак ошом³ тамаъ.

Етиб эл сухбатингга, айлади комин ҳосил,
Не ажаб, ман доғи топмоқ тиласам ком тамаъ.

Оразинг ҳажрида сарғорди юзим ғам чекибон,
Эмди сандин қилурам чехрай гулфом тамаъ.

Чекарам ранжи фирокинг тамаъи васлинг ила,
Негаким ранж чекар ҳар ким эса хомтамаъ.

¹ Мутарро — тоза, мусаффо.

² Рафтор — 1) юриш; 2) ҳатти-харакат; 3) хулк-атвор.

³ Ошом — ичиш, ейиш.

Вах, нечук шоми ғаминг шарҳини оғоз этарам,
Чунки ондин манга йўқ то абад анжом тамаъ.

Эй кўнгул, ганждек ўл кунжи қаноатда нихон,
Халқдин истар эсанг, иззату икром тамаъ.

Кўзгудек айла ўзинг соф риёзат¹ бирла,
Айласанг жилваи маъшуқаи илҳом тамаъ.

Тиласанг яхши от, эй Огаҳий, тарк эт тамаъ –
Ки, жаҳон ичра қилур кимсани бадном тамаъ.

* * *

Эй жабиннинг² чинидин кўнглум саросар тоблиғ,
Халқаи зулфинг била жон бўйнидур куллоблиғ³.

Қахру шиддат тавру тарзина бериб ҳар дам ривож,
Мехру шафқат расмиға еткурмагил ноёблиғ.

Мулки дунёким, улусға мазраъи⁴ уқбодуурүп⁵,
Оқизиб эҳсон сувин бергил анга сероблиғ.

Оҳким, аҳли замон оллида одам улдуур –
Ким, эса ҳайвон киби нодону хўрду хоблиғ⁶.

¹ *Риёзат* — тариқатга кирган соликнинг камолот касб этиш ва Ҳакка этиш йўлида чекадиган машақкатлари, ранжу изтироблари.

² *Жабин* — 1) манглай, пешона; 2) ҳусн, жамол.

³ *Куллоб* — чангак, илгак, кармок.

⁴ *Мазраъ* — экинзор.

⁵ *Уқбо* — у дунё, охират.

⁶ *Хоб* — уйқу.

Касби жаҳл¹ эт, эй кўнгул, ушбу бурудаттоҳ аро,
Истасангким, жисминг ўлғой киш² ила синжоблиғ³.

Истагай олмок гадо илгода кўрса бир дирам⁴,
Кимки Қорундек эса минг ганжи зарри ноблиғ⁵.

Юз жаҳон мулкига тўймас ахли давлатнинг бири,
Вах, нечук факр ахли бўлсун мулк ила асбоблиғ.

Ер юзида, Огахий, чун йўқ санга бир кулча ер,
Борча умрунгда на хосил айласанг мироблиғ.

* * *

Эй кўнгул, эрмас бу олам боғи жойи шодлиғ,
Оқил эрсанг, истама анда ҳавои шодлиғ.

Турфат ул-айн ичрадур вайроналиғ мусталзими⁶,
Сув уза касри хубобосо⁷ бинойи шодлиғ.

Гар замоне шодлиғ бўлса мұяссар, бўлма шод —
Ким, эрур андуҳу кулфат иқтизойи⁸ шодлиғ.

Шодлиғдур хилват ичра ғам била хўй⁹ айламак,
Тарқ этиб ул рутбани, бўлма гадойи шодлиғ.

¹ Жаҳл — 1) билимсизлик, нодонлик; 2) ғафлат, жаҳолат.

² Киш — кундуз пўстин.

³ Синжоб — силовсин мўйнасидан тикилган пўстин, епинчик.

⁴ Дирам — кумуш танга.

⁵ Ноб — тоза, тиник, соғ.

⁶ Мусталзим — сабабчи.

⁷ Хубобосо — кўпик каби.

⁸ Иқтизо — тақозо, талаб, зарурат.

⁹ Хўй — одат, феъл, табиат, характер.

Истабон ғам дафъин этмак шодлиғ килма ҳавас –
Ким, ғам ўлмас дахр аро бир дам жудойи шодлиғ.

Ногаҳон гар шодлиғ топсанг, анға олдонмоғил –
Ким, очиб-юмғунча кўз йўқтур бакойи шодлиғ.

Кийгали омода¹ бўлсун ғам либоси мотамин,
Кимсаким киймишдуур гулгун қабои² шодлиғ.

Элки холи боргуси охир туман³ ҳасрат била,
Кимки нақди умрини килди фидойи шодлиғ.

Шодлиғ ҳирси балоларға солибдур борчани,
Вокиф ўл, эй Огахий, чекма балои шодлиғ.

* * *

Боғ ичрадур гул бир тараф, девона булбул бир
тараф,
Нозу тағофил бир тараф, фарёду ғулғул⁴ бир тараф.

Туз базму ишрат боғ ароким, бас⁵
нишотафзодурур⁶,
Рухсораи гул бир тараф, гисуйи сунбул бир тараф.

¹ *Омода* — муҳайё, тайёр.

² *Қабо* — узун устки кийим.

³ *Туман* — ўн минг.

⁴ *Ғулғул* — шовқин-сурон.

⁵ *Бас* — бу ерда: кўп, ортиқ.

⁶ *Нишотафзо* — шодлик багишловчи.

Гулшанда ишрат қилғоли элга салой¹ ом эрур,
Афғони булбул бир тараф, ҳам хандаи гул бир
тараф.

Базм ичра масть үлсам, не тонгким, еткусидур
шишадин
Оҳанги кулқул бир тараф, кайфияти мул² бир тараф.
Чекти узокқа боғ аро даъвойи дилкашлик бўлуб,
Гул узра сунбул бир тараф, ул юзда кокул бир
тараф.

Девона бўлсам тонг эмаским, ул паридин бор манга
Ҳадсиз тажаммул³ бир тараф, сонсиз тағофул бир
тараф.

Тангри таваккул ахлиға⁴ бўлғой тараф бўлса қачон
Хайли тамаввул⁵ бир тараф, ахли таваккул бир
тараф.

Йўл азмин эт ондин бурунким, борғуси бу дашт аро
Хар бир тараф, жул⁶ бир тараф, сув бир тараф, пул⁷
бир тараф.

Гар сўрса холинг, Огаҳий, ёринг келиб кеткай эди,
Тандин такосул⁸ бир тараф, жондин такоҳул⁹ бир
тараф.

¹ Сало — чақирик, даъват, нидо.

² Мул — май, шароб.

³ Тажаммул — зеб-зийнат, ҳашамат, дабдаба.

⁴ Таваккул ахли — сўфийлар, орифлар.

⁵ Таваммул — бойлик, мол-дунё.

⁶ Жул — ёпинчик.

⁷ Пул — кўприк.

⁸ Такосул — бепарволик, сусткашлик.

⁹ Такоҳул — дангасалик, танбаллик.

* * *

Мани бедил санго то бўлмишам, эй дилрабо, ошиқ,
Бори ушшок аро йўқтур манингдек бенаво¹ ошиқ.

Не тонг, гулшанда гул чок этса ҳар ён кўксини,
улким,

Сангадур неча дарду ғамға бўлғон мубтало ошиқ.

Туну кун нега тинмай эврулур тегрангда ою кун,
Агар эрмас эса ул икки саргардон санго ошиқ.

Жамолинг жилвасиким, тоғ жисмидин олур тоқат,
Киши одам эмас гар бўлмаса кўргач анго ошиқ.

Сакоҳум раббуҳум², сахбойи нобидур лабинг
шахди,

Хумори дардиға ондин умид айлар даво ошиқ.

Агар минг жавр қилсанг, дарди ишқинг таркин
этмонким,

Бўлур шавки фузунрок нечаким чекса жафо ошиқ.

Килурман етса сандин ҳар жафою жавр юз-минг
шукр –

Ки, қилмокдур шикоят ёр жавридин хато ошиқ.

Агар жавр эт вагар эҳсон — на қилсанг комим
улдурким,

Ризойи ёрсиз ҳеч ишни қилмас муддао ошиқ.

¹ Бенаво — 1) факир, кашшок; 2) ғариб, нотавон; 3) бебахра, маҳрум.

² Сакоҳум раббуҳум — Куръони каримнинг «Инсон» сураси 21-оятига ишора: «Парвардигорлари уларга ниҳоятда покиза шароб ичирур».

Килур фош Огаҳий дарду ғамин максуди улдурким,
Санга ҳар нафспарвар бўлмағай оламда то ошик.

* * *

Куйса олам бўлма ҳайрон, ўтлуғ афғонимға бок,
Ўтлуғ афғоним таажжуб килма, жононимға бок.

Кумрийи махзун киби ҳар кеча нолам маддини¹
Манъ килма, жилваи сарви хиромонимға бок.

Заъфаронзор² ичра симоб³ окғонин гар кўрмасанг,
Ҳар тараф сориғ юзумда ашки ғалтонимға бок.

Печтобим айб қилма ўтға тушкан кил киби,
Нотавон кўнглумда ўтлуғ доғи ҳижронимға бок.

Ҳайрат этма гар бало тўфони тутса даҳрни,
Сели ғамга манбаъ ўлғон чашми гирёнимға бок.

Қасд айлар дам-бадам ранжу фироку дарди ишқ,
Чикмағон мунча азоб ичра котиғ жонимға бок.

Дема кўнглунгдек недин ул кўйи тавфин килмоғунг,
Йўлида туфрок бўлғон жисми вайронимға бок.

Қуллари ичра бузук ҳолимни мандин, эй рафик,
Қилма истифсору⁵ истиғнойи султонимға бок.

¹ Мадд — чўзиқлик, давомлилик.

² Заъфарон — сарғиш тус берувчи хушбўй ўсимлик; мажозан: сарик ранг.

³ Симоб — кумушранг кимёвий элемент. Мумтоз шеъриятда бетоқатлик, бекарорлик рамзи ва кўз ёши тимсоли бўлиб келади.

⁴ Галтон — 1) думалок; 2) йиқилиш, юмалаш.

⁵ Истифсор — сўраш, хабар олиш.

Огажий холини гар ишқ ичра билмак истасанг,
Чашми ибрат бирла дардангиз¹ девонимға бок.

* * *

Дўйстлар, бу маҳфилда бу кеча нигорим йўк,
Айб қилмангиз, бўлса сабр ила қарорим йўк.

Хотирим бўлуб маҳзун, не ажаб, хамуш ўлсам,
Булбуле эрурманким, боғ ила баҳорим йўк.

Манъ килма, эй носих, ишқ аро жунунимни,
Олди бир пари ақлим — қўлда ихтиёrim йўк.

Орзу менга ёrim гул юзини бир кўрмак,
Оlam ичра кўнглумда ўзга хорхорим² йўк.

Оҳим ўти куйдурса сарву гулни, тонг эрмас —
Ким, бу лаҳза олдимда сарви гулъузорим³ йўк.

Кўйидин даме чикмон, эй ракиб, мани сўксант,
Чунки бўлмишам ошиқ, бўлди нангурим⁴ оrim йўк.

Бенаво кўнгул комин кимдин истарам, ё Раб —
Ким, нигори дилжю⁵ марҳаматшиорим йўк.

Шукрким, эрур кадрим факт эли аро олий,
Аҳли жоҳ оллида гарчи эътиборим йўк.

¹ Дардангиз — дардли, дардчилик.

² Хорхор — ғам, қайғу, ташвиш.

³ Гулъузор — гул юзли, гўзал.

⁴ Нанг — ор, номус, уят.

⁵ Дилжў — кўнгилга овловчи, кўнгилга тасалли берувчи.

Оғажий, мани гар шаҳ лутфи қилмаса побаст¹,
Ушбу ғамкада² ичра бир нафас турорим йўқ.

* * *

Бу маҳфил ичра кимга ичирса шароби ишқ,
Айлар муроди нашъасидин комёби³ ишқ.

Бўлғувси ком бодасидин сархуш ул киши –
Ким, бағрин этти шавқ ўти ичра кабоби ишқ.

Икки жаҳон мамолики⁴ маъмур бўлғуси
Қилғон кишига кишвари жонин хароби ишқ.

Эй кўз, ул ой аёкиға кил эмдиким сочиғ,
Хар қатра ашкинг айлади бир лаъли ноби ишқ.

Билгил они ҳақиқат аро роҳат, эй кўнгул,
Хар нечаким етурса санго кўб азоби ишқ.

Топмассан аҳли ишқ аро сарфарозлик,
То қилмоғунча ажз ила жисминг туроби⁵ ишқ.

Хусн аҳли базми роҳатини топмағай киши,
Еткурмагунча то алами беҳисоби ишқ.

Рокиб⁶ бўлур талаб йўлида максад отиға,
Хар кимсагаки бўлса бу йўлда рикоби⁷ ишқ.

¹ Побаст — оёғи боғлик; мажозан: мубтало, гирифтор.

² Гамкада — ғамхона; мажозан: дунё.

³ Комёб — бахтли, толели, давлатли.

⁴ Мамолик — мамлакатлар, юрт, давлат.

⁵ Туроб — тупрок, ер.

⁶ Рокиб — отлик, суворий.

⁷ Рикоб — узанги.

Сўз дема, Огахий, гўзалнинг ишқи таркидин –
Ким, еткуур неча қарисанг ҳам шабоби¹ ишқ.

* * *

Жоним олур, эй пари, холимға бок,
Иштиёку иштиёқ иштиёқ.

То мани фурқатда кўйдинг, нолишим
Алфироқу² алфироку алфирок.

Айламишсан қатлима ағёр ила
Иттифоқу иттифоқу иттифок.

Бовар этмассан десам юз ёлбориб
Кўнглум оқу кўнглум оқу кўнглим оқ.

Ишқинг ўтида ишимдур субху шом
Эҳтироқу³ эҳтироқу эҳтироқ.

Бу сўзимга лутф этиб, эй шоҳи хусн,
Тут кулоку тут кулоку тут кулок.

Йўқ эса кел каҳр бирла кўксума
Ур пичоқу ур пичоқу ур пичоқ.

Не учунким бу юришдан ўлганим
Яхшироқу яхшироқу яхшироқ.

Огаҳий куиди фирокинг ўтиға,
Бош-аёқу бош-аёқу бош-аёқ.

¹ Шабоб — ёшлиқ, йигитлик.

² Алфироқ — бир-биридан жудо бўлганда ва айрилик азо-
бига айтиладиган нидо сўз.

³ Эҳтироқ — ёниш, куйиш.

* * *

Жаҳон шўхига осондур агарчи ошно бўлмок,
Ва лекин сўнгра бас мушкулдуур ондин жудо
бўлмок.

Коши шакли улус қатли учун бир тифи буррондур¹,
Эрур ўз жонига қасд айламак мойил анго бўлмок.

Иши кофир кўзининг айламак ислом уйин вайрон,
Керакдур роғибиға дини мулкидин жало² бўлмок.

Асир ўлғон раҳо бўлмас³ жафоси домидин бир дам,
Анго ахли хираддин⁴ бас ажабдур мубтало бўлмок.

Эрур чун йўқлуки меҳру вафоси меҳрдек равшан,
Зиҳи⁵ ғафлатки, андин толиби меҳру вафо бўлмок.

Нечук ком истагай ондин кишиким, аҳли одамға
Муяссар бўлмади ондин даме коми раво бўлмок.

Висоли орзузи жонға оғатдур, на лозимдур
Кипи юз саъй ила ўз жонига ўзи бало бўлмок.

Наво топмоқни базми созидин кўз тутмаким, ондин
Наво истар кишининг лозими дур бенаво бўлмок.

Забун⁶ ўлмай десанг, эй Огаҳий, гар даҳр шўхига,
Бу мушкул дарднинг билгил давосидур фано
бўлмок.

¹ Буррон — ўтқир, кескир.

² Жало — ватандан айрилиш, ғурбатда бўлиш.

³ Раҳо бўлмок — озод бўлмок, кутулмок.

⁴ Аҳли хирад — ақл эгалари, донолар, донишманлар.

⁵ Зиҳи — 1) гўзал, ёқимли, кўнгилга матлуб; 2) яхши, қандай яхши, оғарин.

⁶ Забун — 1) ожиз, бечора, хор; 2) мағлуб.

* * *

Эй күнгүл, билким, эмас атвори ёр аввалғидек,
Не вафову не карам осори бор аввалғидек.

Тил учи бирла сани алдаб неча хуш сүз била,
Күнгли эрмастур санга улфатшиор аввалғидек.

Йиғла ўз ҳолингәким, шафкат күёши партави
Талъати¹ субхида эрмас ошкор аввалғидек.

Коми онинг муддаийни комёб этмасдуур,
Истама лутфидин ўлмок комгор аввалғидек.

Күнгли қотмишдур онингдекким, тараҳхум
айламас,

Кўзларинг ҳар неча эрса ашкбор² аввалғидек.

Байт ул-эхzonингда ғамдин юз карат ўлсанг доги,
Бўлмоғи мумкин эмастур ғамгусор³ аввалғидек.

Чун рақиби тийрадил⁴ сўзи онгадур мўътабар,
Сан нечук оллида топғунг эътибор аввалғидек.

Нотавонлиқға чидаким, неъмати эхсонидин
Бўлмок эмди кайда соҳибқидор аввалғидек.

Оғаҳий, аввалғидек истаб вафою меҳрини,
Ондин ўлғунг тобакай уммидвор аввалғидек.

¹ Талъат — 1) юз, чехра; 2) гўзаллик, хусн.

² Ашкбор — ёш тўкувчи, кўп йигловчи.

³ Ғамгусор — ғамни кетказувчи, кўнгилни очувчи, ғамхўр, меҳрибон.

⁴ Тийрадил — кўнгли згри, нияти бузук.

* * *

Иш мангодур дўстлиғ элга намоён айламак,
Эл иши шаънимда душманлик фаровон айламак.

Жон неча қилсам фидо гар аҳли даврон оллида,
Қасди ўзини мангодур қосиди жон айламак.

Нечаким, халқ оллида қилсам тавозеъ ошкор,
Ишларидур кибру нахват¹ неча чандон айламак.

Дўст деб ҳар кимсанни халқ ичра таъриф айласам,
Пешаси мандин мазаммат² улча имкон айламак.

Оҳким, аҳли ҳасаднинг шевасидур субҳу шом,
Ман ҳазину бегунаҳга неча бўхтон айламак.

Вах, на дарду бедаводурким, борин чин онглобон,
Эй, ситам бирла ғазаб ҳаққимда султон айламак.

Ушбу дардимнинг иложи Огаҳий йўқтур магар,
Шаҳ манго эл рағмиға³ кўб афв эҳсон айламак.

* * *

Вах, не балодур, билмадим, эй дилрабо, кошу
кўзунг —
Ким, бир назарда солди ўт жоним аро кошу кўзунг.

Олди карору тоқатим оқ сийнаю нозик белинг,
Солди каро кун бошима икки қаро кошу кўзунг.

¹ Нахват — кибр, ғурур, манманлик.

² Мазаммат — коралаш, танқид қилиш; таъна, маломат.

³ Рағм — кишининг хошишига қарши иш қилиш.

Жонимға кўйди доғлар рашқ ўтидин холи лабинг,
Кўнглумга еткурди туман дарду бало қошу кўзунг.

Ҳам юз ўлукни тиргузур лаълинг аро ширин сўзинг,
Ҳам минг тирикни ўлтурур айлаб жафо кошу
кўзунг.

Қопғу кўзунг бедодидин дод айласам эрмас ажаб –
Ким, не жафолар қилмади охир манго қошу кўзунг.

Хусн аҳли шоҳисан — бори ошиқларинг ўлтургали
Гўёки жаллоду қилич бўлмиш санго қошу кўзунг.

Ман зору ҳайронинг нечук девона бўлмай,
Эй пари –
Ким, ақлу ҳушим айлади мандин жудо қошу кўзунг.

Йўктур манго ишқинг аро юрмак тирик имкониким,
Жонимни ё қадду юзунг олғуси ё қошу кўзунг.

Қошу кўзунг имосидин бўлди киёмат ошкор,
Гўёки олам офати қилмиш Худо қошу кўзунг.

Эл қатлини қасд айлабон мастона қилғоч бир назар,
Солди жаҳонга нолай воҳасрато қошу кўзунг.

Айлай ҳаётим накдини ҳар дам нисору садкаси,
Ёшурмагил ман зордин айлаб ҳаё қошу кўзунг.

Мажлис фазосида усул эткан чоғи раккос ўлуб,
Бир ғамзада юз жон олур, эй маҳлико, қошу кўзунг.

Ширин лабингдин Огахий жисмиға жон берким,
они
Үлтурди бир имо қилиб бокғоч киё қошу күзунг.

* * *

Күнглум ғамин, эй дўстларим, ёрима айтинг,
Жоним аламин лаъли шакарборима айтинг.

Шоядки, тараҳхум килибон кулбама келгай,
Холимни паризоди вафодорима айтинг.

Иstab нигаҳи гўшай чашмин топо олмай,
Беморлиғим кўзлари bemorima айтинг.

Мужгони хаёли била ҳар лаҳзада минг ўқ
Сончилғонини бу тани афгорима айтинг.

Озориға кўнглум чидамай, эмди ўлумга
Рози эрур ул шўхи дилозорима айтинг.

Келсун доги қатл айласуну конима консун,
Қотилвашу ошиккушу¹ хунхорима айтинг.

Огахийни ўлтурсуну ё комини берсун,
Зинхор бориб ёри жафокорима айтинг.

* * *

Ул юзи гул нигорнинг меҳри жамолини кўрунг,
Меҳри жамоли устида икки ҳилолини² кўрунг.

Икки ҳилолини кўруб, конмаса меҳрингиз агар,
Сафҳаи орази уза нуктаи холини кўрунг.

¹ Ошиккуш — ошикни ўлдирадиган.

² Ҳилол — 1) янги чиқкан ой, уч кунлик ой; 2) маъшуқанинг ярим ой шаклидаги қайрилма коши.

Нұктай холини күруб, сабр эта олмас эрсанғиз,
Хүснү жамоли боғида қадди ниҳолини күрунг.

Қадди ниҳолини күруб, күнглингиз этмаса қарор,
Жон күзи бирла бокибон лаъли зулолини күрунг.

Лаъли зулолини күруб, жонингиз этса изтироб,
Чораи холингиз учун шаҳди мақолини¹ күрунг.

Шаҳди мақолини күруб, топмаса чора ҳолингиз,
Нұктай лаб очар өгі ғанжу далолини күрунг.

Ғанжу далолини күруб, истасанғиз муроди дил,
Оғажийдек кучуб белин, айши камолини күрунг.

* * *

Вах, не бало қародур, эй шүх, қаро бало күзинг,
Гар худ әмас қаро бало, бас, не бало қаро күзинг.

Гар қаро кун бошим уза ишқ солмоқ истамас,
Бас, не учун қилибдуур мунча қаро Худо күзинг.

Гоҳ итоб этиб, гаҳи ноз қилиб качонғача
Хаста күнгүлга қилғуси жавр била жафо күзинг.

Кирпикинг ўқини кошинг ёсидин отибон мудом,
Қилғуси қасд нотавон жонима борхо² күзинг.

Киймок агар әмас эса максади сабр пардасин,
Тиги мужаҳни³ тез этиб, нега бокар қиё күзинг.

¹ *Мақол* — бу ерда: сүз, нутқ.

² *Борхо* — бу ерда: доим, ҳамина.

³ *Мужаҳ* — мижжа, киприк.

Вах, на илож этайки, бир ўғрин ишорат айлабон
 Ё кошиңг ўлтуур мани ҳар нафас ичра, ё кўзинг.

Огаҳийға тараҳҳум этким, қарамай ниёзиға,
 Ўлтуур они кўргузуб ноз била адо кўзинг.

* * *

Вах, не бало дилкаш эрур, эй шўх, зебо сувратинг –
 Ким, мандин ойрилди кўнгул қилғоч тамошо
сувратинг.

Жисмимға кирди тоза жон кўргач саниким, гўиё,
 Рухи мужассам¹ айламиш Тангри таоло сувратинг.

Бир кимса мислинг кўрмамиш даҳр ичраким,
нақкоши сунъ²
 Асраб экан килки³ ҳунар чекмакка гўё сувратинг.

Суврат киби бежон ўлуб, ҳайратда қолдим, эй пари,
 Токим, тамошю айладим ман зор шайдо сувратинг.

Базми висолингға агар етсам, на ҳол ўлғай манга,
 Кўргач йироқдин бўлмишам мундоқки расво
сувратинг.

Ойина янглиғ рўзу шаб⁴ ҳайрону гунгу лолман,
 То ул замонким, кўрмишам бу ҳайратагзо⁵
сувратинг.

¹ Рухи мужассам — бу ерда: мукаммал ҳусн.

² Сунъ — 1) ясаш, яратиш; 2) иш, ҳунар, маҳорат.

³ Килк — найқалам.

⁴ Рўзу шаб — куну тун, кечакундуз.

⁵ Ҳайратагзо — ҳайратга солувчи.

Шаклинг кўруб ожиз таним топти тавонолиг¹, басе,
Суврат эмастур, жон эрур, албатта, жоно, сувратинг.

Сажда бут оллида качон килмокға майл айлар эди,
Гар курса эрди, эй санам, ахли насоро² сувратинг.

Кил сийратингни³ Огаҳий тузмакка эмди жидду
жахд,

Токай килурсан тузгали майлу тақозо сувратинг.

* * *

Эй манинг комим будур ўпсам яноқингдин сенинг,
Гаҳ кўзу кошингдину гоҳи капоқингдин сенинг.

Мехрибонлиғ кўргузуб келгил қучоқим ичраким,
Гаҳ ўпой лаълингдину гоҳи сакоқингдин сенинг.

Кавсару ҳайвон зулолин истамон, гар катрае
Етса ногаҳ шарбати ширин дудоқингдин сенинг.

Эл висолинг бодасини дам-бадам нўш айлабон,
Ваҳки, ман ҳар дам юторман қон фироқингдин
сенинг.

Гаҳ-гаҳи, нетти, келиб таскин етурсанг васл ила,
Ўт ёнар кўнглумда тун-кун иштиёқингдин сенинг.

Тун кеча келгум дебон кўб ваъда айлаб, келмадинг,
Тушти ўт жонимға бу ёлғон висоқингдин⁴ сенинг.

¹ Тавонолиг — бойлик, бадавлатлик, кудратлилик.

² Насоро — насроний, христиан.

³ Сийрат — юриш-турити, ахлок, одат, табиат.

⁴ Висоқ — аҳд, ваъда.

Огаҳийнинг орзуси буки, бўса айласа
Ҳам лаби лаълингдину ҳам ол янгоқингдин сенинг.

* * *

Қоматинг сарви хиромоним менинг,
Лабларинг гулбарги хандоним менинг.

Дардмандингким, назар қил ҳолима –
Ким, тўкар кон чашми гирёним менинг.

Мехрибонлиғ юз очиб базмимға кел,
Равшан ўлсун шоми ҳижроним менинг.

Жавҳари жоним нисоринг килғоман,
Бўлсанг ушбу кеча меҳмоним менинг.

Истасам шаҳди лабинг, айб этмаким,
Ул эрур дардимға дармоним менинг.

Нетти, кирсанг жон киби оғушима –
Ким, будур кўнглумда армоним менинг.

Огаҳийдек етгуси мақсадига
Кўйинга кўйғач қадам жоним менинг.

* * *

Эй кўнгул, халойиқдин қатъи¹ банди улфат қил,
Жонға истасанг роҳат, ихтиёри узлат² қил.

Нафса бўлуб тобеъ қочмадинг маноҳидин³,
Эмди шарм этиб майли тавбаву надомат қил.

¹ Қатъ — бу ерда: узиш.

² Узлат — ёлғизликни ихтиёр қилиш, хилват.

³ Маноҳи(й) — ман қилинган.

Неча умрлар қилдинг ахли жохға хизмат,
Тарк этиб они эмди факр элиға хизмат қил.

Жидду жаҳд ила ўзни кутқориб халойиқдин,
Гўшаи ҳамул ичра Тангрига ибодат қил.

Ғайб сирри кўнглунгда килмок истасанг жилва,
Соф қилғоли они умрлар риёзат қил.

Истасанг азиз ўлмок ҳар наким берур Тангри,
Рози ўл онгаву шукр айлабон қаноат қил.

Айламак тамаъ элдин хорлиқға мүжибдур,
Айлагунча хор ўзни захр ичарга журъат қил.

Қарилиғ босиб келса касбдин сани ожиз,
Ташлабон тааллукни тарки ранжу меҳнат қил.

Ики даҳр аро қилмай Огаҳийни дармонда¹,
Бир карам била, ё Раб, ишларин кифоят қил.

* * *

Жавру кин ўлмиш улусға расму ойин, эй кўнгул,
Бас, олардин тутма кўз жуз жавр ила кин, эй кўнгул.

Туршрўлиғ² кўргунг элдин гарчи очуқ юз била
Неча изҳор айласант гуфтори ширин, эй кўнгул.

Дилкаш ашъорингни ахли жохға арз айлабон,
Тутма кўз таҳсин олардин ғайри нафрин³, эй кўнгул.

¹ *Дармонда* — бечора, ночор, мушкул ахволда колтан.

² *Туршрў* — бадковок, бадбуруш.

³ *Нафрин* — лаънат, ҳақорат, дуойи бад.

Рұх¹ киби шаҳдин йирок ўлмай десанг бу арсада²,
Хар тарафға мойил ўл андоқки фарзин, эй күнгүл.

Юз қаро бўлмай десанг дуди тамаъдин халқ аро,
Кил қаноат кожидин³ чеҳрангни рангин, эй кўнгүл.

Кибру нахватдур батар инсонға куфру ширкдин,
Кофири ўлсанг ўл ва лекин бўлма худбин, эй кўнгүл.

Аррадек бўлса тишинг тезу ишинг жангу ситеz,
Чикғосан авжи самоға ўйлаким, син⁴, эй кўнгүл.

Чунки даъвойи вафо қилғунг мухаббат расмида,
Гар жафо етса фалакдин бўлма ғамгин, эй кўнгүл.

Бевафолар қилсалар ҳар ваъдаким ёлғон эрур,
Бас, анго олдонмоғил фаҳм айлабон чин, эй кўнгүл.

Гар жаҳон айёрасини истасанг қилмоқ никоҳ,
Аввал эт дин нақдидин омода кобин⁵, эй кўнгүл.

Етмадинг мақсадға деб килма манго кўб сарзаниш⁶,
Найлайн баҳт ўлмаса ман зору мискин, эй кўнгүл.

Чун жаҳонда ком йўқтур — охират коми учун,
Ман қилай йиғлаб дуо, сан дегил омин, эй кўнгүл.

¹ Рұх — шахмат доналаридан бири: фил.

² Арса — майдон, кентлик.

³ Кож — 1) шапалок; 2) изтироб, азият.

⁴ Син — араб алифбосидаги «с» ҳарфи: маъшуканинг тишига ўхшатилади.

⁵ Кобин — маҳр, мол, маблағ.

⁶ Сарзаниш — таъна, маломат, озор, койиш.

Огахийдек дахр аро хар нечаким бадхол¹ эсанг,
Шукр этиб, хар холға қил сабру тамкин², эй күнгүл.

* * *

Истасанг топмоқ саодат, эй күнгүл,
Шевай фақр айла одат, эй күнгүл.

Гар шақилик³ истамассан, бўлмоғил
Ҳамдами аҳли шақоват⁴, эй күнгүл.

Эҳтиroz эт сухбати ашрордин⁵ –
Ким, муассир келди сухбат, эй күнгүл.

Ёри бадни⁶ дебдуурлар мори бад,
Қочмок ондин келди суннат, эй күнгүл.

Гар десанг оламда расво бўлмайин,
Бўлма масти жоми ғафлат, эй күнгүл.

Чунки борди обрўю иззатинг,
Сўнгра суд этмас надомат, эй күнгүл.

Токи ҳосид бор жаҳонда, килмоғил
Орзуи жоху давлат, эй күнгүл.

¹ Бадхол — ҳоли ёмон, ахволи танг; баҳтсиз.

² Тамкин — викор, зътибор.

³ Шақилик — баҳтсизлик.

⁴ Шақоват — бадбаҳтлик, ярамаслик.

⁵ Ашрор — бадкирдор, ёмонлик қилувчи, кўп зарар етка-
зувчи.

⁶ Бад — ёмон, ярамас.

Кил ҳазар ҳуссолдин¹ то етмагай
Молингу жонингға оғат, эй кўнгул.

Ким ҳасад ўти жаҳонни ёқғуси,
Бермайин бир лахза фурсат, эй кўнгул.

Бўлса гар ислом эли афъоли² бу,
Куфр элидин не шикоят, эй кўнгул.

Муфт билгил бору йўкингни бериб,
Халқдин топсанг фароғат, эй кўнгул.

Сан киму ишрат уйиким, айлагил
Байтул аҳзонға қаноат, эй кўнгул.

То бу янглиғ шева бирла топғасен
Эл жафосидин саломат, эй кўнгул.

Хуллас улким, даҳрға силкиб этак,
Кил фано сори азимат³, эй кўнгул.

Огаҳий пандин эшитиб, зинхор
Айла ул азм узра суръат, эй кўнгул.

* * *

Лутф айлабон қошимға, эй гульузор, келгил,
Булбул киби манга йўқ сабру қарор келгил.

Ўлгум фироқинг ичра афғону нола тортиб,
Бу ҳолатимға айлаб раҳм ошкор келгил.

¹ Ҳуссол — ҳасадгўйлар.

² Афъол — феъллар, килмишлар.

³ Азимат — ният, жазм, интилиш.

Ҳажрингда дуди охим оламни тийра килди,
Эй маҳ, юзингни очиб ҳуршидвор¹ келгил.

Бемор ўлуб ғамингда, етдим ёвуқ² ўларга,
Раҳм айлабон суруб от, эй шаҳсувор, келгил.

Рахпинг³ суми⁴ изини ўпмак тилаб туну кун,
Йўлунгға ўзни солиб, бўлдим ғубор келгил.

Ҳажринг ғам тунида етдим ҳалок ўлурға,
Жон жавҳарин йўлингға айлай нисор келгил.

Олғуси Огажийнинг жонини интизоринг,
Бу ёнглиғ они кўйма кўб интизор келгил.

* * *

Юзинг кўргач сабоҳатда моҳи тобон эмиш, билдим,
Лабинг сўрғоч малоҳатда зулоли жон эмиш,
иlldim.

Ўлар ҳолатда ғам зулмоти ичра лаълидин сўрғоч,
Ҳаловатбахш оғзи чашмаи ҳайвон эмиш, билдим.

Ул этти ваъда кўб — ман тортиб онинг интизорини
Ўлум ҳолиға еткач, барчаси ялғон эмиш, билдим.

Қочинг, эй муддайлар, жон керак бўлсаким,
ул қотил
Қилич илгига олиб, озими⁵ майдон эмиш, билдим.

¹ Ҳуршидвор — қуёш каби.

² Ёвуқ — якин.

³ Раҳш — чопкир от.

⁴ Сум — туёқ.

⁵ Озим — азм килувчи.

Чу кўрдим шўру шар¹ тушмиш жаҳон аҳлига
сартосар,
Сабаб бу фитнаға ул нарғиси фаттон эмиш, билдим.
Чиқиб ҳижрон ўтидин, гулшани кўйи аро киргач,
Они ушшоқ элиға равзаи ризвон² эмиш, билдим.
Фано шаҳрида обод айла, эй дил, қасри жоҳингким,
Жаҳон мулки биноси оқибат вайрон эмиш, билдим.
Фалакдин истасанг ком ўл жаҳолатпешаким³,
жоҳил
Сурада комини оламда беармон эмиш билдим.
Жаҳон ахли жаҳон ичра бақо не ёнглиғ истарким,
Олор шаънида куллу-ман-алайҳо фон⁴ эмиш,
билдим.
Тўкардин ашқ, эй кўз, тинмаким, бозори маҳшарда⁵
Онинг хар қатраси бир гавҳари ғалтон эмиш,
билдим.
Гуноҳин Оғаҳийнинг афв, қил, эй дайр пириким,
Они йўлдин чикорған носихи нодон эмиш, билдим.

* * *

Васл аро мушкул ғами ҳижрон эканни билмадим,
Хажр дарди бўйла бедармон эканни билмадим.

¹ Шўру шар — ғавғо, тўполон.

² Равзаи ризвон — жаннат боғи.

³ Жаҳолатпеша — жоҳилликни одат қилган.

⁴ Куллу-ман-алайҳо фон — жаҳондаги хар нарсага фонийлик, йўқлик хосдир.

⁵ Маҳшар — қиёмат кунида барча ўлганлар тирилиб, сўрок учун тўпланадиган жой.

Шукр килмай васлиға тушдим ғами фурқат аро,
Ушбу ғам мундок балойи жон эканни билмадим.

Базмгоҳи васл аро эрдим жаҳондин бехабар,
Ҳажр аро тушкач, жаҳон зиндан эканни билмадим.

Оҳқим, то кирмагунча ҳажр муҳлик даптиға
Васл базми равзай ризвон эканни билмадим.

Етмагунча токи жоним комиға заҳри фироқ,
Ёр лаъли чашмаи ҳайвон эканни билмадим.

Жонға осойиш висол ичра етиб шому сахар,
Ҳажр дардидин ўлум осон эканни билмадим.

Дарди хижрон дафъиға дедимки тортай соғари,
Ёрсиз саҳбойи гулгун қон эканни билмадим.

Борча авкотимни¹ бехуда ўтурдим, гўиё
Умрни бир неча кун меҳмон эканни билмадим.

Огаҳий ёнглиғ ҳамиша айш ила мағрур ўлуб,
Васл аро мушкул ғами хижрон эканни билмадим.

* * *

Юз шукрки, ушбу кеча жононима етдим,
Гарчи онга еткунча неча жонима етдим.

Фурқат каро шоми ғами зулмотига кирган
Бир Хизр эдим — чашмаи ҳайвонима етдим.

Парвонаи саргашта эдим ҳажр тунида
Юз эмгак² ила шамъи шабистонима етдим.

¹ Авқот — вакълар, умр, замон.

² Эмгак — меҳнат, машаққат, кийинчилик.

Бир булбул эдим — гул ғами хорини чекардин
Ўлмакка етушканда гулистонима етдим.

Жон кирса ўлук жисмина эмди ажаб эрмас —
Ким, жон берибон Исоий давронима етдим.

Кўб муддат эди хоки мазаллат аро қилғон,
Бир дурри ятим¹ эрдиму уммонима етдим.

Ушшок аро қадрим, не ажаб, бўлса фузунроқ —
Ким, ёри вафодору қадрдонима етдим.

Армон эди кўнглумға висолиға етушмак,
Толеъ манга ёвар бўлуб, армонима етдим.

Юз кўйса, не тонг, куллуқима, Огаҳий шахлар —
Ким, куллук этиб, даргахи сultonима етдим.

* * *

Юзингни боғ аро кўрдим — гули аҳмар хаёл этдим,
Лабингни базм аро сўрдим — тунги шаккар² хаёл
этдим.

Тамошо айлабон пайваста қошинг бирла рухсоринг,
Туғубдур қавс буржидин³ маҳи анвар хаёл этдим.

Хаётафзо⁴ лабинг узра хати жонпарваринг⁵ кўргач,
Масихо бирла ҳамдам Хизр пайғамбар хаёл этдим.

¹ Дурри ятим — 1) садаф ичиди якка ўзи етишган йирик марварид; 2) кимматбаҳо марварид, тенгсиз дур.

² Тунги шаккар — шакар солинган идиш.

³ Қавс буржси — ўн икки бурждан тўққизинчиси: 22 ноябрь — 21 декабрь.

⁴ Хаётафзо — хаёт бағишловчи.

⁵ Жонпаргар — кувват берувчи, роҳат бағишловчи.

Зарофат бирла сўз айтур чоғи базм ичра тор оғзинг
Очилмишдур сочарға ҳуккай гавҳар хаёл этдим.

Дурахшон¹ гавҳар осилғон кўруб юз узра
бушингдин,

Кирон эткан қуёш бирла мунир ахтар хаёл этдим.

Кўруб тавру ясокингни² паривашлар сафи ичра,
Сани шоҳу оларни чокару лашкар хаёл этдим.

Не шахким, ғамза тигин тортибон борча кўнгул
мулкин

Мусаххар³ қилғоли азм эткан Искандар хаёл этдим.

Жанобинг⁴ тошу туфрокини ёстонсам, тонг
эрмаским,

Оларни ман мулойим болишу бистар хаёл этдим.

Килибсан Огаҳий ташбих ул ой рухсорини кунга,
Ғалат эркан сани ман асрү донишвар хаёл этдим.

* * *

Етиб васлингға бўлди барча олам шод, ман колдим,
Даме бўлмай фирокинг бандидин озод ман колдим.

Топиб ширин сўзингдин муддаийлар ком ила роҳат,
Кўруб коғир кўзингдин зулм ила бедод ман колдим.

Тузуб эл гулшани базминг аро ишрат навосини,
Чекиб ғам маҳбасида нолаву фарёд ман колдим.

¹ *Дурахшон* — порлок, ялтирок, ёрут.

² *Ясоқ* — бу ерда: карор, тартиб.

³ *Мусаххар* — таслим, тобе, қарам бўлиш.

⁴ *Жаноб* — бу ерда: даргоҳ, остона, ҳузур.

Хама ишк аҳли топти комини васлинг шаробидин,
Ичарға захри ҳажрингни бўлуб мұттод¹ ман қолдим.

Фигонким, баҳра олиб ўзгалар таълим лутфингдин,
Маишат илми ичра бўлдилар устод, ман қолдим.

Хама мақсад арусин² ақд³ этиб, ком айлади ҳосил,
Вале юз саъй этиб, бўлмай анго домод⁴, ман қолдим.

Эшилкил додим, эй хўблар шаҳиким,
ильтифотингдин
Бори эл истаганча олди комин, дод, ман қолдим.

Хама олиб иноят мазраъидин донаи хирман,
Вале сомони⁵ умримни бериб барбод, ман қолдим.

Қилиб аҳли қабул⁶ имдод⁷ лутфингдин бино юз каср
Ва лекин айлай олмай бир катак бунёд, ман қолдим.

Карамдин туз бузук ҳолимниким, меъмори
лутфингдин
Хама обод бўлди, бўлмайин обод ман қолдим.

Тонг эрмас изтиробим Огаҳийки, ўзга куллардек
Карифон чоғда ғамдин бўлмайин озод, ман қолдим.

¹ Мұттод — ўрганган, одатланган.

² Арус — келин, келинчак.

³ Ақд — боғланиш.

⁴ Домод — куёв.

⁵ Сомон — бу ерда: имконият.

⁶ Аҳли қабул — Ҳакқа севимли кишилар, муносиб деб танланганлар.

⁷ Имдод — кўмак, ёрдам, мадад.

* * *

Манки, бу кун бир париваш дилрабоға учрадим,
Үлмагунча айрила олмас балоға учрадим.

Эмди жондин гар умид узсам, тонг эрмас, бўйлаким,
Кўзи котил, кирпиги ўқ, коши ёға учрадим.

То онинг рухсори пуранворига¹ килдим назар,
Зарраи дурманки, меҳри пурзиёға² учрадим.

Зулфиға тушти кўзим бокмок тилаб рухсорига,
Вах, нетойким, ганж истаб, аждаҳоға учрадим.

Васлидин кўб ваъда айлаб, килмади бирга вафо,
Ҳеч билмонким, на ёнглиғ бевафоға учрадим.

Эй табиб, эмди давое айламакдин чек қўлинг –
Ким, мани дилхаста дарди бедавоға учрадим.

Отахий, айб айлама оҳу афғонимким, бу кун
Бир нигори тундхўю³ пуржафоға⁴ учрадим.

* * *

Дўстлар, бу кун ажаб бир сарвқомат кўрмишам,
Сурати бошдин-аёқ ғарки латофат кўрмишам.

Офтобосо⁵ мунаvvар талъати фархундасин
Оlam аро ахтари авжи саодат кўрмишам.

¹ Пуранвор — нурли, шуълали.

² Пурзиё — нурли, порлок.

³ Тундхў(й) — жаҳли тез, ўжар.

⁴ Пуржафо — жафоси қўп, золим, ситамгар.

⁵ Офтобосо — офтоб каби.

Юзларининг шаклини англаб гули гулзори лутф,
Кўзларининг суратин айни иноят кўрмишам.

Жонфизо ширин лабини топмишам оби ҳаёт,
Рухпарвар¹ нуктасин дурри зарофат кўрмишам.

Кочса хушим, тонг эмас, кўргач киёми қоматин –
Ким, мани ҳайрон они койим киёмат кўрмишам.

Турғонин базм ичра илгин қовшуруб одоб била,
Бекарору музтариб² кўнглумга роҳат кўрмишам.

Жон киби нозик белида фўтаи³ зар остида
Беш қабзи⁴ тифини жонимга офат кўрмишам.

Билгуси ҳар муддао хотир аро қилғоч хутур⁵,
Табъига маҳсус онинг фахму фаросат кўрмишам.

Кўрмадим монанд онга чобуклик⁶ ичра нечаким,
Дилраболар жилвасин беҳадду ғоят кўрмишам.

Билмадим ҳолим не ерга ойид ўлғой оқибат –
Ким, ўзим шавкида кўб бесабру тоқат кўрмишам.

Отажий, эмди манга ўлмақдин ўзга чора йўқ –
Ким, бу кун жонимда дардин бениҳоят кўрмишам.

¹ Рұғпарвар — жонга кувват бағишлиовчи, роҳат берувчи, ёқимли.

² Музтариб — изтироб чекувчи, бетокат, бекарор.

³ Фута — белбоғ, ипак белбоғ.

⁴ Қабз — бу ерда: қабза, яъни даста.

⁵ Хутур — эсга келиш, хаёлдан кечиш.

⁶ Чобук — 1) тез, чаккон, илдам; 2) шўх, ўйноки, гўзал.

* * *

Менинг максудим улдурким, санинг бошингдин
айлансам,
Оёкингға бўлуб садқа, кўзу қошингдин айлансам.

Чу сен келдинг кичик ёпинг била холимни
сўрмокға,
Керакдур ман қари банданг кичик ёшингдин
айлансам.

Сўруб холимни лаълингдин гуҳар сочтинг,
муносибдур
Бериб жон жавҳарин лаъли гуҳарпошингдин¹
айлансам.

Бу кун бир шўх ила йўлдош ўлуб келдинг, эрур
лозим
Санга ман садқа бўлсам, доғи йўлдошингдин
айлансам.

Ики зулфинг тушубдур чирмashiб ўтлуғ юзинг
узра,
Ёниб жоним, не тонг, ул икки чирмошингдин
айлансам.

Итим деб шўхликлар кўргузуб, отдинг манга
бир тош,
Ажаб йўқ, ит киби сачраб туриб тошингдин
айлансам.

¹ Гуҳарпош — гавхар сочувчи.

Азал нақкоши¹ нақшинг булъажаб² чекмиш, ажаб
эрмас,
Тамошо айлабон нақшингни, нақкошингдин
айлансам.

Боқиб кўз остидин пинҳону фош этдинг тағофиллар,
Ниҳонингға, не тонг, бўлсанм фидо, фошингдин
айлансам.

Килиб раҳм, Огаҳий, кўз ёшинга келди ҳамул
ёшинг,
Бу ёшингдин, не тонг, эврулсанм, ул ёшингдин
айлансам.

* * *

Кўюнг, йиглайки ушбу кун севар ёримдин
айрилдим,
Муруватлиғ, мухаббатлиғ вафодоримдин
айрилдим.

Баҳори васл аро бир андалиби хушнаво эрдим,
Етиб хижрон ҳазони, тоза гулзоримдин айрилдим.

Ҳазин кўнглумни кимга боғлайнин, вах, эмдиким,
бу кун
Фалак зулм айлабон хушхўй³ дилдоримдин
айрилдим.

Ғаму дардимға чора кимдин истайким, мани маҳзун
Муину мушфику дилжўй ғамхоримдин айрилдим.

¹ Азал нақкоши — Худо.

² Булъажаб — энг кизик, хайрон қоларли, ажойиб.

³ Хушхўй — хупифеъл, хуштабиат.

Ажаб йўқ ним бисмил қуш масаллик
изтиробимким,
Хумопарвозу¹ маъни сайд шунқоримдин айрилдим.

Жаҳон бозорида қадрим матоъи гар эса косид,
Тонг эрмаским, муҳаббатли харидоримдин
айрилдим.

Карилиғ чоғида кувват кетиб, афтода бўлғонда
Жувондавлат², фалаккудрат мададкоримдин
айрилдим.

Нихон розим, тонг эрмас, эмди бўлса элга зохирким,
Анису маҳрам ўлғон соҳибасроримдин³ айрилдим.

Мани мотам тунида Оғаҳийдек ёлғуз, эй аҳбоб,
Кўюнг, йиглайки ушбу кун севар ёримдин
айрилдим.

* * *

Санго мандин, эй дилбари хушхиром,
Салому салому салому салом.

Агар хажр ўти килди жисмим ёкиб,
Тамому тамому тамому тамом.

Вале шодлиғ бирла сан соғ бўл
Мудому мудому мудому мудом.

¹ Хумопарвоз — ҳумодай парвоз килувчи. Ҳумо — кимнинг бопига сояси тушса, ўша киши баҳтли бўлади, леб зътиқод қилинадиган афсонавий давлат қуши.

² Жувондавлат (жанондавлат) — баҳтли, толели, хушбахт.

³ Соҳибасрор — сир соҳиби, ориф, валий.

Эрур сан шаҳу ман қопунгда¹ камин²,
Ғулому ғулому ғулому ғулом.

Качон итларинг ичра бўлғай манго
Макому макому макому маком.

Манга сансизин хоб роҳат эрур
Хирому хирому хирому хиром.

Эрур фуркатинг тийғига хаста жон
Ниёму³ ниёму ниёму ниём.

Ўзинг кошки тортсанг катлима
Ҳисому⁴ ҳисому ҳисому ҳисом.

Юбор Оғаҳийға гаҳи лутф этиб
Паёму⁵ паёму паёму паём.

* * *

Илохи, ҳар кунинг Наврӯз бўлсин!
Ҳамиша толеъинг феруз⁶ бўлсун!

Бўлуб айёми Наврӯзунг муборак
Замиринг инбисотандуз⁷ бўлсун!

¹ Қопу — эшик, дарвоза.

² Камин — камтарин, хоксор.

³ Ниём — кин, гилоф.

⁴ Ҳисом — тиф, шамшир.

⁵ Паём — хабар, дарак.

⁶ Феруз — баҳтли, толели.

⁷ Инбисотандуз — шодликка тула.

Килиб партавфиканлик¹ айни адлинг,
Куёшосо жаҳонафрўз² бўлсун!

Санго дойим бўлуб давлат куни ром,
Шикорандозу³ дастомуз⁴ бўлсун!

Аду⁵ ваҳшиларини сайд этарға
Ўку тиғинг уқобу⁶ юз⁷ бўлсун!

Кишиким истаса саркашлиғ этмак,
Боши йўлингда анинг туз бўлсун!

Тараб меҳри ҳамиша пок кўнглунг,
Сипехр авжида маркуз⁸ бўлсун!

Тарабгоҳинг⁹ аро хайёти гардун,
Канизу золи хилъатдўз¹⁰ бўлсун!

Кўруб лутфингни ҳар тун Огаҳийнинг
Насиби ишрати Наврўз бўлсун!

¹ *Партавфикан* — нур сочувчи, нурафшон.

² *Жаҳонафрўз* — жаҳонни ёритувчи.

³ *Шикорандоз* — ўлжа бўлган, асири, гирифткор.

⁴ *Дастамуз* — кўлга ўргатилган.

⁵ *Аду* — душман, ёв, ракиб.

⁶ *Уқоб* — бургут.

⁷ *Юз* — овда фойдаланиладиган йўлбарсдан кичикрок йирткич ҳайвон.

⁸ *Маркуз* — событ, баркарор, мустаҳкам.

⁹ *Тарабгоҳ* — шодлик, хурсандчилик жойи, айш-ишрат мақони.

¹⁰ *Хилъатдўз* — кийим тикувчи.

* * *

Эй күёш, юзинг очким, ғам тунида зорингман,
Сидқ ила нафас урғон субҳи беғуборингман.

Сан жамолу ҳашматда¹ ҳусн мулки шоҳисан,
Ман малолу кулфатда бандай низорингман.

Килма айб, агар килсам ишқинг ичра ожизлик,
Карилиғ юки босқан зору bemадорингман.

Гарчи ўзгалар ёнглиғ айлай олмоғум хизмат,
Лек олар каторида бир уммидворингман.

Неча умрлардурким, фуркатинг ғами ичра
Йиглабон кеча-кундуз зору бекарорингман.

Марҳамат кўзи бирла ҳолима назар қилғил,
Кўйинг ичра ер тутғон бир дуогузорингман².

Истасам азиз ўлмоқ, тонг йўқ, илтифотингдин,
Чунки Отахий ёнглиғ ишқинг ичра хорингман.

* * *

Ҳар кишиким, топса завқи напъяе паймонадин³,
Бир нафас чикмас кубосо⁴ тўшай майхонадин.

Изтиробим тонглама базми висолинг ичраким,
Бекарор ўлмоқ, не тонг, кўргач пари девонадин.

¹ Ҳашмат — 1) дабдаба, шону шавкат, буюклиқ, салтанат;
2) хурмат, обрў-эътибор.

² Дуогузор — дуо килувчи, дуогўй.

³ Паймона — қадаҳ, май пиёласи.

⁴ Кубосо — куб каби.

То юзинг май тобидин гул очти — кўнглум булбули
Бир нафас фориғ эмастур нолай мастанадин.

Йўқ ажаб, жоним куши бошингдин эврулса мудом —
Ким, тонг эрмас садқа бўлмок шамъға парвонадин¹.

Эй кўнгул, гар хуррам ўлмок истасанг, бўл хоксор —
Ким, кўкормак мумкин эрмас ерга тушмай донадин.

Оқил эрсанг, нақди умринг килмогил бехуда сарф —
Ким, бу иш эрмас муносиб ҳеч бир фарзонадин.

Келди асбоби жаҳон² авсофи³ ғафлат мужиби,
На учунким уйқу ҳосил бўлғуси афсонадин.

Сидқу ихлос ўлса кимда, жамъ ўлур ҳосил мурод —
Ким, туғор мундок ўғул андоқ атову онадин.

Шодкоми мақсад ўлмок, Огаҳий, қилма ҳавас,
То чикормай ўзни бу кулфатфизо⁴ ғамхонадин.

* * *

Мужда, эй шайдо кўнгулким, келди жононим
бу кун,

Етди максуди муродига ҳазин жоним бу кун.

Гар ўлук жисмимға кирса тоза жон, эрмас ажаб —
Ким, етушти лутф этиб Исоий давроним бу кун.

¹ Шам ва парвона — тасаввуф шеъриятидаги машҳур тим-соллардан. Бунда шам — илоҳий ишқ, парвона — ошиқ тимсоли бўлиб келади.

² Асбоби жаҳон — дунё бойликлари, неъмат ва лаззатлари.

³ Авсоф — васфлар, мактоворлар, таърифлар.

⁴ Кулфатфизо — кулфат ортирувчи.

Зулмати шоми фирокимни ёрутди субҳдек
Жилва айлаб, юз очиб хуршиди тобоним бу кун.

Бўлса гўё тўтиосо эмди лол ўлғон тилим,
Айлама ҳайратки, етди шаккаристоним бу кун.

Ғунча ёнглиғ танг бўлғон кўнглум очти гул киби
Неча сўз бирла лаби гулбарги хандоним бу кун.

Ғам туни зулмотида бўлди қуёшим жилвагар,
Шодлиғ ашқини тўк, эй чашми гирёним, бу кун.

Бошига парвонадек эврулсам эмди хуштуур –
Ким, ёрутди мажлисим шамъи шабистоним бу кун.

Оғаҳий, армон эди кўнглумға бир кўрмак юзин,
Қолмади, юз шукрким, кўнглумда армоним бу кун.

* * *

Юзинг очким, қуёш садқанг бўлуб, бошингдин
айлансун!
Янги ой юз тавозуз кўргузуб, кошингдин айлансун!

Агарчи лаълу ёкут эл замираға муфарриҳдур¹,
Ҳаётафзо ики лаъли гухарпошингдин айлансун!

Тану жоним ҳадаф² айлаб, ўку тош отсанг, эй чобук,
Бири ўқингдин эврулсун, бири тошингдин
айлансун!

¹ Муфарриҳ — шодлик келтирувчи, хурсандлик бағишловчи.

² Ҳадаф — нишон.

Рақибинг гар эрур хасмим¹, они йўлдош этуб
келсанг,
Санга жон садқа бўлсун, жисм йўлдошингдин
айлансун!

Чу ўн саккизга етти ёшинг, ол бурқаъ
жамолингдин –
Ки, ўн саккиз минг олам² ўн сакиз ёшингдин
айлансун!

Боқиб кўз учидин пинхону фош этдинг тағофиллар,
Йўку борим ҳамул пинхон ила фошингдин
айлансун!

Неча каллош³ эсам ҳам ағниё⁴ оллида бош эгмон,
Фанийлар ҳиммат ичра ушбу каллошингдин
айлансун!

Чу бергунг нон ила ош, эй сахий, сидқ ахлиға
бергил,
Риёву кизб ахли⁵ нон ила ошингдин айлансун.

Ул ой кўнглиға қилди Оғаҳий оҳу ёшинг таъсир,
Бори жону жаҳоним оҳ ила ёшингдин айлансун!

¹ *Хасм* — душман, рақиб, мухолиф.

² Диний тасаввурлар ва тасаввуф фалсафасига кўра, ўн саккиз минг олам мавжуд. Бу тушунча қоинотнинг бепоёнлиги ва мавжудотнинг беҳисоблигини англатади.

³ *Каллош* — ҳеч нарсаси йўқ, бир ерда қарор толмаган.

⁴ *Ағниё* — бойлар, бадавлатлар.

⁵ *Кизб ахли* — кассоблар, ёлғончилар, найрангбозлар.

* * *

Тарахҳум айлабон, эй меҳрибоним, нега
келмассан –
Ки, етти чикқоли хажрингда жоним, нега
келмассан?

Ўтуб умрим фирокингда ёвук етмишман ўлмакка,
Кошимға бир дам, эй Исонишоним, нега
келмассан?

Кошимдин то кетиб, кўздин ниҳон ўлдинг пари
ёнглиғ,
Жунун дашти аро бўлди маконим, нега келмассан?

Ғамингнинг ўқлари кўнглумға ҳар ёндин солиб
рахна,
Бўлубман бекарор, оромижоним, нега келмассан?

Бало хайли тузуб лашкар, манинг жонимға қасд
айлаб,
Бу дам, эй хисрави соҳибқироним¹, нега келмассан?

Бўлубман фурқатингда хаставу bemor, сўрмоқка
Мани бор эрди деб бир нотавоним, нега келмассан?

Мани овворани хижрон ўтиға ташлабон билкулл,
Килиб нобуд пинхону аёним, нега келмассан?

Шикебу ақлу хуш иттию ҳам жон чикқоли етти,
Килиб раҳм, эй хаёти жовидоним, нега келмассан?

¹ Хисрави соҳибқирон — баҳти соятда туғилган подшоҳ.

Ғамингда Отахий йиғлаб туну кун зору махзундур,
Суруди¹ ишрат ила комроним, нега келмассан?

* * *

Вахки, мендин ёшурун ёр ўзгаларга ёр экан,
Кечалар хилват аро базми ниҳони бор экан.

Хотиримни зоҳираң юз ваъдадин хушнуд этиб,
Ботинан кўнгли ҳамиша мойили ағёр экан.

Ошкоро тил учи бирла бўлуб мойил манго,
Кўнгли майли ўзга элга ёшурун бисёр экан.

Девсират² муддайилар сори рағбат кўргузуб,
Ман ҳазину бедилу бечорадин безор экан.

Ҳар кеча ишрат майин нўш айлабон авбопи³ ила,
Тонгғача масти шароби соғари саршор экан.

Чун ниҳон ағёр ила базм этмиш ул султони ҳусн,
Фаҳм қилдимки, анга ман хаста қулдин ор экан.

Кўнгли сандин ўзгаларга роғиб ўлмиш, эй кўнгул,
Умрлар ишқида меҳнат чекканинг бекор экан.

Ошиқеким, топса ҳосид гар онинг ёриға қурб⁴,
Бу жаҳон ичра тирик эрмак онга душвор⁵ экан.

¹ Суруд — куй, оҳанг; қўшиқ, ашула.

² Девсират — ярамас, бадкирдор.

³ Авбопи — бебош, ярамас.

⁴ Қурб — яқинлик, етишиш.

⁵ Душвор — қийин, оғир, мушкул.

Бор топмишлар рақибу муддайлар ёр оллида,
Огахий, эмди санга ул кўй аро не бор экан?

* * *

Шод кўнглунгға ҳаводисдин даме ғам бўлмасун,
Лаҳзай жоми нишотинг даврсиз ҳам бўлмасун.

Етмайин то субҳи маҳшар офати айн ул-камол¹,
Мехри икболинг зиёси заррача кам бўлмасун.

Давлатинг аъдосин этсун ўйла Ҳак маъдумки²,
Ул жамоатдин асар оламда бир дам бўлмасун.

Истаса раъйинг хилофи бирла кўнглин кимса шод,
Кўнгли онинг даҳр аро бир лаҳза хуррам бўлмасун.

Хотири софингки, бир ойинадур гетинамо³,
Бир нафас занги маломат бирла музлам бўлмасун.

Хуштуур олам санинг зоти ҳумоюнинг била,
Истарамким, сансизин бир лаҳза олам бўлмасун.

Огахий йиғлаб, дуойи давлатинг айлар мудом,
Сидки ашқидин замоне кўзи бенам бўлмасун.

* * *

Жунун даштида қочма, эй кўнгул, санги⁴

маломатдин —

Ки, бу водига кирган юз звурмас ҳеч офатдин.

¹ Айн ул-камол — камолот, балоғат.

² Маъдум — йўқ, йўқ бўлган.

³ Гетинамо — жаҳонни кўрсатувчи, ойинаи жаҳон.

⁴ Санг — тош.

Агар ошиқ эсанг, сабр айла шиддатлиғ балоларға –
Ки, ишқ ичра қутулмок мумкин эрмас ранжу
мехнатдин.

Ичурса сокийи даврон агар нокомлиғ захрин,
Эр эрсанг, они шириң англа шаҳдомиз¹ шарбатдин.

Сипар² кил бошинга бу размгоҳ ичра қаноатни,
Агар мактул³ бўлмоқ истамассан тиги миннатдин.

Ривож истар эсанг мақбул ўлуб ахли замон ичра,
Дегил сўз борҳо фиску фасоду айшу ишратдин.

Десанг хор ўлмойин мардуд ўлуб дахр ахли оллида,
Даме тил очмоғил кайфияти гўри киёматдин.

Кўрунмас эл кўзига бир муҳаккар зарра микдори,
Ўзингни туфроқ этсанг нечаким ранжу риёзатдин.

Баҳойим⁴ янглиғ эт қорнинг четан, бўйнингни
гупчакдек,
Тилар эрсанг агар инъоми вофир ахли неъматдин.

Такаббур бирла қил шайтон киби макру хасад пеша,
Гар истихсону⁵ таслим истасанг арбоби давлатдин.

¹ Шаҳдомиз — асал кўпилган.

² Сипар — калкон.

³ Мактул — катл қилинган, ўлдирилган.

⁴ Баҳойим — хайвонлар, тўрт оёкли хайвонлар.

⁵ Истихсон — мақташ, маъкуллаш.

Агар ширин сўзингдин дахр аро юз минг шакар
сочсанг,
Они захр айлагай бир талх¹ нукта ахли ғийбатдин.
Агарчи, Огахий, дўзах ўти мухликдуур усру,
Вале йўқ бир шаарча оташи сўзони фурқатдин.

* * *

Шодлиғ топти кўнгул, билмонки, жонон келдиму?
Етти қувват нотавон жисмим аро жон келдиму?

Үлмиш эрдим ҳажр дардидин бу дам топдим ҳаёт,
Лутф этуб ман хастага Исаий даврон келдиму?

Топти равшанилиғ ғамим шоми саодат субҳидек,
Жилва айлаб, юз очиб, хуршиди тобон келдиму?

Эрди жон боғи қуруғ, топти яна сарсабзлиғ,
Они хуррам айламакка оби ҳайвон келдиму?

Ҳажр шоми тийра бўлғон кўзларимға етти нур,
Мехрдек партав сочиб, шамъи шабистон келдиму?

Топти ғамгин хотирим андозасиз айшу нишот,
Дилситоним шодлиғ айлаб, фаровон келдиму?

Борди жисмимдин ҳаводис офтобининг таби²,
Соя бошимға солурға зилли Субҳон³ келдиму?

Мўрдек ожиз эдим, коплон киби бўлдим кавий,
Лутф ила Жамшид савлатлиғ Сулаймон келдиму?

¹ Талх — аччик.

² Таб — иссиқлик, ҳарорат.

³ Зилли Субҳон — Аллоҳнинг сояси. Субҳон — Аллоҳ таолонинг исмларидан бири.

Огаҳийнинг жони кўнгли топти мақсаду мурод,
Бергали комин онинг давлатли султон келдиму?

* * *

Эй кўнгул, толиб эсанг мақсад майи ошомиға,
Кир фано дайриғаву кўл сун¹ тажарруд² жомиға.

Ушбу маҳфилдин тааллук қатъин³ этким, арзимас
Нечаким қолмиш эсанг кулфат коронғу шомиға.

Истама ёқмок муруват шамъин аҳли даҳрдин,
Нечаким қолмиш эсанг кулфат коронғу шомиға.

Комронлар лутфидин кўз тутма комингким, олар
Элни ноком айламак бирла етарлар комиға.

Очма дунё аҳли хони базлиға дасти⁴ тамаъ,
Гар десанг банд ўлмойин ўлгунча миннат домиға.

Ногуворо⁵ луқма ёнглиғ келди рад мусталзими,
Fappa бўлма нокаси навқисалар⁶ инъомиға.

Юз кўй ул шаҳи даргоҳифаким, бори шоҳу гадо
Боғламишлар белни кўйи тавфининг эхромиға.

Умрдур камфурсат асру истама ондин бако –
Ким, шаардек муттасил оғозидур анжомиға.

¹ Сунмоқ — чўзмок, узатмок.

² Тажарруд — ёлғизлик, дунёвий нарсалардан воз кечиш, тарки дунё қилиш.

³ Тааллук қатъи — боғлиқликларни тарк этиш.

⁴ Дасть — кўл.

⁵ Ногуворо — ёқимсиз таом.

⁶ Навқиса — молу давлатга энди етган киши.

Огахий, бас нега авқотингни зоёй айлагунг,
Чун билурсанким бақо йўқтур ҳаёт айёмиға.

* * *

Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод
устина,
Катлим учун нас келтуур нун элтибон сод¹ устина.

Килғил тамошо комати зебоси бирла оразин,
Гар кўрмасанг гул бўлғонин пайванд шамшод
устина.

Нозу адоу ғамзаси қасдим қилурлар дам-бадам,
Вах, мунча оғатму бўлур бир одамизод устина?!

Ман хастаға жон асрамоқ эмди эзур душворким,
Котил кўзи бедод этар ҳар лаҳза белод устина.

Ул гул юзи шавқи била шайдо кўнгул шому сахар,
Булбулдек айлар юз наво минг навъ фарёд устина.

Бошимға ёққон ғам тоши мингдин бирича бўлмоғой,
Гардун агар минг Бистун² ёғдурса Фарход устина.

Эй шах, карам айлар чоғи teng тут ёмону яхшини –
Ким, меҳр нури teng тушар вайрону обод устина.

¹ Нун — араб алифбосидаги «н» ҳарфи. Сод — араб алифбосидаги «с» ҳарфи. Бу икки ҳарф бирикишидан нас — ҳукм сўзи ҳосил бўлади.

² Бистун — Ҳамадон шахри ғарбидаги тоғ. Фарход шу тоғни казиб, йўл очган деган ривоят бор.

Хокий¹ танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуруб бод²
устина.

Не журъат ила Огаҳий очқай оғиз сўз дергаким,
Юз хайли ғам қилмиш хужум ул зору ношод³
устина.

* * *

Дедим: Комимни ширин айла лаълинг шаккари
бирла,

Деди: Очма оғиз бундай каломи сарсари⁴ бирла.

Дедим: Бир тун мани базминга еткур,
эй парипайкар,

Деди: Мушкулдуур одамға базм этмак пари бирла.

Дедим: Очғил юзинг то жон топай лаълинг килиб
бўса,

Деди: Мактул ўлурсан кирпикимнинг ханжари
бирла.

Дедим: Бу хоксоринг бирла бир оқшом ҳамоғуш⁵
ўл,

Деди: Топмас маъият⁶ хок меҳри ховари⁷ бирла.

¹ *Хокий* — тупроқдан яратилган.

² *Бод* — ел, шамол.

³ *Ношод* — хафа, ғамгин, кайғули.

⁴ *Сарсар* — кучли ва совук шамол, даҳшатли бўрон, довул.

⁵ *Ҳамоғуш (ҳамканор)* — қучоқлашган, бағрига олган.

⁶ *Маъият* — ёндашиш.

⁷ *Ховар* — шарқ, кун чиқиш.

Дедим: Раҳм айлабон ҳолимни сўр, эй хўблар шоҳи,
 Деди: Шах сўзлашурму бандаларнинг аҳқари
 бирла.

Дедим: Заррин ўтоғанг¹ узра гавҳар хуб
 ярошибдур,
 Деди: Қилмиш кирон хуршиди анвар
 Муштари² бирла.

Дедим: Жоним куяр ҳар лаҳза ўт узра сипандосо³,
 Деди: Фикр айлама лаълимни ҳоли анбари бирла.

Дедим: Юз узра лаълинг жон бағишлар оби
 ҳайвондек,
 Деди: Тенг тутмоғил ҳар сўзни жаннат кавсари
 бирла.

Дедим: Бўлмиш манга кам нақди лутфинг ўзгадин
 невчун,
 Деди: Сан бой эрурсан ганжи маъни гавҳари бирла.

Дедим: Қайси киши комиға еткай базми
 васлингдин,

Деди: Ондоқ кишиким, моли воғирдур зари бирла.

Дедим: Невчун қочарсан Оғаҳийдин кўргузуб
 нафрат,
 Деди: Кучмоқ тилар белимни жисми логари⁴ бирла.

¹ Ўтага — бошга такиладиган жига.

² Муштари — Юпитер сайёраси.

³ Сипандосо — исирик каби.

⁴ Логар — ориқ.

←(ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)→

* * *

Келди чун лутф айлабон кулбамға ёрим бу кеча,
Танда таскин топти жони бекарорим бу кеча.

Сурати зебосиға килгоч назар ойинадек,
Хайрат ичра колди чашми ашқборим бу кеча.

Борибон хушим йиқилдим оллида туфрок киби,
Англамай бу олам ичра йүку борим бу кеча.

Бу ажабким, жонға еткач айлабон тарки ҳаёт,
Түшти туфрокка ўлукдек жисми зорим бу кеча.

Ушбу ҳолимни күруб, ул шўх айлаб илтифот,
Деди: не бўлди санга, эй хоксорим, бу кеча?

Тур ерингдин эмдиким, айларга келмишман сани
Нақди васлим ганжиға ганжинадорим¹ бу кеча?

Умрлар ичдинг фироқим захрини, эмди санга
Вакф килдим лаззати бўсу канорим² бу кеча.

Хоҳ қучғил, хоҳ ўп инак³ белу, инак оғиз,
Илгинга бердим инону ихтиёrim бу кеча.

Ишким ичра кўзу кўнглунг пок эрконин билиб,
Хосил этмак мақсадинг бўлди шиорим бу кеча.

Манки махмури майи васли эдим, юз шукрким,
Килди ул май нашъаси дафъи хуморим бу кеча.

¹ Ганжинадор — казиначи, казинабон.

² Канор — бу ерда: кучок, оғуш.

³ Инак — бу ерда: энди.

Огахий бергайму эрди дүст мундок базму айш,
Бўлмаса гар ёр лутфи дастёrim бу кеча.

* * *

Келдилар кулбамға неча дилраболар бу кеча,
Кўргузуб ман хастаға меҳру вафолар бу кеча.

Тийра шомимни мунаvvар қилғали хуршиддек,
Юз очиб еткурдилар нури зиёлар бу кеча.

Ҳар бири бир ўзга турлук илтифот айлаб, мани
Қилдилар мустағраку¹ лутфу атолар бу кеча.

Бириси очиб табассум бирла лаъли дуржини²,
Нуктасидин сочти дурри бебаҳолар бу кеча.

Бири соз айлаб адаб бирла тараб конунини,
Чекти то тонг отғуча дилкаш наволар бу кеча.

Бириши ўйнаб паридек, ўртада раккос ўлуб,
Олди хушим кўргузуб нозуadolар бу кеча.

Бири айлаб лаб-балаб гулгун қадаҳлар дам-бадам,
Оғзима тутди майи ишратфизолар³ бу кеча.

Бири мастона ўзин огушим ичра еткуруб,
Айлади хосил манго кўб муддаолар бу кеча.

¹ Мустағрак — ўзлигини йўқотган, бирор нарсага қаттиқ берилган.

² Дурж — садаф, кимматбаҳо тошлар сакланадиган кутича.

³ Ишратфизой — айш-ишратни ҳадди аълосига етказадиган.

Интиҳойи¹ умрида шаҳ шафқатидин Оғаҳий,
Топти мундок ишрати беинтиҳолар² бу кеча.

* * *

Кел, эй маҳзун кўнгул, хўй эт ғаму андуҳу кулфатға,
Талабкор ўлма ҳаргиз инбисоту айшу ишратға.

Нединким, чархи кажрав³ гардишидин етмади
харгиз

Килиб юз саъю кўшиш⁴ ростравлар⁵ кому роҳатға.

Хасосат аҳлининг⁶ комини гардун айлабон ҳосил
Етургай доимо нокомлиғлар аҳли ҳимматға.

Зухадек⁷ тийрадиллар иззат авжиди маком айлаб,
Куёшдек соғдиллар туштилар хоки мазаллатға.

Тараб базми аро бекорлар доим қилиб ишрат,
Ҳамиша хизмат аҳли мубталодур ранжу меҳнатға.

Оларким бехунардур — дам-бадам хильъат⁸ кийиб
кат-қат,
Хунар аҳли vale мухтоҷдур бир кўхна кисватға⁹.

¹ Интиҳо — охир, сўнг, ниҳоя.

² Беинтиҳо — сўнгсиз, чексиз.

³ Кажрав (кажравиш) — эгри, тескари юрувчи; мажозан: маккор, хийлагар.

⁴ Кўшиш — уриниш, харакат қилиш.

⁵ Рострав — тўғри юрувчи.

⁶ Хасосат аҳли — ҳасислар, баҳиллар.

⁷ Зуҳал — Сатурн сайёраси. Ўтмиш мунаҗжимларининг ақидасича, Зуҳал баҳтсизлик белгиси хисобланади.

⁸ Хильъат — уст кийим, сарпо.

⁹ Кисват — кийим, либос.

Чу топдинг, эй күнгүл, гардуни дун ҳолидин
огохлиғ,

Бериб орқа ҳунарға, бўлмоғил мағрур хизматға.

Ҳасад бирла нифоқу бухл¹ ила хиссатни² касб этма,
Тилаб иззат, замона ахли ичра қолма заҳматға.

Умидинг эрдиким, аввалғидин қадринг баланд
ўлғой,

Магарким, ушбу уммидинг эрур мавқуф³ фурқатға.

Жаҳондур бебако фурсат эрурким, умр мустаъжил⁴,
Бошингдин кўй ҳавасни-ю, юз ур тақвию тоатға.

Қилиб ҳар ҳолға шукр, Огаҳийдек шах дуосин қил,
Агар истар эсанг етмак туганмас жоҳу давлатға.

* * *

Вах, яна ғам ҳайли бошим узра ғавғо қилдило,
Хушу сабрим мулкини торожу яғмо қилдило...

Ҳажри оташгоҳиға, вахқим, яна жону күнгүл
Тушти-ю, бошдин-аёқ колмай асар ё қилдило.

Ишқ розин ёшуурур эрдим кўнгулда, вах, нетай,
Кон ёшим юз сори окиб, ошкоро қилдило.

Васли бўстони мақомим эрди, вах, эмди манго
Чарх зулми ҳажри зиндонини маъво қилдило.

¹ Бухл — баҳиллик, ҳасислик.

² Хиссат — ҳасислик, баҳиллик.

³ Мавқуф — бу ерда: боғлик, вобаста.

⁴ Мустаъжил — шошувчи, шошилувчи.

Меҳнату ғам шиддати оҳим ўтин тез айлабон
Хар кеча дуду шарорин¹ чархфарсо² қилдило.

Воқиф эрди Огахий ҳолидин ул султони хусн,
Билмадим, мунча тағофил нега пайдо қилдило?

* * *

Итқинг ғамики, рўзи азалдур³ бидояти⁴,
Шоми абаддин ўткуси онинг ниҳояти.

Хуффози⁵ чарх қилғуси такрор ҳар сахар,
Эрмас қуёш китоби жамолинг бир ояти.

Хар тун нужум дема сочилғон сиришк⁶ эрур,
Йиглотди, баски, чархни оҳим сирояти⁷.

Лутф ила саргузаштим эшишт, бўлмайин малул –
Ким, гулга хуш кўрингуси булбул хикояти.

Максад ризойи дўст агар эрса, хўб эмас
Ахли вафоға меҳнати ҳижрон шикояти.

Бир кимса дахр зулмидин эмин эмас, магар
Ҳар кимга етса жоми сабуҳий⁸ ҳимояти.

¹ Шарор (*шарар*) — ўт, учкун, аланга.

² Чархфарсо — фалакка етадиган.

³ Рўзи азал — азал куни, яратилиш ибтидоси.

⁴ Бидоят — бошланиш, ибтидо.

⁵ Хуффоз — корилар, ҳофизлар.

⁶ Сиришк — кўз ёши.

⁷ Сироят — ўтиш, таъсир, юқиш.

⁸ Жоми сабуҳий — эрталабки бош оғриғи учун ичиладиган май.

Мақсади манзилиға қачон йўл топар киши,
То етмагунча ҳодийи¹ давлат ҳидояти².

Осудалиғ, кўнгул, тиласанг, қўй амалниким,
Ул бир йўлеки, йўктур онинг хадду ғояти.

Гар ғолиб ўлса Огаҳий ғам хайлиға, не тонг –
Ким, ёрдур шаҳаншоҳи одил инояти.

* * *

Эй жамолингдур жаҳон зебандаси,
Ою кун эрмас онинг монандаси³.

Хусн мулкида эрурсан подшоҳ,
Хўблардур остоning бандаси.

Хони хуснингнинг гадоси келди гул,
Эгнида юз пора бўлғон жандаси⁴.

Ғунча ҳайратдин очибдур оғзини,
Токи зохир бўлди лаълинг хандаси.

Ўзни ушшоқингта мансуб айлабон
Офтоб ўлди йўлинг афкандаси⁵.

Жилва берсанг қоматингта боғ аро.
Сарв ила шамшод ўлур шармандаси.

Лутф этиб сўр Огаҳийнинг ҳолини,
Гарчи лутфингнинг эмас арзандаси.

¹ Ҳодий — раҳбар, йўлбошли.

² Ҳидоят — тўғри йўлни кўрсатиш, раҳнамолик.

³ Монанда — ўхаш.

⁴ Жандас — дарвешлар тўни.

⁵ Афканда — ийқилган, матлуб, забун.

* * *

Кўрмасам меҳри жамолин, моҳи анварни нетай?
Сўрмасам лаъли зулолин, оби кавсарни¹ нетай?

Каддининг раъно ниҳолин гар тамошо қилмасам,
Боғ аро наззораи сарву санавбарни нетай?

Ул гуландомим агар мажлисда сокий бўлмаса,
Лаългун саҳбонию гулранг соғарни нетай?

Ҳар нафас ширин каломи жонға роҳат бермаса,
Базм аро қанду наботу шаҳду шаккарни нетай?

Бўлмаса гар жилвагар руҳсори узра кокули,
Гул уза бўлғон паришон сунбули тарни нетай?

Бермаса бошимға зийнат осто ни туфроғи,
Афсари Доронию², тожи Скандарни нетай?

Тийра шомимни висоли субхидин ёрутмаса,
Моҳи анварни на айлай, меҳри ховарни³ нетай?

Бўлмаса ахбоб базми айш асбобига⁴ чарх,
Киссада маҳбус бўлғон сийм ила зарни нетай?

Огахий, гар бокмаса хўблар сари айб этмаким,
Базм аро чун йўқтур ул ой, ўзга дилбарни нетай?

¹ Оби кавсар — кавсар суви.

² Доро — каёнийлар сулоласининг охирги ҳукмдори бўлган Эрон шоҳи (вафоти — 330 йил).

³ Меҳри ховар — шарқ күёши.

⁴ Айш асбоби — айш-ишрат воситалари.

* * *

Эй пари, манъ этмагил базми висолингдин мани,
Баҳраманд эткил тамошои жамолингдин мани.

Лутф ила жам эт паришон хотирим айлаб ҳисоб,
Зумраи¹ девонаи ошуфтаҳолингдин мани.

Комим этти талх ҳажринг заҳри — ширин ком қил
Соғари лаълинг аро жонбахш болингдин мани.

Тифи ишқингдин ўлубман — тиргуза олмас Масих,
Гар ўзинг тиргузмасанг ширин маколингдин мани.

Одамосо² равзай кўйингда бархурдор³ кил,
Лаззати наззораи наврас⁴ ниҳолингдин мани.

Хилвати васлинг аро ағёрни маҳрам килиб,
Айлама маҳрум ҳусни бемисолингдин мани.

Нечаким хуру пари оллимда бўлса жилвагар,
Ўткара олмас даме фикру хаёлингдин мани.

Ғам тоши синдурди айшим соғарин, эй пири дайр,
Май тутуб маст айлагил синғон сафолингдин мани.

Ишқ таркини буюргунг Огаҳийға, носихо,
Айлама озурда бу амри маҳолингдин мани.

¹ Зумра — гурӯҳ, жамоат.

² Одамосо — одам каби. Бу ерда Одам алайҳиссаломнинг жаннатда юрган даврига ишора қилинмоқда.

³ Бархурдор — баҳраманд.

⁴ Наврас — янги ўсиб келаётган, ёш.

* * *

Оғзин қачон зикр айласам, ширинмақол¹ айлар
мани,
Белин қачон фикр айласам, нозик хаёл айлар мани.

Ул ой қопининг шаклини васф этмак этсам орзу,
Ҳайрат сипехрида онинг фикри ҳилол айлар мани.

Қадди ниҳолининг қачон авсофиға сурсам қалам,
Зебо иборат фикрати² андокки, нол³ айлар мани.

Ширин сўзи таърифида гар нукта сурмак истасам,
Нозик маоний диккати ҳайрону лол айлар мани.

Бокиб юзига, жамъ этай десам паришон хотирим,
Ҳойил⁴ бўлуб мушкин сочи, ошуфтахол⁵ айлар
мани.

Хусни камолини, не тонг, васф айласам такрор
ила –
Ким, ушбу маъни ишқ аро соҳибкамол айлар мани.

Шайдо кўнгул кўзгусида ҳар вақт бўлса жилвагар,
Ул дилрабонинг сурати сурат мисол айлар мани.

Жоним қатиғлиғдин лаби ҳажрида тандин чиқмади,
Эмди юз ўлгандин батар бу инфиол айлар мани.

¹ Ширинмақол — ширинсўз.

² Фикрат — билим, идрок, хаёл; ўйлаш, фикрлаш.

³ Нол — камиш.

⁴ Ҳойил — тўсик; монелик килувчи.

⁵ Ошуфтахол — паришонхол, ғамгин.

Ҳар не жафоким айласа, миннат туторман жонима –
Ким, лутфининг шойистаси¹ ушбу хисол² айлар
мани.

Васли хаёли кечалар ҳамдам манга, ваҳким, ўзи,
Билмон, қаю тун маҳрами базми висол айлар мани.

Оғзи висоли фикрини ҳар дам қилурман, Огахий,
Охир адам, албатта, бу фикри маҳол айлар мани.

* * *

Бу кеча ул ой кулбани аҳзонима келди,
Кўнгли чидамай нолаву афғонима келди.

Кўқдин тилаган комим ўлуб ерда мұяссар,
Хуршид очиб чехра шабистонима³ келди.

Ушшоқ аро бўлсам, не ажаб, эмди ғанийким,
Ул ганжи вафо гўшаи вайронима келди.

Бетоқат эди жону дилим ҳажрида, юз шукр –
Ким, бергали ором дилу жонима келди.

Юз лутф ила юз бўса манга бергали юздин,
Бўйнимға кўлин солди, ёвук ёнима келди.

Олғоч юзидин бўса, кулумсуб деди: лаълим
Ўп эмдиким, навбат лаби хандонима келди.

Лаълим санго жон бергуси, йўқ Хизр суйиким,
Махсус бу иш чашмаи ҳайвонима келди.

¹ Шойиста — лойик, мувофик, мунасиб.

² Хисол — сифат, хусусият.

³ Шабистон — тунги ёток.

Ман жон киби кучдим белину лаълини сўрдим,
Ул руҳи равондек¹ тани урёнима келди.

Тонг отқуча ётдим кучушуб, Оғаҳий, бу тун
Васл ояти гўёки манинг шонима келди.

* * *

Қачонким, ул пари қўздин нихон ўлди, нихон ўлди,
Ишим Мажнун киби оху фигон ўлди, фигон ўлди.

Чик истиқболига, эй дил, нисори² айла жон
нақдин —
Ки, дерлар бу тараф ул шах равон ўлди, равон ўлди.

Кўнгулда оташи ишқинг нихон асрай дедим,
эй шўх,
Нетай охим шароридин аён ўлди, аён ўлди.

Ўшал кунким, ёрутдинг хусн айвонин
жамолингдин,
Дили вайроним ишқингға макон ўлди, макон ўлди.

Ҳазин жонимға дарду ғам ўқин ёғдурғоли ҳар дам
Юзинг узра ики қошинг камон ўлди, камон ўлди.

Инноманг, эйки, дерсан, дилраболарда вафо
бордур,
Якиндурким, бу сўз манга гумон ўлди, гумон ўлди.

¹ Рӯҳи равон — жон, хаёт, тириклик.

² Нисор — 1) сочиш; 2) фидо.

Туну кун чикмасам майхонадин¹, не айбким, онда
Кишиким кирди — кулфатдин омон ўлди, омон ўлди.

Жаҳон савдосидин, эйким, тиларсан суд топқойсан,
Бу савдо суди, билгилким, зиён ўлди, зиён ўлди.

Агарчи яхшидур ахбоб ила базм этмагинг ҳар тун,
Вале Огахийни қовдинг, ёмон ўлди, ёмон ўлди.

* * *

Ашкима гар канора² йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай,
Оҳима ҳам шумора³ йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Ҳар дам улусга лутф ила бокғуси, қаҳр ила манга,
Ман сори бир назора йўқ, бўлмаса-бўлмасун,
нетай.

Ишқ эли кўнгли дардиға чора килур, вале манинг
Дарди дилимға чора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Ҳажр ила затьфим⁴, ўйлаким, охи ҳазиним ўтиға
Шуъла билан шарора йўқ, бўлмаса-бўлмасун,
нетай.

Жон лабидин чу бермади жисмима, вахки, қошидин
Қатлима ҳам ишора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

¹ Майхона (майкада) — шавку завку илоҳий файзга кон комил орифнинг ботини. Илоҳий олам маъносига ҳам келади. Пири муршиднинг хонакохи, Ҳак толиблари тўпланадиган жой ҳам тушунилади.

² Канор(а) — сохил, кирғок.

³ Шумор(а) — санок, ҳисоб.

⁴ Затъф — холсизлик, қувватсизлик, ҳасталик.

Кўйига борсам этгуси васлиға ваъда, ул доғи
Бўлғуси бора-бора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Толеъни равшан ўзганинг лутфи куёш нуридин,
Ман киби бахти қора йўқ, бўлмаса-бўлмасун,
нетай.

Бўлди ситораси¹ исиф халкга меҳри ёр гарм,
Манда исиф ситора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Дедим ўлубдур Огахий, ашки канорасиз, деди,
Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

* * *

Дарди дилим анго дедим, «Дема ани манго», – деди,
«Ким манта ошиқ ўлса, ул лозим эрур анго», – деди.

«Юз уза икки наргисинг, вах, не бало қаро?» –
дедим,
«Кўнглунгу жонинг олғучи икки қаро бало», –
деди.

«Лабларинг оғзима етур — жон топойин анго», –
дедим,
Лаъли табассум айлабон: «Йўқму ўлум санго?» –
деди.

«Кучмок эрур белинг ҳазин кўнглума муддао», –
дедим,
«Йўқму ўётинг ушбу сўз дегали, беибо?» – деди.

¹ Ситора — юлдуз.

«Хуснунга айлайин назар — ман сари бир қаро», —
дедим,
Ёшурубон юзин: «Кет, эй масхара, беҳаё», — деди.
«Бўсаи лаб савоб учун айла манга ато», — дедим,
Қошу қапоғини четиб: «Қўй, бу сўзинг хато», —
деди.
«Вах, недин эркан этмагунг ҳеч вафо манго?» —
дедим,
«Зоҳир ўлубдуур қачон ҳусн элидин вафо?» —
деди.
«Хаста кўнгулға қилғасан мунча недин жафо?» —
дедим,
«Дема жафо они санинг дардингдадур даво», —
деди.
«Огаҳий комини недин айламагунг раво?» — дедим,
«Ком топарму жонин ул килмоғучा фидо?» — деди.

* * *

Айлаб мани фирок аро ҳайрон ул ой ғами,
Бағримни қилди қайғу била қон ул ой ғами.

Вах, найлайнинки, жисми назоримни ишқ аро
Кулфат ўтиға айлади сўзон ул ой ғами.

Тун-кун ҳазин кўнгулни неча фикрга солиб,
Еткурди аклу ҳушима нуксон ул ой ғами.

Оҳимни дуддек¹ чиқориб кўкка ҳар кеча,
Икки кўзимни айлади гирён ул ой ғами.

¹Дуд — тутун.

Бир ёндин эл жафоси ўки бошима ёғиб,
Жонимға қасд килғуси бир ён ул ой ғами.

Кўнглум уйига жамъ бўлуб беҳадду адал,
Холимни қилди асрар паришон ул ой ғами.

Дил жамълиғ манго нечук ўлсунки, бир нафас
Чикмок кўнгулдин ўлмади имкон ул ой ғами.

Роҳат учун тамуғ¹ тиларамким, жаҳон аро
Берди азоблар неча алвон ул ой ғами.

Эмди тириклиқ, Огахий, ишқ ичра қайдадур,
Мундокки қасд қилди манго жон ул ой ғами.

* * *

Олди кўнглумни менинг биргина дилбаргинае,
Тиши гавҳаргинае, лаблари шаккаргинае.

Жилвагар бўлди паридек сурубон рахшини тез,
Чобуки таргинае², шўхи ситамгаргинае.

Бир боқиб хушу хирад³ накдини ғорат қилди,
Кўзи кофиргинае, кирпиги ништаргинае.

Қилди ҳайрон мани юз нозу адо зоҳир этиб,
Сиймпайкаргинае⁴, сўзлари гавҳаргинае.

Ўртабон ишқ ўтиға жону таним айлади кул,
Юзи анваргинае⁵, холи муанбаргинае.

¹ Тамуг — дўзах, жаҳаннам.

² Тар — бу ерда: нозик, латиф.

³ Хирад — акл, идрок.

⁴ Сиймпайкар — оқбадан, гўзал.

⁵ Анвар — энг нурли, порлок.

Олди ақлу хираду сабру кароримни суруб,
Бир таковаргинае¹, шўхи диловаргинае².

Қачон ўлғайки, манга келса суруб рахшини ул,
Нозпарваргинае³, золими кофаргинае.

Манда худ колмади бир зарра киби тоқату тоб,
Айлагил, ё Раб, ани тез мұяссаргинае.

Оғаҳий, бил, кеча-кундуз ишидур оху фиғон,
Кимгаким учраса бир ёшгина дилбаргинае.

* * *

Эй меҳрибоним, кел бери, гулдек янокингни ўпай,
Гоҳи бошингдин эврулуб, гоҳи аёкингни ўпай.

Кўб муддат ўлдиким, кўролмай соғинмишман сани,
Келким, кучуб нозик белинг, кошу капоқингни
 ўпай.

Рози дилим пинҳон санто демак баҳона айлабон,
Оҳиста илким бўйнунга солиб қулоқингни ўпай,

Захри ғамингдин неча вакт ўлдики эрдим талхком⁴,
Бер рухсат эмди лутф этиб, ширин дудоқингни
 ўпай.

Ондоқ манга бўл меҳрибон базми висолинг
 ичраким,
Кўксунгға кўксум еткуруб, сиймин сакоқингни
 ўпай.

¹ Таковар — йўрға от.

² Диловар — ботир, каҳрамон, жасур.

³ Назпарвар — нозли, ноз қилишга ўрганган, эрка.

⁴ Талхком — аччиқ насибали, аламзада, қайгули.

Эй шаҳсуворим марқаби, күйғил қадам ман
сориким,
Йўлингға туфрок айлабон бошим, туёқингни ўпай.

Кел Огаҳий оғушиға ёрун бўлуб, эй гулбадан,
То кўнглакосо¹ титрабон бошдин-аёкингни ўпай.

МУСТАЗОД

Вах, менга каҳр этиб ул қотили бебок² санам,
берадур заҳри жафо,
Илтифот айлабон ағёрға тинмай бир дам,
тутодур жоми вафо.
Ғами ишқ ичра фиғоним ўтининг шуълалари
бориб оғоқ³ сари,
Кул онинг ҳирқатидин⁴ бўлди тамоми олам,
куюбон арзу само⁵.
Не ажаб, ишқ аро девоналиғ изҳор этсам –
ки, ўшал рашки пари
Ақлу ҳушимни манинг кўймайин олди кам-кам,
кўргузуб нозу адo.
Десам ул шўхи паривашни паризод агар,
тонг эмаским, ҳаргиз
Бўлмоғи мумкин эмас даҳр аро жинси одам,
бу сифат ишванамо.

¹ Кўнглакосо — кўйлак каби.

² Бебок — золим, тошбағир.

³ Оғоқ — дунё, олам.

⁴ Ҳирқат — куйиш, ёниш.

⁵ Арзу само — еру кўк.

Сидк ила йўлида бошимни кўюбман туну кун
 поймол этмак учун,
 Килғаман гар келибон қўйса бошим узра қадим,
 нақди жонимни фидо.
 Чекиб ондин ситаму жавру жафо ўлмакка,
 этмишам усру ёвук,
 Раҳм бу холима айлаб нафасе зулму ситам,
 килмади тарқ асло
 Ҳажр андухи била бўлса мушавваш¹ кўнглунг;
 Огахий, ғам емаким,
 Борча ташвишинг ўлур маҳв агар лутфу карам
 килса дилдор санго.

МУХАММАС

(Навоий газалига муҳаммас)

Фалакким, яхшилар базмida қадримни баланд
 этмас,
 Dame йўқким, ёмонлар мажмаъида² мустаманд³
 этмас,
 Бу ҳасратдин кўзим ашки йўлин бир лаҳза банд
 этмас,
 Мани ман истаган ўз сухбатига аржуманд этмас,
 Мани истар кишининг сухбатин кўнглум писанд
 этмас.

¹ *Мушавваш* — ташвишли, беором.

² *Мажмаъ* — жамоа, йиғилган кишилар.

³ *Мустаманд* — 1) хаста, нотавон; 2) муҳтоҷ, ҳожатманд.

Фигонким, даҳри дун ичра рафиқе топмадим оғах,
 Қаён борсам бўлурлар ғулвашлар¹ ҳамдаму ҳамраҳ,
 Тиларлар баҳра мандин, ман тилаб топман биридан
 рах²,
 На баҳра топғаман ондинки, мандин истагай баҳра,
 Ўзи ҳам баҳраманд ўлмас, мани ҳам баҳраманд
 этмас.

Кўзи заҳри эса ҳар нечаким мойил мамотимға,
 Лаби шаҳди эса роғиб ўлумдин ҳам нажотимға,
 Бу дам восил эмон ул қотили Исо сифотимға,
 Нетай хуру пари базминки, катлим ё ҳаётимға,
 Аён ул заҳр чашм айлаб, ниҳон бу нўшханд³ этмас.

Чико олмай кўнгул ҳайрондур усру шоми
 фурқатдин,
 Тўкар ашкини кўз ҳам интизори субҳи вуслатдин⁴,
 Иложе бўлмаса ул моҳваш хуршидтальъатдин⁵,
 Керакмас ой била кун шакликим, хусну малоҳатдин
 Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.

Бу кун чобуклар ичра йўқ эди ул шахсуворимким,
 Бирини килмади манзур чашми ашкборимким,
 Ғуборосо⁶, не тонг, агар қолмаса сабру кароримким,

¹ Ғулваш — девга ўхшаган.

² Рах (роҳ) — бу ерда: чора, тадбир.

³ Нўшханд — чиройли табассум, ширин кулги.

⁴ Вуслат — висол.

⁵ Хуршидтальъат — гўзал юзли

⁶ Ғуборосо — ғубор каби.

Керак ўз чобуку котилвашу мажнуншиоримким¹,
Бузук кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд²

этмас.

Кўнгулни айлаб, эй солик тааллук чиркидин тохир³,
Фано мулкига азм эт, бехавотир айлабон хотир,
Нечаким берса коминг айлабон меҳру вафо зохир,
Кўнгул уз чарх золидин, фирибин емаким, охир
Ажал сарриштасидин⁴ ўзга бўйнунгға каманд

этмас.

Саводи⁵ зулфини кўргач, юмар Огаҳий тун деб кўз,
Юзиға нозир⁶ ўлғоч ҳам тутар кўл бирла кун деб
кўз,

Кўнгул ҳайратда қолма кўрмас они не учун деб кўз,
Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасун деб кўз,
Мухаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд⁷ этмас.

МУСАДДАС

Базм туздилар ногах бир неча суманбарлар,
Орази дурахшонлар, кокули муанбарлар,
Кўзлари чекиб ҳар ён юз синону⁸ ханжарлар,

¹ *Мажнунишор* — телбаликни касб қилган.

² *Саманд* — ранги сарик, ёл-куйруги кора от; чиройли от, тулпор, аргумок.

³ *Тоҳир* — пок, покиза.

⁴ *Сарришта* — калаванинг учи, ишнинг асоси.

⁵ *Савод* — 1) кора, коралик; 2) коронғи, зулмат.

⁶ *Нозир* — назорат қилувчи.

⁷ *Сипанд* — исирик.

⁸ *Синон* — найза, найза учи; мажозан: киприк.

Килғоли туман пора ишқ әлиға пайкарлар,
Вахки, күрмадим олам ичра бўйла дилбарлар,
Ўлтууррга ошиқни раҳмсиз ситамгарлар.

Чунки ман олар сори шавқ бирла юз урдим,
Ўзни ул балоларға бехудона¹ еткурдим,
Кўргузуб тазарруълар, юз адаб била турдим,
Лек ҳар бирисидин беадад жафо кўрдим,
Вахки, күрмадим олам ичра бўйла дилбарлар,
Ўлтууррга ошиқни раҳмсиз ситамгарлар.

Ёлбориб дедим кўздин оқизиб дамодам қон:
«Мажлис ичра шод айланг ман ҳазинни ҳам
бир он».

Дедилар тамасхурдин² лабларин қилиб хандон:
«Васл истама биздин, кет йўлунгға, эй нодон».
Вахки, күрмадим олам ичра бўйла дилбарлар,
Ўлтууррга ошиқни раҳмсиз ситамгарлар.

Ман дедим яна афғон тортибон неча каррат:
«Не бўлур муқим ўлсам базмингизда бир соат».
Дедиларки: «Сан фартут³, биз жувони хушсурат,
Бас, санга на лойикдур биздин истамак сухбат».
Вахки, күрмадим олам ичра бўйла дилбарлар.
Ўлтууррга ошиқни раҳмсиз ситамгарлар.

Ман дедим яна: «Сизда йўкмудур мусулмонлиғ,
Еткуурсиз айлаб зулм, хотиримға вайронлиғ».
Дедиларки: «Мажнундек тилни қилма ҳазёнлиғ,

¹ Бехудона — бехушларча, мастона.

² Тамасхур — масхара бўлиш.

³ Фартут — қари, кекса.

Турсанг эмди бу ерда ўзни кўрмагунг жонлиғ». Ваҳки, кўрмадим олам ичра бўйла дилбарлар, Ўлтуурга ошикни раҳмсиз ситамгарлар.

Чун алардин истиғно мундок айладим маълум, Бўлдим ул жафогарлар васли базмидин маҳрум, Каррилиғмудур, йўқса толеъимдирму шум – Ким, аларға бу янглиғ бўлдим аҳқару мазмум¹, Ваҳки, кўрмадим олам ичра бўйла дилбарлар, Ўлтуурга ошикни раҳмсиз ситамгарлар.

Огаҳий, кўнгул комин қилмок истабон ҳосил, Бўлма ул балоларнинг базми васлиға мойил, Мақсадингға қилмаслар васл аро дами восил, Қатл этарга чеккайлар балки ханжари котил, Ваҳки, кўрмадим олам ичра бўйла дилбарлар, Ўлтуурга ошикни раҳмсиз ситамгарлар.

МУРАББАЪ

Жамолинг шавқида ёқти фалакни ўтлуғ афғоним,
Бори ер юзини тўфонға берди чашми гирёним,
Эшит додимни эмди дардинг ўлди қосиди жоним,
Нигорим, меҳрибоним, макрамат² тахтида
султоним.

Ўтубдур илтифотинг орзуси бирла ою йил,
Кўзим гирён, таним ларzon, кўнгул нолону алкан³
тил,

¹ Мазмум — ёмон.

² Макрамат — иззату эҳтиром, лутфу карам.

³ Алкан — гунг, лол, соков.

Боқиб айни¹ карамдин ушбу ҳолимға тараҳхум қил,
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида
султоним.

Тушуб маъкул кўнглунгға ракибинг ҳарза² гуфтори,
Ҳамиша қасди нозик хотирингнинг кўнглум озори,
Замоне тарки озор эт, манго раҳм айлабон боре³,
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида
султоним.

Карам рахши инонин⁴ ман сори бир дам
эвурмассан,
Хизрдек бошим узра макдаминг⁵ ҳаргиз
етурмассан,
Ўларга етмишам дардинг чекиб, ҳолимни
сўрмассан,
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида
султоним.

Килиб кўб ваъдалар — бирина килмассан вафо
ҳаргиз,
Вафо мандин кўрарсан, тарқ қилмассан жафо
ҳаргиз,
Даме таъсир килмас нолаву зорим санго ҳаргиз,
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида
султоним.

¹ Айн — кўз, нигоҳ.

² Ҳарза — бехуда.

³ Боре — 1) бир марта, бирор марта, лоакал; 2) энди, оқибатда.

⁴ Илон — жилов, тизгин, ихтиёр.

⁵ Мақдам — қадам қўйиш, келиш, ташриф буюриш.

Висолингда килур ағёр тун-кун айш ила ишрат,
 Фироқингда насибимдур манинг андух ила кулфат,
 Дегил, бу нотавонингға недин кўргузмагунг
шафкат.

Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида
султоним.

Етар мунглут бошимға ҳар нафас юз минг бало
сандин,
 Ва лекин зохир ўлмас лаҳзае меҳру вафо сандин,
 Қачонға тегру чеккайман жафо узра жафо сандин,
 Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида
султоним.

Кечакундуз фирокинг тийра зинданни манга
маскан,

Ситам ўки етиб сандин тану жонимда юз равзан¹,
 Кўлунгдин кимга дод айлайки, олам ичра
сандурсан

Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида
султоним.

Вафо сандин тилаб, кўйинг аро бисёр йиғларман,
 Фироним тиғидин бағрим қилиб афгор йиғларман,
 Кўюб юз остананг туфроғиға зор йиғларман,
 Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида
султоним.

Бу кун жони ҳазиним бодаи лутфинг била шод эт,
 Шикаста² хотирим вайронини маъмуру обод эт,

¹ Равзан — туйнук, дарча, тешик.

² Шикаста — бу ерда: ғамгин, маъюс.

Бу қари қулни, яъни дарду ғам бандидин озод эт,
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида
султоним.

Ўтуб умрим, дуогўйи жаноби чархсойингман¹,
Йўлунгда юз ниёзу ажз бирла хоки пойингман,
Тараҳхум айлагил ҳолимғаким, мискин
гадойингман,
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида
султоним.

Кўруб лутфу ато сандин жаҳон ичра бори одам,
Топиб кому муродини эрурлар хушдилу хуррам,
Вале мандек эмастур ҳеч кимга илтифотинг кам,
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида
султоним.

Тилаб лутфингни маскан гўшии кўйингни то
килдим,
Итобинг ўтиға юз минг уқубат бирла ё килдим,
Била олмон санго шум толеъимдин не хато килдим,
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида
султоним.

Неча муддатдуурким солмадинг кўнглунгға
ёдимни,
Эшит эмди муруват кўргузуб афғону додимни,
Мани ноком қўйма мундин ортиқ, бер муродимни,
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида султоним.

¹ Чархсой — ўта баланд, нихоятда юксак маъносида.

Муруват айлаким, афтодай хоки раҳингдурман,
Ғуломи оstonу жабҳасой¹ даргаҳингдурман,
Карилиғ дардидин пажмурда² бўлғон

Огаҳингдурман,
Нигорим, меҳрибоним, макрамат таҳтида
султоним.

ТАРЖЕЪБАНД

Даҳр уйи бунёдиким, су узрадур — маҳкам эмас,
Онда кирган эл ҳавотирдин амон бир дам эмас.
Доимо вайронлиғ осори онинг арконидин³,
Барча олам ахлиға маълум эрур, мубҳам⁴ эмас.
Кечаву кундуз ёғар идбор⁵ гарди сакфидин,
Ёғмоқи ҳар дам фузун онинг замоне кам эмас,
Бу сифатлиғ уй аро ҳар кимки маскан айлади,
Хотири онинг ҳавотирдин даме беғам эмас.
Ушбу меҳнатхонада гар шоҳ бўлсун, гар гадо,
Бир нафас айшу фароғат жомидин хуррам эмас.
Онда ҳар ким бошиға юз дарду ғам айлаб ҳужум,
Бир киши йўқ ашқи ҳасратдин кўзи пурнам⁶ эмас,
Кўбдур онда ишрат уммиди била тутғон макон,
Шоҳиди максудиға лекин бири ҳамдам эмас.
Борча зинданни балиятға⁷ бўлубдур мубтало,
Умри ичра бир нафас осуда бир одам эмас.

¹ Жабҳасой — итоаткор. хоксор.

² Пажмурда — эзилган, нотавон.

³ Аркон — бу ерда: асос.

⁴ Мубҳам — яширин, пинҳон.

⁵ Идбор — баҳтсизлик, тушкунлик, ишнинг орқага кетиши.

⁶ Пурнам — ёшга тўла, гирён.

⁷ Балият — бало, мусибат, кулфат.

Даҳр бир вайронаедурким, ҳаробобод¹ эзур,
Чикса ондин ҳар киши ғам бандидин озод эзур.

Даҳр бир гулшандуур — бўйи вафоси йўқ онинг,
Жонға ҳаз еткургудек обу ҳавоси йўқ онинг.
Йўқ баҳорида ҳазон осибидин² бир дам амон,
Кўз юмуб-очғунча фаслининг бақоси йўқ онинг.
Ипрати субҳини ғам шоми мукаддар айламиш,
Бир нафас баҳр олғудек файзи сафоси йўқ онинг.
Ҳар гулеким очилур онда онга йўқ барги айт,
Ҳар күшеким ун чекар, ишрат навоси йўқ онинг.
Тушса ҳар шабнам суви гар онда ҳасрат ашқидур,
Чекса қад ҳар нахли шакли дилкушоси йўқ онинг.
Они сартосар ҳаводис хайли манзил айламиш,
Бехавотир сайр қилғудек фазоси йўқ онинг.
Ҳар кишиким роҳат истаб, айлади маскан они,
Мехнату дарду ғанининг интихоси йўқ онинг.
Борча умрин ўткариб юз минг машаккатлар била,
Лахзае зинданни кулфатдин раҳоси йўқ онинг.

Даҳр бир вайронаедурким, ҳаробобод эзур,
Чикса ондин ҳар киши ғам бандидин озод эзур.

Даҳри дун айёрасиким, йўқ онго меҳру вафо,
Пешаси кину нифоку одати жавру жафо.
Йўқтурур асло ҳамул маккора котил зотида,
Заррача раҳму мурувват, катрача шарму ҳаё.
Ҳийла домига ҳалойикни гирифтор этгуси,
Кўргузуб ғунжу далолу ғамзау нозу адo.

¹ Ҳаробобод — ҳаробазор; мажозан: дунё, олам.

² Осиб — зиён, зарар, кулфаг.

Ишвалар зохир қилур ҳар лаҳза юз найранг ила,
Токи эл жону дилига солғай ошубу¹ бало.

Қадди шавқи ичрадур танларга юз захми синон,
Кирпики фикридадур жонларға минг ниши изо².
Зулфининг савдоси домида килиб зору асир,
Айлагай жумла халойик рўзгорини каро.

Ҳажр заҳри бирла айлаб элни доим талхком,
Васли нўши бирла бир дам айламас комин рано.
Қатл этар охир туман нокомлиғ тифи била,
Кимсаки бўлмиш онинг қайди³ ғамиға мубтало.

Даҳр бир вайронаедурким, ҳаробобод эзур,
Чикса ондин ҳар киши ғам бандидин озод эзур.

Солма кўз ушбу жаҳон шавқига зинхор, эй кўнгул,
Ойрила олмас балоға бўлма дучор, эй кўнгул.
Ҳар нафас юз ишваким фош айлар, ондин мақсади
Халкни ишқида ўлтурмактурур зор, эй кўнгул.
Васлиға майл этса ҳар ким жавр ила айлар ҳалок,
Бўлмогил мойил онга, бўлғил хабардор, эй кўнгул.
Истасанг топмок нигор олдида иззу⁴ эътибор,
Ул ситамгар олдида қилма ўзинг хор, эй кўнгул.
Гарчи суратда кўринур бир нигори шўху шанг,
Лек маънида эзур бир золи маккор, эй кўнгул.
Қасдидур элни фириби домиға қилғай асир,
Буки ҳар дам қилғуси юз жилва изҳор, эй кўнгул.
Ҳийласига олдониб онинг бори олам эли,

¹ Оидуб — гавғо, фитна, туплон.

² Изо — озор, азоб, ранж.

³ Қайд — банд, занжир.

⁴ Иззу — иззат.

Тун-кун ўлмишлар висолиға талабгор, эй күнгүл.
Йўқ жахонда бир киши онинг фирибини ебон
Бўлмоғон андуҳ ила ғамға гирифтор, эй күнгүл.

Даҳр бир вайронасиким, ҳаробобод эрур,
Чикса ондин ҳар киши ғам бандидин озод эрур.

Бу жаҳон вайронасиким, онда роҳатдур адам,
Маскан этмишдур они хайли ғаму фавжи¹ алам.
Ҳам биносида онинг ранги бакодур озу кўб,
Ҳам ҳавосида онинг бўйи вафо бисёр кам.
Не онинг шахрида бордур айшу роҳатдин нишон,
Не онинг саҳросида бордур нишот осори ҳам.
Шахрию саҳросидур манқуби² хайли ҳодисот,
Боғию бўстонидур помоли афвожи ситам.
Умрида меҳнат чекардин топмағай бир дам фароғ,
Ҳар кишиким, бу кўҳан вайронага қўйди кадам.
Не ситамлар чекмай ондин борди Афридуну Кай,
Не аламлар кўрмай ондин қолди Кайковусу Жам.
Жавридин фориғ эмас бир дам гадойи нотавон,
Зулмидин эмин эмас бир лахза шохи муҳтапам.
Огаҳий, чик ондину факру фано йўлиға кир,
Даҳр аро бўлмай десанг гар мубталойи банди ғам.
Даҳр бир вайронасиким, ҳаробобод эрур,
Чикса ондин ҳар кипи ғам бандидин озод эрур.

¹ Фавж — гурух, туда.

² Манқуб — ёмон ахволга дучор бўлган, эзилган, бадбаҳт.

ҚИТЪАЛАР

Қаноат гўшасида хоксор ўлмокни одат кил,
Агар етмак тиласан меҳр янглиғ авжи иззатға.

Тамаъ тарқ айлабон элдин, этак хуршиддек
чеккил –
Ки, то ўлтурмағайсан соядек хоки мазаллатға.

Қаноат давлати бокидурур қонеъғаким, ҳаргиз
Муяссар бўлмагай томеъға¹ етмак ушбу давлатға.

Тамаъ идбори томеъға тугонмас меҳнатедурким,
Етушмак мумкин эрмас ўлгучча бир лаҳза роҳатға.

* * *

Кўнгул, муҳтоҷлик ногах агар килса сани музтар.
Бориб ҳожатраволиғ илтижо кил ахли химматдин.

Вагар худ жўни фока тиғидин юз қатла ўлсанг ҳам,
Тамаъ раҳму мурувват килма ҳаргиз ахли
хиссатдин –

Ки, юз ганж ул бериб очик юз ила ҳам чекар
миннат,
Бу бир нон берса ўлтургай очиғ сўз бирла
миннатдин.

¹ Тамеъ — тамагир.

* * *

Бори олам элининг шуму бадбахти ул одамдур –
Ки, бухлу хиссату кибру ҳасад ондин бўлур воеъ.

Агар жамъ айласа юз ганж хиссат бирла Қорундек,
Яна эл молини айлар тамаъ, бўлмай анго қонеъ.

Ўзи худ бермагай умрида бир муҳтоҷға бир нон,
Берур элға доги булғой камоли сайъ ила монеъ.

Онингдек шумнинг дийдорини кўрмаслик
авлодур¹ –
Ки, онинг шомати² кўрган кишини ҳам килур зоеъ.

* * *

Кишиким, ямонлиғ эзур шеваси,
Келур ҳар нафас бошиға юз бало.

Жалойи ватан айлаб они фалак,
Килур ғурбат андуҳига мубтало.

* * *

Эй қўнгул, яхшилиғни қил пеша –
Ки, ямонлиғ эзур ямонға жазо.

Кимки тарк айласа ямонлиғни,
Бўлур, албатта, яхшиликға сазо.

¹ Авло — яхши, афзал.

² Шомат — бўй, хид.

* * *

Фалак гардипин күрки офок аро,
Күёшни қаро ерга ҳамвор¹ этар.

Жахон дунликин күрки фарқ этмайин,
Гұхарни хазафдин басе хор этар.

* * *

Гар азиз ўлмок тиларсан хизмати ихлос ила –
Ким, сабаб хизмат эрур хар кимки бўлди аржуманд.

Күрки зулмат хайли дағъиға чекар ҳар субҳ тиф,
Офтоб ул важх бирла сурхрўю² сарбаланд.

* * *

Ҳар кишиким ташкари кўйса кадам ўз ҳаддидин,
Етмайин мақсудиға шармандаи олам бўлур.

Юз туман ранжу мاشаққат бирла оламдин бориб.
Рўсиёҳу³ музтарибҳол⁴ охиратда ҳам бўлур.

* * *

Кўнгулни боғлама номард ваъдасиға даме –
Ки, ваъдасида анинг бўлмағай вафо ҳаргиз.

Мулойим ўлмас даме душмани қадимингға,
Мулойимат била ул бўлмас ошно ҳаргиз.

Таши йилоннинг агар ҳар нечаки нармдуурүп⁵,
Ва лек бўлмас ичи захридин жудо ҳаргиз.

¹ Ҳамвор — баробар, теп-текис.

² Сурхрўй — кизил юзли, хурсанд, сархуш.

³ Рўсиёҳ — юзи кора, гуноҳкор.

⁴ Музтарибҳол — паришон, бетоқат.

⁵ Нарм — юмшок.

* * *

Кимки, ўз ҳаддидин тажовуз этиб,
Амали бад сори қадам урғай,

Ўзи ўз жони қасдини қилибон
Ўзиға ханжари дудам¹ урғай.

* * *

Агар жамъ ўлса учқун бир маконға,
Бўлур, албатта, оташгоҳ пайдо.

Ва гар ҳар соридин йиғналса катра,
Бўлур тадриж² ила тўфон ҳувайдо³.

* * *

Чу қолдинг иш килур вактида ғофил,
Пушаймонлиғ била эмди на ҳосил.

Чу ғарк ўлдинг мухити бекаронға,
Нажотинг йўқ юз урсанг ҳар қаёнға.

* * *

Агар меҳмон санга бўлса мұяссар,
Анго жойинг уйин жой эт мұкаррар.

Чу меҳмон дўстингдур ҳоҳ душман,
Очук юзликни юзатни кил фан⁴.

* * *

Киши неча иморат қиласа бунёд,
Ва ёхуд ҳаддин афзун кўйса авлод,

¹ Дудам — икки тиғли.

² Тадриж — аста-секин, даражама-даража.

³ Ҳувайдо — аён, равшан, опкор.

⁴ Фан — бу ерда: касб, ҳунар, одат.

Тутуб бўлмас бирисидин бақо куз,
Колур бокий жаҳон ичра магар сўз.

* * *

Кимсаким, бўлғай ямонлиғ пешаси,
Хуни ноҳақ айламак андишаси,

Бўлса қасди мулк вайрон айламак,
Ҳолини элнинг паришон айламак,

Бўлубон ўз феъли бошиға бало,
Икки олам ичра бўлғай юз қаро.

Тангри қаҳриға бўлуб охир дучор,
Ўлгуси итлар масаллик хору зор.

Ибрат ўлғай ҳоли одам ахлиға
Демайин одамки, олам ахлиға.

РУБОЙЛАР

Ё Раб, қилибон ғамингни маҳбуб манга.
Дардингни туну кун айла матлуб манга.
Руҳимни ҳамиша нафсга ғолиб эт,
Нафсимни ҳамиша айла мағлуб манга.

* * *

Бир сўз дегали гар очса жонон икки лаб,
Беҳадду адад бўлур дурафшон икки лаб.
Юз катла ғами ишқидин ўлсам, ғам эмас –
Ким, бергусидур бир сўз ила жон икки лаб.

* * *

Зарра учубон найири аъзам¹ бўлмас,
Ер болиш этиб, авжи фалак хам бўлмас,
Инсон аро нодонни билинг ҳайвондур,
Ҳайвон неча зўр айласа одам бўлмас.

* * *

Килмок била парвариш тикан гул бўлмас,
Ҳам тарбият ила зоғ булбул бўлмас,
Гар асли ёмонға яхшилик минг қилсанг,
Яхшилиқ онинг нияти билкулл бўлмас.

* * *

Ҳар неча жафову жавр эрур ёрға иш,
Юз онча вафову меҳр бу зорға иш.
Гар шамъ ўтиға ҳар неча куйса, ўзини
Урмок анго парвонаи ночорға иш.

* * *

Даҳр аҳлидин уммид ато килма абас,
Гар оқил эсанг, бўйла хато қилма абас.
Айлаб тамаъ вафо ситамгарлардин,
Ўз жонинга-ўқ² ўзинг жафо килма абас.

¹ Найири аъзам — энг улуғ нур сочувчи күёш.

² Ўқ — кучайтириш юкламаси.

МУНДАРИЖА

Эргаш Очилов. «Шоири данойи даврон»	3
Ғазаллар	12
Мустазод	157
Мухаммас	158
Мусаддас	160
Мураббаъ	162
Таржеъбанд	166
Қитъалар	170
Рубоийлар	174

Жаҳон шеърияти дурдоналари

Адабий-бадиий нашр

ОГАҲИЙ

ЖАМОЛИНГ ЖИЛВАСИ

Мухаррир *A. Зиядов*

Бадиий мухаррир *P. Зуфаров*

Техник мухаррир *D. Габдрахманова*

Мусаҳих *M. Ишонхонова*

Саҳифаловчи *F. Тугушева*

Нашриёт лицензияси А1 № 158, 14.08.09.

Босишига 2013 йил 14 марта руҳсат этилди. Офсет қағози.

Бичими 70×90% . Офсет босма усулида босилди.

«Peterburg» гарнитураси. Шартли босма табори 6,43.

Нашр табори 6,28. Адади 3000 нусха. Буюртма № 13-41.

Баҳоси келинишлган нархда.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий ўйи.

100129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz